

**Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратурасининг  
Олий ўқув курслари**

# **АХБОРОТНОМАСИ**



**№1 (13) 2013**



# Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

илмий-амалий нашр

## МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратурасининг  
Олий ўқув курслари

## Таҳрир кенгаши:

Рашитжон Қодиров  
Ниғматилла Йўлдошев  
Зоҳид Дўсанов  
Ҳақимбой Ҳалимов  
Шўхрат Узаков  
Толибжон Умаров

## Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

## Масъул котиб:

Гофуржон Алимов

## Таҳрир ҳайъати:

Нуриддинжон Исмоилов  
Светлана Ортиқова  
Баҳодир Исмоилов  
Аббосхон Сангинов  
Мўхтор Зоиров  
Фаҳри Раҳимов  
Фурқат Шодманов  
Жаҳонгир Максумов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2011 йил 29 апрелдаги 172/5-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нўқтаи назаридан фарқ қилиши мўмкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақола-ларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

## Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,  
Тараққиёт кўчаси 59-уй

## Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

Буюртма №

Адади: 1000

Журнал «Мир полиграфии»  
МЧЖ ҚК босмахонасида  
чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри,  
Авлиё ота кўчаси 7-уй

## МУНДАРИЖА

<b>Т.УМАРОВ.</b>	Коррупциявий тавсифдаги жиноятларга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: миллий ва хорижий тажриба.	1 5
<b>М.ҚУРОНОВ.</b>	Медиамаданият — бугунги кун шарты.	10
<b>Д.Р.ТАНХАЙМ.</b>	Жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари — халқаро тажриба.	21
<b>В.КАРИМОВ.</b>	Тезкор-қидирув фаолияти ва инсон ҳуқуқлари.	
<b>Ф.ВАХОБОВ.</b>	Хорижий мамлакатларда солиқ ҳуқуқбузарлиги ва жиноятларига қарши курашиш амалиёти.	26
<b>Р.ИКРАМОВ.</b>	Экологик-ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг айрим масалалари.	28
<b>Ш.ҲУСАИНОВ.</b>	Хорижий инвестицияларни жалб қилишда эркин иқтисодий зоналарнинг роли.	31
<b>И.МУРОДОВ.</b>	Божхона омборларида ёнғинларнинг олдини олиш.	34
<b>И.РУСТАМБЕКОВ.</b>	Ўзбекистон Республикасида инвестиция соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари.	38
<b>Л.БАРАКАЕВ.</b>	Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар ва ташқи иқтисодий фаолият субъектлари фаолиятининг қонунчилик асослари.	41
<b>Ш.ИМОМОВ.</b>	Хорижий инвестицияларнинг жалб қилиш — иқтисодийётнинг ривожига муҳим омил.	44
<b>Д.РУСТАМОВ.</b>	Хорижий инвестицияларни экспорти ва импорти.	49
<b>Х.КАРИМОВ.</b>	Чел эл инвесторлари фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари.	51
<b>А.ОДИНАЕВ.</b>	Мажбурият ҳуқуқи соҳасида неустойкани қўллаш: илмий-назарий ва таҳлилий хулосалар.	53
<b>С.УЗАКОВА.</b>	Нормативно — правовое обеспечение и совершенствование деятельности субъектов профилактики преступности среди несовершеннолетних	56
<b>О.ҲАМРОЕВ.</b>	Оила асосларига қарши жиноятлар сифатида онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдиришнинг криминалогик тавсифи.	60
<b>А.АЧИЛОВ.</b>	Божхона текширувлари ва суриштирув соҳасидаги айрим муаммоларни бартараф этиш масалалари.	63
<b>Д.КАРАКЕТОВА.</b>	Жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган шахсга қаршилиқ кўрсатиб содир этилган безорилик учун жавобгарлик.	67
<b>Д.КАРИМОВА.</b>	Некоторые проблемы взаимодействия следователя с органами дознания.	70
<b>Э.ЕШМУРАТОВ.</b>	Ижтимоий ҳимоя сиёсатида қонунийлик ва назоратни таъминлашда прокуратуранинг тутган ўрни.	74
<b>Суд амалиёти</b>		77
<b>Янги китоблар.</b>		83

Толибжон Умаров,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг  
Олий ўқув курслари бошлиғи, ю.ф.д.

## КОРРУПЦИЯВИЙ ТАВСИФДАГИ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Ҳар қандай давлатда муайян лавозимдаги шахслар мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, шахсий манфаатлари йўлида ноқонуний ҳаракатлар содир этиши мумкин. Коррупциявий тавсифдаги жиноятлар эса хизматчилар томонидан ғаразли мақсадларда ўз мавқеи, ваколати, мансабидан ғайриқонуний равишда фойдаланиш ва сотилиш орқали содир этилади.

Ҳокимият тизимидаги мансаб суиистеъмолчилиги, порахўрлик ва уюшган жиноятчилик айнан шу тизимнинг бузилишига ёки зарарланишига сабаб бўлади.

Коррупциявий тавсифдаги жиноятлар туфайли:

- давлат ҳокимияти обрўсизланади;
- инвестицион муҳит ёмонлашиб, инвесторларнинг ишончи барбод бўлади;
- халқаро майдонда давлат тўғрисида салбий тасаввурлар пайдо бўлади;
- бюджет маблағларидан самарасиз фойдаланилиб, яширин иқтисодиёт сектори кенгайди;
- уюшган жиноятчиликнинг ривожланиши тезлашади.

Коррупцияга олиб келувчи суиистеъмолликларга қарши курашиш борасида азалдан турлича қарашлар мавжуд. Хусусан, “Авесто”, Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шахри”, Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” ҳамда Амир Темурнинг “Темур тузуклари”да хизматчи фаолияти ва порахўрлик, ваколат доирасидан четга чиқишга қарши кураш масалалари ўз аксини топган.

Англиялик машҳур ёзувчи **Хильда Хукхем** ўзининг Амир Темурга бағишланган **“Етти иқлим султони”** қиссасида ёзишича, Темур ҳарбий юришдан кейин Самарқандга қайтиб келгач, эгаллаб турган вазифасини суиистеъмол қилганлиги учун шаҳар ҳокимини жазога ҳукм қилган ҳамда ҳокимлик даврида тўплаган бойликларини салтанат хазинасига ўтказган<sup>1</sup>.

Француз темуршуноси **Марсель Брион** Амир Темурнинг салтанат бошқарувидаги мансабдор шахсларнинг қўл остидаги ходимлар ва халққа нисбатан тамағирлик қилмасликлари учун уларнинг молиявий таъминотиغا алоҳида эътибор бериб тур-

ганлигини қайд этади.

Мазкур асарда Амир Темурнинг давлат бошқаруви Чингизхоннинг давлат бошқаруvidан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилишини таъкидлайди:

“Чингизхон давлат бошқаруви куч ва шафқатсизликка асосланган бўлса, Амир Темур шариат аҳкомлари ва дунёвий қонунлар асосида иш олиб борган”.

Асарда ёзилишича, 1369 йил Чоч (Тошкент) учун жангда Амир Темур Чоч ҳокими Ўлжа Той Муҳаммадни енгади ва қаттиқ яраланади. Ярадор бўлиб ётган вақтида насиҳат тарзидаги ўз эсдаликларини ёзади. Унда шундай сатрлар бор:

— “... агар аскар, соқчи ёки миршаб фуқаролардан бир нима олса-ю, эл қатори пулини тўла-маса, ваколатини суиистеъмол қилса, нафақат бош кийими, балки бошидан ҳам ажралади;

— ... солиқ соҳасида солиқчиларим томонидан содир қилинган ҳар қандай суиистеъмолчиликка нисбатан шафқат қилмадим”<sup>2</sup>.

Испания қироли элчиси **Руи Гонсалес де Клавих** айтишича, Амир Темур мансаб ваколатини суиистеъмол қилган ўғиллари ва невараларига ҳам шафқатсиз бўлган. Масалан, Султония ва Табриз шаҳарлари — ҳозирги Эрон ҳудуди Темурнинг катта ўғли Мироншоҳ тасарруфида эди. У ҳукмдорлик даврида ўз ваколатларини суиистеъмол қила бошлайди. Бу воқеадан огоҳ бўлган Темур Самарқанддан Мироншоҳ ҳузурига қараб йўл олади. Отасининг келаётганини эшитган Мироншоҳ бўйнига сиртмоқ солиб, “бир қошиқ қонимдан кечинг” — деб афв сўраб унинг йўлига пешвоз чиқади. Темур ўғлини қатл этмоқчи эди, бироқ қариндош-уруғлар ва амалдорлар шаҳзоданинг гуноҳидан ўтишни сўраб, шу қадар жон куйдириб ялиниб-ёлворадиларки, пировардида, Темур унинг гуноҳидан ўтади<sup>3</sup>.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги мансабдор шахсларнинг суиистеъмолчиликларга йўл қўйиш ҳолатларига қарши кураш узоқ тарихдан то бугунги кунга қадар ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Шу боис, Юртбошимиз 2005 йилда ҳукуматнинг янги таркиби билан ўтказилган амалий кенгашда давлат аппарати ходимларига асосий иккита мезон: 1) ўзига бўлган масъулиятни тубдан ўзгартириш; 2) давлат хизматчиларига билдирилган ишонч, вазифага муносиб равишда билим, тажриба ва юқори малакага эга бўлишлари кераклигини таъкидлаганлар<sup>4</sup>.

Мустақилликнинг илк давридаёқ, коррупцияга қарши курашишга умумдавлат миқёсидаги вазифа сифатида қаралиб, жамиятни коррупционерлардан тозалаш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги<sup>5</sup>, “Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида”ги<sup>6</sup>, “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>7</sup>, “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>8</sup>, “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>9</sup> Фармонлари қабул қилинди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида иқтисодий фаолиятда коррупция, талон-торож ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш тузилмаларини ташкил этиш тўғрисида”ги ва “Хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни коррупция, рекет ва бошқа уюшган жиноятчиликдан ҳимоя қилишнинг ташкилий чоралари тўғрисида”ги Қарорлари қабул қилинган.

Қолаверса, 2008 йил 7 июлда “БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хуфиёна иқтисодиётга, коррупциявий тавсифдаги жиноятлар ва талон-торожликларга қарши кураш самарадорлигини оширишга қаратилган.

Коррупциявий тавсифдаги жиноятларга қарши кураш бўйича қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар, кўрилатган чора-тадбирларга қарамай коррупция жамият механизмларининг нормал фаолиятига, миллий иқтисодиётни шакллантиришга ҳали ҳам тўсқинлик қилиб келмоқда.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар ҳамкорлигида мамлакатимизнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий тараққиётига жиддий зиён етказётган коррупция ҳамда ҳокимият, давлат идоралари ва халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги мансабдор шахсларнинг суиистеъмол-

чиликларига қарши кураш, уларни аниқлаш, олдини олиш, етказилган моддий зарарни ундириш ва жиноий фаолиятига барҳам бериш борасидаги тадбирлар мунтазам равишда олиб борилмоқда.

Коррупциявий тавсифдаги жиноятларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин:

**1. Юқори даражадаги (элитар)** — олий мансабдор шахслар доирасини қамраб олиб, кўп миқдорда моддий ва маънавий зарар келтириш; қилмишларнинг фавқулодда латентлиги билан ажралиб туради.

**2. Қуйи даражадаги (вертикал)** — ўрта ва қуйи даражада кенг тарқалган бўлиб, мансабдор шахс ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ.

Давлат хизматчиси томонидан содир этиладиган коррупциявий тавсифдаги жиноятларга:

— масалани ҳал қилиш давлат хизматчисининг ихтиёрига назоратсиз ташлаб қўйилганлиги;

— хизматчида моддий манфаат олиш учун қонун ва ахлоқ нормалари ҳамда касб ор-номусни қурбон қиладиган ғаразгўйлик хислатларининг мавжудлиги;

— хизматчи фаолияти устидан ижтимоий назоратнинг етарли эмаслиги сабаб бўлиши мумкин.

“Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш вазифасини муваффақиятли бажариш учун бу борадаги илғор халқаро тажрибадан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Жумладан, халқаро ташкилотлар:

**БМТнинг Глобал коррупцияга қарши кураш дастури** коррупция таваккалчилигини кўтариш ва давлат хизматчиларида сотилмаслик психологиясини шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бунинг учун “Давлат бошқаруви соҳасида коррупция” резолюцияси, “Коррупцияга қарши кураш” резолюцияси, “Халқаро савдо операцияларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш тўғрисида”-ги Декларацияси ва “Давлат мансабдор шахслари ахлоқининг халқаро кодекси” қабул қилинган.

**Европа Иттифоқи** — 1999 йилда “Коррупцияга қарши жиноий жавобгарлик тўғрисида”ги ва “Коррупция учун фуқаролик жавобгарлиги тўғрисида”ги Конвенциялар қабул қилган. Европа Кенгашининг коррупцияга қарши курашувчи давлатлар гуруҳи (ГРЕКО) ҳам мазкур соҳада фаол иш олиб бормоқда.

**Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР)**<sup>10</sup> хорижий мансабдор шахсларни сотиб олишга қарши курашиш, порани солиққа тортишга нисбатан таъқиқлаб қўйиш, давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказишда коррупцияга қарши курашиш ҳамда экспорт кредитларини олиш мақсадида пора беришни тақиқлаш каби ишларни олиб бормоқда.

**Жаҳон банки** томонидан иқтисодиёти ўтиш давридаги мамлакатлар учун комплекс тараққиёт концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, унинг мақсадларидан бири сифатида коррупцияга қарши кураш белгиланган. Ушбу концепция:

— мансабдор шахслари тегишли тайёргарлик-

ка эга ва етарли даражада иш ҳақи олувчи, яхши ташкил этилган ва тузилган ҳукумат;

— аниқ қонунчилик ва барча мамлакатларнинг миллий менталитети ҳамда сиёсий тизимидан келиб чиққан ҳолда барчага тушунарли бўлган тартибга солувчи тизим;

— коррупциянинг барча кўринишларига қарши кураш;

— самарали ҳуқуқий ва суд тизими;

— тўғри ташкил этилган ва тартибга солинган молиявий тизим;

— умуммақбул ижтимоий таъминот тизими<sup>11</sup> ни назарда тутати.

МДХ доирасида эса, аъзо давлатлар томонидан 2003 йил 15 ноябрда “Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисида”ги модел қонун қабул қилинган<sup>12</sup>.

Ўзбекистон Республикаси учун Буюк Британия, Франция, АҚШ ва Япониянинг коррупциявий тавсифдаги жиноятларга қарши курашиш тажрибаси, динамик тарзда ривожланиб бораётган Осиё-Тинч океани минтақасидаги Жанубий Корея, Сингапур ва Хитойнинг соҳавий амалиёти фойдали бўлади.

Мазкур давлатларда коррупциявий тавсифдаги жиноятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган сиёсий ҳамда иқтисодий чоралар комплекс тарзда амалга оширилиб, бу борадаги барча ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик кучайтирилган. Масалан, АҚШ қонунчилигида турли коррупцион жиноятлар учун олинган пора уч баробар жарима билан биргаликда, 20 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган.

Коррупциянинг ўзагини порахўрлик ташкил этгани учун АҚШ “Намунавий жиноят қонунлари мажмуи”нинг “Пора бериш, пора бериб ўз томонига оғдириш, манфаатлар қарама-қаршилиги” деб номланган 11-бобда порахўрликнинг турли кўринишлари учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган 25 та модда мавжуд<sup>13</sup>. 1989 йилда АҚШда “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қўшимча қонун қабул қилинган ва ҳар бир штатнинг ўшбу қилмишга қарши курашга қаратилган қонунлари мавжуд.

1990 йилда “Давлат аппарати мансабдор шахслари ва хизматчилари хулқи этикаси принциплари” АҚШ президенти Жорж Буш (каттаси)нинг Фармони билан қабул қилиниб, унда:

— давлат хизмати “ижтимоий ишонч хизмати”-дир, бу эса хизматчига қонунлар ва ахлоқий принципларни шахсий манфаатлардан устун қўйишни талаб этади;

— давлат хизматчиси ўз хизмат вазифасини инсофли бажаришига қаршилик кўрсатадиган молиявий манфаатларга эга бўлиши мумкин эмас;

— давлат хизматчиси қийматга эга бўлган софгалар ёки бошқача кўринишдаги мукофотларни олмаслиги лозим;

— хизматчи давлат муассасасига мажбурият юклайдиган шахсий ваъдалар бермаслиги керак;

— давлат хизматчиси ўзига маълум бўлган талон-торож, суиистеъмолликлар ҳақида тегишли муассасаларга хабар бериши шарт ва бошқа<sup>14</sup> тартиблар белгилаб қўйилган.

Буюк Британиянинг қонунчилиги “коррупция” жиноятининг қуйидаги икки таркибини назарда тутати:

— ўзига, шунингдек бошқа шахс учун, ҳар қандай совға ёки эътибор белгиси сифатида рағбатлантирувчи омил қабул қилиш ёки мукофот эвазига лавозимидан келиб чиқадиган ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик;

— шахсга мансаб ваколат доирасидаги ишни бажаришга ёки бажармаслиги эвазига, пора тариқасида ҳар қандай совға ёки эътибор белгиси сифатида рағбатлантирувчи омил бериш ёхуд беришга рози бўлиш.

Германиянинг коррупцияга қарши кураш тизими 10 та принципга асосланади:

— давлат ғазнасини муҳофаза қилиш ва рақобатни кўриқлаш;

— тадбиркорликнинг янги этикаси шаклланиши учун рағбат муҳитини яратиш;

— мансабини суиистеъмол қилганлиги учун ўз лавозимидан озод қилинган мансабдор шахсларга беш йил мобайнида тадбиркорлик билан алоқадор бўлишни тақиқлаш;

— қонунлардаги бўшлиқларни бартараф этиш;

— телефон сўзлашувларини санкция орқали назорат қилиш;

— асосий гувоҳнинг ҳолатини жазони енгиллаштириш ҳолати орқали тартибга солиш;

— коррупцияга қарши кураш бўйича марказларни яратиш йўли билан жиноий таъқибни кучайтириш;

— фаолиятнинг кенг ва ошқоралигини таъминлаш;

— “ишонч телефонлари”ни яратиш;

— бойлик орттириш ва ваколатни суиистеъмол қилишга нисбатан назоратни кучайтириш<sup>15</sup>.

Кореянинг антикоррупцион сиёсати “шаффофлик маданияти”га асосланиб, унда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш электрон тизим орқали амалга оширилади<sup>16</sup>.

Сингапурнинг антикоррупцион стратегияси тўрт гуруҳга: *самарали бошқарув тизими; самарали қонунлар; самарали ижро тизими; самарали антикоррупцион ҳукуматга асосланади.*

Фикримизча, соҳавий қонун:

— коррупциянинг умумий белгилари ва ижтимоий моҳияти;

— коррупцион хулқ, ҳуқуқбузарликнинг таркиби ва санкцияси;

— коррупцион ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш, очиш ва текшириш тартиби;

— коррупциянинг сабабларини аниқлаш ва бартараф қилиш тартиби каби умумий тартиб ва методларни белгилаши керак.

Бундан ташқари қабул қилинадиган қонунда:

— коррупцияга қарши кураш, соҳавий давлат

сиёсати ва уни амалга оширувчи субъектлар, давлат органи, коррупция тўғрисида огоҳлантириш, коррупцион ҳуқуқбузарлик, фуқаролик-ҳуқуқий тавсифдаги коррупцион ҳуқуқбузарлик, коррупцион тавсифдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик, коррупцион тавсифдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг антикоррупцион экспертизаси, давлат хизмати, давлат хизматчиси, давлат хизматидаги мансаб, манфаатлар тўқнашуви, давлат хизматчисига оид этика меъёрлари, коррупция билан курашиш тадбирларининг мониторинги, ижтимоий-иқтисодий қамровдаги коррупция каби асосий тушунчалар;

— коррупция жиноятларининг объекти, давлат хизматчиларининг обрўйи, аҳолининг уларга бўлган ҳурмати ва ишончи, давлат ва жамоат аппаратларининг қонуний фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар;

— коррупцияга қарши курашда халқаро ҳамкорлик, давлатлар ўртасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш ва жиноятчиларни топшириш тартиби;

— коррупциявий тавсифдаги жиноятларни тер-

гов қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш, қамоққа олиш, мусодара қилиш ва активларни қайтариб беришда техникавий ёрдамни қўллаб-қувватлаш;

— мансабдор шахслар томонидан ҳалоллик ва пок виждонлиликни, масъулиятни, давлат ва жамоат ишларини тўғри бошқариш ва уларнинг мулкдан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш;

— коррупцияга қарши кураш принциплари;

— соҳавий давлат органларининг коррупцияга қарши кураш мақоми;

— коррупцияга қарши курашда давлат органлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари акс этиши лозим.

Бундай ёндашув иқтисодий жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали чораларини кўриш; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши ҳамда иқтисодиётга зарар етказилишининг олдини олиш; бошқарув ва ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг коррупциялашган фаолиятини фош этиш; порахўрлик ва мансаб суиистеъмомчиликларига қарши курашиш борасида янада самарали фаолият олиб бориш имкониятини яратиб беради.



## АННОТАЦИЯ

*В статье исследуется национальный и зарубежный опыт по борьбе с коррупционными преступлениями. Кроме того, автором исследованы исторические достижения в области государственного управления свободного от различных служебных и должностных злоупотреблений.*

## SUMMARY

*In article, have been researched national and foreign experiences in anti-corruption drive. Moreover, historical achievements in state administration free from different malfeasances in office have been investigated by author.*

<sup>1</sup> Хукхем Ҳ. Етти иқлим султони: ҳужжатли-тарихий қисса / Пер. с рус./ –Тошкент: Адолат, 1999. –320 б.

<sup>2</sup> Менким, соҳибқирон – жаҳонгир Темур. (Марсель Брион – Франция. Таржимонлар: Ф.Рўзиев, Ф.Тиловатов) –Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. –Б. –71.

<sup>3</sup> Гонсалес, Руи Де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406) [Техт] Гонсалес, Руи Де Клавихо.; масъул муҳаррир: Муҳаммад Али; сўз боши ва изоҳлар муаллифи М.Сафаров; тарж. О.Тоғоев. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –Б. –116-118.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндошувлар билан қуриб бўлмайд. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. –Тошкент: Ўзбекистон, 2005. –Б. –64-88.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 7-сон, 179-модда.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 47-48-сон, 352-модда; 2009 й., 10-11-сон, 105-модда; 2010 й., 20-сон, 150-модда; 2011 й., 14-сон, 133-модда.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 40-сон, 303-модда; 2008 й., 20-21-сон, 170-модда; 2010 й., 1-2-сон, 1-модда, 17-сон, 130-модда; 2011 й., 14-сон, 133-модда; 2012 й., 8-9-сон, 76-модда.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 14-сон, 133-модда.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 345-модда

<sup>10</sup> Мазкур ташкилот 1961 йилда ташкил этилган бўлиб, у халқаро ҳуқуматлараро ташкилот ҳисобланади ва унга бугунги кунда 34 та давлат аъзо (Австралия, Исроил, Исландия, Канада, Корея, Мексика, Янги Зеландия, АҚШ, Туркия, Чили, Япония ва 23 та Фарбий ва Марказий Европа давлатлари).

<sup>11</sup> Jaims Wulfenson «Transformation» June. 1999, №3.

<sup>12</sup> Мелиев Х. Коррупция: унинг олдини олишда антикоррупциявий экспертизанинг ўрни // Ҳуқуқ ва бурч. № 7. 2008. –С. –42.

<sup>13</sup> Federal Criminal Code and Rules/ As amended to Februar 18, 2002. P. 460.

<sup>14</sup> Бочарников И.В. Зарубежный опыт противодействия коррупции. URL: <http://www.butgetrf.ru> (дата обращения: 06.08.2012); Костенников М.В., Куракин А.В. Предупреждение и пресечение коррупции в системе государственной службы: учебное пособие. Москва: 2004.. 148-149.

<sup>15</sup> Schaupsteiner Wolfgang. Wachsturnbsbranche Korruption. Kriminalistik. KRK, 2003. N 1. P. 9 - 18.

<sup>16</sup> Ҳозирда Кореяда 54 турдаги хизматлар кўрсатиш, 10 дан ортиқ статистик ҳисоботларни қабул қилиш интернет орқали амалга оширилади.

**Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,**  
**Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий**  
**маркази раҳбари, п.ф.д.**

## МЕДИАМАДАНИЯТ – БУГУНГИ КУН ШАРТИ

**Латифа.** Афанди бир куни болаларни алдамочки бўлибди. “Ху-у анави муюлишда бир киши текинга ёнғоқ бераётир”, депти. Болалар гурр этиб ўша ёққа чопиб кетишибди. Ўртоқларига ҳам айтишибди. Афандининг ёнидан яна 5-6 ўсмир ўша ёққа югуриб ўтибди. Шунда, Афанди ўзига ўзи, “Нахотки шундай бўлса”, деб уларга кўшилиб кетган экан.

Нега шундай бўлди? Чунки болалардан ҳеч бири Афандига: “Ким экан бепул ёнғоқ тарқатаётган?”, “Ёнғоқларни қаердан олибди?”, “Нимага бепул тарқатади?”, “Сиз бунинг бизга нима учун айтаяпсиз?”, “Сизга бу хабарни ким айтди?”, “Нима учун ўзингиз бормаяпсиз?”, “Кимлар текин ёнғоқ олибди?”, деган саволларни бермаган.

Бу латифа бекорга тўқилмаган. Бу ахборот, миш-мишнинг қанчалар юқумлилигини кўрсатувчи қадимий ҳикмат. Бугун кўплаб ижтимоий тармоқлар ана шу ишни қилишмоқда. Ҳозирда айрим риёкор гуруҳлар болаларни турли йўллар билан алдаб, улардан ўзларининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланишяпти. Бу хизматнинг номини медиа, флэшмоб ва бошқа сўзлар билан аташмоқда.

Дунё мамлакатлари мактаб, коллеж, институт ўқув дастурларига “ахборот хавфсизлиги”, “ҳаёт хавфсизлиги”, “йўл ҳаракати хавфсизлиги” “техника хавфсизлиги”, “саноат хавфсизлиги”, “ёнғин хавфсизлиги”, “озик-овқат хавфсизлиги” деган фанларни киритишган бўлса, Европа Иттифоқи мамлакатлари таълим муассасалари дастурларига “медиа таълим”, деган махсус ўқув фанини киритишган. Бу ўз навбатида бундай хуружларнинг олдини олишда имкон қадар ёрдам беради.

**Медиахавфсизлик “Хавфсизлик бу — ёвузлик йўлининг тўсилишидир”.**

**Платон.**

Одам таҳдидлардан мутлақо холи яшаши мумкинми? Албатта, бироқ бунинг учун у ҳеч ким билан учрашмаслиги, кўришмаслиги, эшикларни маҳкамлаб, уйдан чиқмай ўтириши керак. Ваҳоланки, бундай шароитда яшашга ҳеч ким кўнмайди. Шундан келиб чиқадиган бўлса, ҳар бир одамнинг компютери ҳам очиқ тизимлардир. Яъни реал одамлар виртуал олам билан фикр, ресурс алмашиб, форум, чатга кириб, мулоқотда яшай-

ди. Демак, ҳар биримиз у ёки бу таҳдидга нишон бўлишимиз мумкин.

Ёвуз ғоялар ҳамма даврларда ҳам бўлган. Лекин уларнинг кенг ёйилиши учун минглаб ташвиқотчилар тинмай тушунтириш олиб боришган. Уларга эса, эзгу ғоялар, яхшилик, халқларнинг миллий қадриятлари қаршилик қилган. Шу сабабли вайронкор ғояларнинг ҳаммаси ҳам цивилизацияларга катта зарар етказмаган.

Эндиликда медиа — телевидение, радио, кинематограф, оммавий нашрлар (газета, журнал), компютер ахборот тизимлари пайдо бўлди. Энди минглаб тарғиботчилар шарт бўлмай қолди. Ўз даври медиасидан унумли фойдаланган коммунизм, фашизм ғоялари миллионлаб фуқароларнинг умрига зомин бўлди.

Аслида «Медиа» — лотинчада восита, ўртада турувчи, деган маъноларни беради. У м а ъ н а в и й (ахборот, билим) э х т и ё ж л а р и н и қондириш воситаси. Шифокор кўлидаги пичок беморни соғ қилади. Жиноятчининг кўлидаги пичок эса соғни бемор қилади. Оловнинг йўғи одамни музлатса, кўпи куйдиради. Кўп сув ғарқ қилса, сувсизлик қақратади. Медиа ҳам шундай. Агар меъёردа, компетентли фойдаланилса, медиа донолар учун — билимлар манбаи. Нодонлар учун — балолар манбаи. Демак, гап медиада эмас, ундан фойдаланувчиларда, аниқроғи — ҳар бир йигит-қизнинг медиаманавиятига боғлиқ бўлади.

Британиялик медиапедагог Д.Букингемнинг фикрида жон бор. У “ахборотлашган жамиятда” ёшлар албатта медиаматериалларнинг қурбонларига айланишади”, дейишади. Бироқ, медиапедагогика боланинг ўзини марказга қўяди. Боладаги медиабилим ва тажрибага таянади”, дейди.<sup>1</sup>

Шундай экан ёшларга медиаматериалларни танлаш ва фойдаланишни ўргатиш бугунги куннинг асосий шартларидан бирига айланди. Бироқ, муаммо шундаки, ота-оналар, ҳатто баъзи ўқитувчилар ҳам ўз болаларига медиаматериални (катталарга салом бериш, чой куйиб узатиш, сочи турмаклаш ва ҳ.к каби) ўргата олмайдилар. Бунинг устига ахборот технологияларининг шитоби

шунчалар тезки, унга ёшларнинг ўзлари ҳам зўрға етиб олишаётир. Ушбу мақола ана шу муаммони ҳал қилишда педагогларимизга озгина бўлса-да, кўмак бўлади, деган умидда ёзилди.

**Медиамаданият:** Биз қачон, нимани, қанча ва нима учун ейишни ўйлаб кўриб, ҳал қиламиз. Оғзимизга кираётган луқмани ўйлаб, текшириб, кўриб, ўлчаб қабул қиламиз. Бунга сабаб — бизда ота-оналар, мураббийлар шакллантирган овқатланиш маданияти борлигидир.

Медиа маҳсулотлар ҳам товар, маънавий маҳсулот, “овқат”. Маънавий озуқа ундан-да кўпроқ эътибор талаб қилади. Қарамай еб-ичиш ошқозонни бузади, эгасини заҳарлайди. Медиамаҳсулотни қандай бўлса, шундай “ютиш” эса ёшлар маънавиятида шу пайтгача шаклланган маънавий қадриятлар тизимини ларзага солади. Қадриятлар тизими бузилса, уни дори-дармон билан тuzатиб бўлмайди.

Ёшлар — медиа маҳсулотларни энг кўп “еб-ичадиган” сегмент. Демак, ҳар бир замонавий йигит-қиз медиа бозорнинг “ичи”ни билиб ўсишлари керак. Бу интеллектуал ахборот асрининг талаби, замонавийликнинг шарти. Шунинг учун ҳам ЮНЕСКО медиатаълимни XXI асрда маданий-таълимнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаган.

Медиа — маънавий маҳсулотларнинг виртуал бозори. Бу бозорда ҳеч ким “молим ёмон”, демайди. Бузғунчилар, жиноятчи, жоҳиллар ҳам ўз гоё-маҳсулотини “энг яхши”, дейди. Унда бунёдкорлик, тараққиёт учун зарур манбалар ҳам кўп. Гап одамнинг ана шу виртуал бозор таклиф этаётган маҳсулотларни харид қилишда адашмаслигида. Бугунги тилда айтганда “медиамаданиятда”.

Йигит-қизларимиз медиаматнларни ўқиётган, томоша қилаётганларида уларни қабул қилиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва яратиш; замонавий жамиятда медиамаҳсулотларнинг ижтимоий маънавий, мафкуравий, маданий контекстини тушунишлари керак. Бу эса одамнинг медиамаданияти қандайлигига боғлиқ. Украиналик педагог олма С.М.Стерденко медиамаданиятли кишини бундай тасвирлайди: унинг медиабоғланишлари сони ва давомийлиги режалаштирилган бўлади; ўзига керакли ахборотни тўғри танлай олади; ахборотга танқидий ёндашади, чунки медианинг зарарли таъсирларини билади, қаршисида очилган медиаматнни ўз филтридан ўтказиб, кейин қабул қилади; медиамаҳсулотдан фойдаланишда ахлоқ меъёрларига амал қилади; медиамаҳсулот ярата олади.<sup>2</sup>

Медиамаданият — турли медиа асарларни таҳлил қилиш, баҳолаш, яратиш учун зарур бўладиган билим, кўникма ва малакалар йиғиндиси. Медиамаданиятли йигит-қизнинг ўз химоя қобиғи, “зирҳи” бўлади. Улар медиа маҳсулотларни ўз

“маънавий филтри” (мафкуравий иммунитет) орқали кўра олишади, ўқиб, томоша қилишади. Медиаматнлардаги тарғибот-ташвиқотни, бирёқ-ламаликни ва бунинг сабабларини, маълумот тарқатувчининг ниятларини кўриб туришади. (Стакан ичидаги балиқчининг ҳаракатларини кузатгандек). Бунда медиамаданият медиамаҳсулотларга танқидий ёндашувини белгилаб беради. Алданишлардан асрайди.

**Медиабозорда:** Мир Алишер Навоий бобомиз ахборотнинг шахс, жамият ҳаёти, тутган аҳамиятини юсак баҳолаб, бундан беш аср олдин **Агар огоҳсен сен, Шоҳсен сен**, деган бебаҳо сатрни бизлар учун ёзиб кетган. Бу — замон ва маконларга бўйсунмайдиган универсал медиақонуният эмасми?

Немис олимлари ушбу қонуниятга таяниб муҳим кашфиёт қилишди. “Муҳим маълумотга эга бўлиш — ҳокимиятга эга бўлиш; керакчисини кераксизидан ажратиш — янада кўпроқ ҳокимиятга эга бўлиш; керакли маълумотни ўз режиссурасига асосланиб тарқатиш ёки ушлаб туриш — икки қарра ҳокимиятга эга бўлишни англатади. Одамларга ахборот орқали психологик таъсир кўрсатишнинг имкониятлари ана шундай», дейилади Германиядаги асосий политология дарсликларидан бирида.

Медиабозорда тайёрловчи, ахборот(маҳсулот), етказиб берувчи ва истеъмолчи иштирок этади. Тайёрловчи бу — гоё муаллифи, материалларни тўплайди, таҳлил қилади, медиаматнни тайёрлайди, узатади; Маҳсулот(ахборот) — матн, белги, сурат ва рамзларда ифодаланган маълумот; етказувчи(канал) — ахборотни узатиш воситаси(медиа); истеъмолчи — ахборотни олувчи, ўрганувчи, талқин қилувчи шахс.

Меҳнат бозори. Баъзи иш берувчилар ходимни кўпроқ ишлатиб, маошни камроқ бериш учун турли туман важларни келтиради. Тўй маслаҳатини қилаётган қудалар ҳам, музокара олиб бораётган дипломатлар ҳам ахборотдан фойдаланиб, рефлексив бошқарув технологиясини ишга солишади. Мақсад — ўзи, оиласи, мамлақати учун қулай шартларга эга бўлиш. Кўриниб турганидек, ахборот манфаатларга эришишнинг асосий қуроли экан.

Бу механизм кийим-кечак, деҳқон бозорларидаги сотувчи-харидор муносабатларини эслатади. Сотувчи нима қилиб бўлса ҳам кўпроқ мол сотсам, дейди. Уни “ўтказиш” учун турли усулларни қўллайди: камчиликларини яширади, афзалликларини оширади. “Ҳозир ҳамма биздан шуни олишяпти. Мана, ўзим ҳам шундан кийганман”, дейди. Натижада харидор молни ўзининг эмас, бировнинг гапига ишониб сотиб олади. Аслида бозорда битта яхши қовун танлаш учун ҳам билим керак. Яхши қовун қандай бўлишини билмаган йигит қайта-қайта алдановеради. Худ-

ди шунингдек, ахборотлар уюмидан керакли, фойдалисини ажратиб олишни билмаган йигит-қиз ҳам ёлғон, ўшатма қиладиган бўлсак, айниган, ахборотларга алданаверади.

**Бугуннинг стратагемалари:** Глобаллашган дунёда ёшлар бўйидан, энидан, вазнидан урувчи сотувчига қиёсласак бўлади, яъни манипуляторлар, одам савдогарлари, диний экстремистлар, фирибгарлар билан бирга яшамоқдалар. Бундай шароитда ҳар бир ёш йигит-қиз уларга нимани қарши қўйиши керак? Ўзини қандай ҳимоя қилиши керак? Бунинг учун улар фирибгарлар билан қандай гаплашишга, ҳаётда учрайдиган қалтис вазиятларда энг тўғри, мустақил қарор қабул қилишга тайёр бўлишлари керакми?

Ўзбекларни “бағрикенг”, “камтарин”, “хушмуомала”, “меҳнаткаш”, “соддадил”, “меҳмондўст”, “саховатли”, “самимий” каби фазилатлар билан гапиришади. Эртақларимизда ҳам, алломаларимиз ўғитларида ҳам, маърифий кўрсатув ва эшитиришларимизда, кўшиқларимизда ҳам ана шу фазилатлар тараннум этилади. Ёшларимизни шундай бўлишга даъват этиб келамиз. Самимийлик, оққўнғиллик, соддадиллик, ишонувчанлик бизга ота-боболардан қолган ҳислатлар. Бироқ, манипуляторларга, одам савдогарларига, диний экстремистларга ёки ўзимиздан чиққан фирибгарларга айнан шундай одамлар керак.

Яна бир мисол. Миллий кўшиқларимизда “алдади”, “алдама”, “ташлаб кетди”, деган нолишларни эшитамиз:

Алдади яна-яна алдади,  
Куйдиму гўзал ёр ваъдасидан.  
Алдади мани яна алдади,  
Тўйдиму бевафо товбасидан.

Бунга сабаб “алданган” йигит ёки қизнинг оғоҳ бўлолмаганлигидир. Шундай экан, бугунги глобаллашув — барча жабҳаларда ҳаёт суръати мислсиз тезлашиб кетган замонда оғоҳлик универсал аҳамият касб этади. Бу эса ўзбек характерини яна бир янги фазилатлар, энг аввало оғоҳлик билан бойитишни талаб қилмоқда.

Ўзининг асл ниятини яшириб, ҳийла билан муваффақиятларга эришиш азалдан бўлган. Бу дипломатик, ҳарбий санъат деб ҳам аталади. Бу ҳақда “36 стратагема ҳақида қисса” китобидан билиш мумкин. “Стратагема” рақибни қопқонга туширишнинг стратегик режаси, деган маънони англатади. Уни қўлловчилар ўзларини оқлаш учун “Ахир бу зийраклик, ижодкорлик (креативлик), топқирлик-ку”, дейишади. Афсуски, интернет содда ёшларни қопқонга туширишнинг, медиа фирибгарлик майдони ҳамдир. Шундай экан, ҳар бир йигит-қиз бундан ҳимояланиши керак.

Машҳур хитойлик донишманд саркарда, моҳир стратагемачи Сун Цзининг “Юзта жангда ғалаба қилиш эмас, балки душман армиясини жангсиз енгиш — санъатдир”, деган эди. Бу фикр

гўёки бугунги мафкуравий курашлар учун айтилгандек. Чунки виртуал ҳудуддаги фирибгарликлар, алдовлар, кўрқитишлар, психологик ва рефлексив ўйинлар, сиёсий фитналар, мистификация, манипуляция, гиж-гижлашлар, тарғибот, психологик урушлар, одамни бошқариш, реклама кампаниялари, сиёсий ва тижорат рекламалари, дезинформация, буларнинг барчаси онгли одамни сездирмай бошқаришнинг усулларини ташкил қилади.

Одамнинг ўзига билдирмай, ўзига зарарли қарор қабул қилдириш рефлексив бошқариш дейилади. Бунда алдамчи ҳаракатлардан, ниқоблардан, турли “воқеалар” яратишдан фойдаланилади. Натижада одам бировлар унинг учун олдиндан белгилаб қўйган режа асосида иш тутади. Яъни, товарни сотиб олади, бирор ташкилотга аъзо бўлади, айтилган ҳисоб рақамига пул ўтказилади, одам савдогарига паспортини топширади.

**Манипуляция:** Интернетга кирган ҳар бир киши ўзи учун тайёрлаб қўйилган “қун тартиби”ни кўради. Кимлардир, ўзлари топган асосларидан келиб чиқиб “юлдуз”лар ҳаёти, сиёсат, иқтисодиёт, технология янгиликларидан ахборот дастасини тутади. Ана шунда шахснинг медиасаводхонлиги қандай намоён бўлади? Медиаматнларни (муайян танқидий автономияда туриб) **баҳолаш, талқин, таҳлил** қилишида намоён бўлади. Бу жуда муҳим.

Нега? Чунки бир кишини бир сайт қаҳрамон деса, иккинчи сайт жиноятчи деб тавсифлайди. Бир воқеани бир сайт қонунбузарлик, деса, бошқаси демократия намоёйиши дейди. Ана шундай вазиятларда ҳар бир кишида ўзининг мустақил, танқидий фикри бўлмоғи керак.

Медиа муҳитда “танқидий фикрлаш” қандай бўлади? Танқидий медиа фикрлаш бу — ҳар бир йигит-қизнинг медиаматнлардаги манипуляция ҳолатларини топиш, таҳлил қилишга қаратилган билим, кўникма ва малакалар мажмуасидир.

Медиаманипуляция бу — интернетдан фойдаланувчиларга турли ғояларни тиқиштириб, уларни ўз йўлларида чалғитиш, адаштиришга қаратилган таъсир кўрсатувчи медиаприём ва услулари тизими. Бунда жўнатувчи медиадезинформациядан (ёлғон маълумот киритилган медиаматнлардан) фойдаланади.

Айрим сайтларда дин ниқобида диний экстремизм, терроризмга даъват қилувчи маълумотлар тарқатилади. Медиатерроризм мақсадли, режага асосан одамларда кўрқув, саросима, ваҳима туйғуларини уйғотувчи ресурсларни яратиб, кўпайтириб, тарқатиб, одамлар устидан манипуляция қилмоқда. Мақсад — одамларни диний экстремистик, террористик майллар асосида рефлексив бошқариб, ўзларига керакли хулқ-атвор моделларини шакллантириш. Шунинг учун йи-

гит-қизлар аввало аънанавий, ота боболаримиз эътиқод қилиб келган, асрлар синовидан ўтган диний қадриятларни яхши билиб, танқидий фикрлаш орқали сохта талқинларни дарҳол «таниб» олиб, тез ва соз фoш қила олишлари зарур бўлади.

**Ўзингизни топинг:** Одам ҳар куни турли мафкуравий(фикрни ўзгартирувчи) таъсирларга дуч келади. Бироқ, ёлғонни ҳақиқатдан ажратиш, қаршида турган, ёки интернет матнидаги яширин қабих ниятни таниш осон эмас. Чунки баъзилар зийрак, баъзилар содда. Педагоглар Кеттел факторлари асосида одамнинг ўзига қаратилган яширин мафкуравий таъсирларни таниб олиш, тушуниш ва фойдаланиш қобилиятларини ўлчашган. Натижада одамнинг “огоҳликдан соддаликкача” бўлган зийраклик даражалари аниқланган. Натижада сунъийлик, ҳисоб-китоблиликка (ақлга.М.Қ.) қурилган хулқнинг табиий, самимийликка (кўнгилга. М.Қ.) қурилган хулққа қарши туриши аниқланган.

Огоҳлар — ҳамма масалада доим ҳисоб-китобли; ҳар бир масаланинг “ичи”ни кўрадиган; совуққон ва ақл асосида ҳаракат қиладиган; ҳис-туйғуларга берилмайдиган; етти ўлчаб, бир кесадиган; ҳар бир ҳолат, вазият, натижа ортидаги мантиқни, сабабни ва оқибатни кўра оладиган кишилардир.

Улар бирор ишга қарор қилишдан олдин масаланинг кечаси, бугуни, эртасини икир-чикирларигача таҳлил қилишади. Кўнгилчанликка берилишмайди. Совуққон таҳлил билан ўз мақсад, имконият, режаларини ва уларнинг натижаларини баҳолайдилар. Ўз хатти-ҳаракатларини оқилона ташкил қиладилар. Ҳамма нарсада аниқликка эришадилар. Турли шиор, баландпарвоз гап, мақтов, оҳ-воҳларга берилмайдилар; турли ҳийла, фитна ва нозик айёрликларни ўша заҳоти англай оладилар.

Соддалар — ёқимли сўзлар, мақтовларга ўч, мавҳум, хулосасиз(натижасиз) ўйловчи, масаланинг “ичи”га кира олмайдиган, ланж, сусткаш, фақат олдида турган нарсаларни кўради, биледи, ён-атрофидаги, узокдагиларни кўрмайди, билмайди, тиник, тизимли фикр юрита олмайдиган кишилардир.

Улар одатда очиқ кўнгилли, мулоқотга киришимли, соддадил, тўй, базм, улфатчиликни ёқтиришади, оддий, табиий ва кўриб турган нарсалардан қувонишади, улар ўзларига ўша дақиқада айтилган фикр, баҳо, тафсилотга фарқ бўлиб яшайдилар, бу фикрни, баҳони, тафсилотни берган кишиларнинг, ён-атрофдагиларнинг хатти-ҳаракатларига қарашмайди. Уларни ҳаракатлантираётган мотивлар ҳақида ўйлашмайди ҳам. Чунки улар таҳлил ҳам қилишмайди. Нимани кўраётган, эшитаётган бўлса, ўшанга ишонишади. Образли фикрлайдилар, абстракт фикрлашни ёқтир-

майдилар. Аниқликка интилмайдилар, ишни “бир гап бўлар”, деб бошлайдилар. Умумий иш, тадбирларга, бировларнинг ташаббусларига ўйлаб ўтирмасдан эргашиб кетишади. Кўнгилчан, ҳис-туйғуларини мантиқ билан бошқара олмайди. Айёрлик, шумлик қила олишмайди. Ўзларини табиий тутишади ва тез таъсирланадилар.

**Мафкуравий полигонларда:** Кейинги 50 йил коммуникатив таъсир моделларини ривожлантириб юборди. Мафкуравий кураш энди оммавий тадбирлардан илмий технологик асосга ўтди, профессионаллашди. “Ўнта ўй бекаси ёки бешта шифокордан кўра битта журналистни қўлга киритган афзал”, деган қоида амалга кирди. Бугун ахборотни қабул қилувчи одамдан кўра уни бошқаларга етказадиган “фикр лидерлари”нинг мафкуравий қиммати ошган.

Бундай вазиятда вайронкор ғоялар таъсирига тушиб қолмаслик учун нима қилиш керак? Турли хорижий сайтлардан тарқатилаётган медиаматнларга қандай муносабатда бўлиш керак? Бу борада Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази тадқиқотлар олиб бормоқда. Хорижлик медиапедагоглар Гарт Джоветт ва Виктория Донеллар ҳам бизнинг тадқиқотларимиз кўрсаткичларига яқин натижаларни қўлга киритишган. Шу боис уларнинг хулосаларини ҳам эътироф этган ҳолда ҳар бир медиаматнни қуйидагича ғоявий таҳлил қилиш тавсия қилинади:

**Тарғиботнинг мафкурасини аниқланг.** Тарқатилаётган ҳар бир медиаматн асосида уни тарқатган шахс, гуруҳнинг қадриятлари, баҳолари, муносабатлари, меъёрий хулқ-атвори ётади. Бунда тарғибот аҳолининг қайси қатламини нишонга олганлиги(ёшларми, мулкдорларми, ё нафақахўрларми) аниқланади. Тарғиботчи нимани яхши, тўғри ва нимани ёмон, нотўғри деб баҳолаётгани аниқланади.

**Тарғибот контекстини таҳлил қилинг.** Медиаматн тарқатилган кун, ойдаги вазият талқин қилинади. Маълумот қай шаклда, нималар, кимлар билан боғлаб берилмоқда? Ахборот тарқатувчи одамлар нима қилишни истамоқда?

**Тарғиботчининг кимлигини аниқланг.** Ўзини яширишга интилаётган маълумот муаллифи аслида ким? Бу ахборотнинг шу тарзда қабул қилинишидан ким манфаатдор?

**Ахборот тарқатаётган ташкилот, молиявий сиёсий гуруҳнинг тузилишини аниқланг.** Бу тарғибот қиладиган ташкилот, молиявий сиёсий гуруҳни, унинг ички ва ташқи алоқалари қандайлигини аниқлаб беради. Бунда “Нима учун ахборот айнан мана шу канал, портал, ижтимоий тармоқ, сайтдан тарқатилаётми?” “Ким буни назорат қиладиган, молиялаштираётми?” “Мақсади нима? У “жамиятга фаол фикр тарқатувчилар”ни қайси тоифадан изламоқда? Саволларга жавоб изланг.

**Тарғибот кимларга қаратилганлигини аниқланг.** Буни билиш жуда муҳим. Чунки ҳозирги кунда ахборотни кенг аҳоли қатламларига эмас, балки уларнинг орасидаги “фикр лидерлари”га тарқатиш афзал. Масалан, жамият элитасининг 10%и қўлга киритилса, бутун мамлакатни қамраб олиш мумкин, деган қарашга амал қилинмоқда.

**Қайси медиаусуллардан фойдаланилаётганини билиб олинг.** Буни аниқлаш учун сайтда берилаётган материалларни кузатинг. Кўзларингиз сўзларга маъно топиб беришади. Бир манадан тарқатилаётган турли материал, рамзларни таҳлил қилиш тарқатувчининг мақсадини очиб беради.

**Тарғибот усулларини таҳлил қилинг.** Бузғунчи ғояларнинг “жўнатувчилари” аввало ёшларда шаклланган мустаҳкам мафкуравий эътиқодни ўзгартиришга интилишади. Буни ундай олмагач, бузғунчи тарғибот уни қисман ўзгартиришга интилади. Бу билан ўқувчида ўзига ишонч уйғотишга, шахсий алоқа ўрнатиб, қалб ва онгига киришга ҳаракат қилади. Масалан, жиноятчиларни жабрдийда қилиб кўрсатади ва ҳ.к. Бунда турли машҳур “олимп”ларнинг, “социологик марказлар”нинг “хулосалари” ишга солинади. Кўпинча ўқувчиларнинг ҳис туйғулари ишга солинади. Чунки ҳис туйғуларга таянган ахборот тез ўзлаштирили-

шни ва хотирада узоқ сақланишини улар ҳам яхши билишади.

**Бошқалар бу тарғиботга қандай фикр билдираётганига қаранг.** Тарғиботга ўқувчилар берган “менга ёқди”, “менга ёқмади”, “мен кўшиламан”, “мен кўшилмайман”, “мен ишонман”, “мен ишонмайман” деган жавоблар, форумлардаги фикрлар тўғри ёки нотўғри жавобларни кўрсатади. Сиз ёнингиздаги ёшларни нималардан огоҳлантиришингиз кераклиги маълум бўлади.

**Қарши тарғибот қўлланиляптими?** Бузғунчи тарғиботга нисбатан қандай фикрлар билдирилаётганини ўрганинг. Миллий манфаатларимизга мос жавобларни қўллаб қувватланг. Нотўғри жавобларга далиллар билан эътирозлар билдиринг.

**Самарадорликни баҳоланг.** Бузғунчи тарғиботнинг зарари қай даражада? Қандай усуллардан фойдаланмоқда? Бу саволларга жавоб топгач, ўқувчиларга ўз тенгдошларини огоҳлантиришларини ўқтириш керак. Миллий манфаатларимиз жозибасини ва бузғунчи ғоя касофатини, кечаги ва бугунги кунларни қиёслаб, бузғунчи тарғибот таъсирини қирқувчи фактларни келтириб ёшларга кўрсатиш керак.

“Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат” тамойили интернетдаги галабага ҳам хизмат қилади.



## АННОТАЦИЯ

В статье раскрывается понятие медиакультура, ее особенности и возможности. Автор обращает внимание на то, что коммуникационные технологии оказывают значительное влияние на общество в их культурном, мировоззренческом формировании, а также приводит меры по обеспечению безопасности молодежи от негативной информации.

## SUMMARY

In article, idea of media culture is being disclosed, its specifics and possibilities. Author pays attention to significant influence of communication technologies to cultural and world outlook formation of society, and cites measures aimed at protection of youth from adverse information.

<sup>1</sup> Buckingham, K. Media Education: Literacy, Learning and Contemporary Culture. –Cambridge, UK: Polity Press, 2003.

<sup>2</sup> Стерденко С.М. Роль семьи в формировании медиакультуры подростков. Ученые записки Таврицкого национального университета им. В.И.Вернадского. Серия “Филология. Социальная коммуникация”. Том 21(60). 2008 г. №1. с.344.

Джон Реймонд ТАНХАЙМ,  
АҚШнинг Миннесота штати округ судьяси

## ЖАБРЛАНУВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Бутун жаҳон мамлакатлари жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига турлича ёндашмоқда. Масалан, аксарият давлатларда жабрланувчиларга ниҳоятда катта ҳуқуқлар берилган бўлиб, жумладан таъқиб қилишни қўзғатиш ҳуқуқи мавжуд. Айрим мамлакатларда давлат жабрланувчи шахс сифатида намоён бўлиб, компенсация (ҳақ ёки товон) тўлаш ёки таъқиб қилиш билан боғлиқ муносабатлар юзасидан барча қарорларни қабул қилиши кўрсатиб ўтилган. Мазкур икки ёндашув ҳам замонавий халқаро стандартларга мувофиқ келади. Шунга қарамай, ҳозирда жиноят қурбонларига нисбатан қўлланилиши лозим бўлган халқаро минимал стандартлар мажмуи ишлаб чиқилмоқда.

Давлат жабрланувчи шахс ўрнида қараладиган мамлакатларда жабрланувчилар, қоидага мувофиқ, қабул қилинган қарорлар ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқига эга бўлиб, бироқ мазкур ҳолатлар суд таъқибида етарли даражада муҳим рол ўйнамайди.

Мазкур амалиётнинг аксарият катта қисми жабрланувчилар билан ўзаро муносабатларнинг узоқ ўтмишдаги анъанавий урф-одатлар ва маданиятга асосланганлигидадир.

Анъанавий (одатий) нуқтаи назарга (тушуниш, англаш) кўра, халқаро ҳуқуқда давлат томонидан жиноий таъқибни амалга ошириш аҳоли олдиданги мажбурият ҳисобланади.

Ҳозирда жабрланувчилар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бир қанча минимал стандартлар тўплами мавжуд бўлиб, улар доимий равишда такомиллашиб бормоқда. Ўзининг жиноий-ҳуқуқий тизимида одил судловни амалга ошираётган мамлакатлар бунга қатъий риоя этишлари шарт. Мазкур стандартлар жиноят ишларида айбланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини ўзида акс эттирган инсон ҳуқуқларига тааллуқли бўлган стандартлар қабул қилингандан сўнг анча кейин ишлаб чиқилган.

Жиноят ишлари бўйича адолатли суд муҳокамасида айбланувчилар ва жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ўртасида ўзаро низо келиб чиқиши мумкин.

Жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ўзида кенг спектрли тушунчаларни ифода этиб, уларни учта мезонга ажратса бўлади:

- жиноий таъқибда иштирок этиш;
- жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситалари;
- жабрланувчиларни ҳимоя қилиш.

**(1) Жиноий таъқибда иштирок этиш.** “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги<sup>1</sup> Халқаро пактга (**The International Covenant on Civil and Political Rights**) назар ташласак, ушбу Пактнинг 2.3-моддасида жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш воситалари мавжуд бўлиб, лекин жиноят иш юритувида жабрланувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқлари эътироф этилмаган.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Европа конвенцияси<sup>2</sup> (**European Convention on Human Rights**)да ҳам жиноят ишлари бўйича суд муҳокамасида жабрланувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқлари кўрсатилмаган.

Бу ушбу халқаро ҳужжатлар бирмунча олдинроқ ишлаб чиқилганлиги ҳамда ўша вақтларда жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг асосий ҳуқуқлари сифатида танилмаганлиги билан ифодаланади. БМТнинг инсон ҳуқуқлари қўмитаси (**UN Human Rights Committee**) ва инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судлари (**European Court on Human Rights**) томонидан ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситаларига оид қоидалардан фойдаланишни бошлашдан мақсад — жиноят процессида иштирок этиш ҳуқуқларига қонуний тус беришдан иборатдир. Бироқ унинг амалга ошириши ҳақиқатдан йироқдир.

Фақатгина биргина ҳужжат, яъни Халқаро жиноят суди томонидан таъсис этилган Рим статутида жабрланувчиларнинг жиноят иш юритувида иштироки принциплари ишлаб чиқилган ва қабул қилинган бўлиб, ушбу принциплар батафсил ва аниқ равишда баён этилган.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ҳам АҚШ каби мазкур ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда муҳим ўрин тутган бўлишига қарамасдан Халқаро

жиноят суди Рим статутининг томонлари ҳисобланмайди.

Бирок, ушбу статутнинг қоидаларини тушуниб олиш фойдадан холи эмас, чунки келажакда халқаро ҳуқуқ мазкур йўналишда ривожланиб боради.

Рим статутда<sup>3</sup> (**Rome Statute**) ноаниқ мазмундаги қуйидаги талаб мавжуд: “ Суд муҳокамасида қачонки, суд иш ҳолатлари жабрланувчининг шахсий манфаатларига дахлдор эканлиги маълум бўлса ва суд мазкур ҳолатларни иш учун мувофиқ деб топса, жабрланувчига ўз фикрларини ва хавотирларини ифодалашга ҳамда уларни кўриб чиқишга, лекин шунга мувофиқ равишда айбланувчининг ҳуқуқларига нисбатан қарама-қаршиликларга йўл қўйилмаган ҳамда суд муҳокамасининг адолатли ва одилона ўтказилишига зарар етказмаган ҳоллардагина рухсат этилади”.

Ушбу қоида Рим статутининг “суд муҳокамасига” тааллуқли бўлган моддасига киритилган, бирок уларни барча иш юритув босқичларида қўллаш мумкин.

Шунингдек, Халқаро жиноят судининг (**International Criminal Court**) исботлаш тартиб-қоидаларида, Котиб жабрланувчилар ва гувоҳлар билан боғлиқ масалалар юзасидан жабрланувчиларга ишда иштирок этиш жараёнларида ўз ҳуқуқларидан самарали фойдаланиши учун уларга тегишли юридик маслаҳатлар олиш бўйича ёрдам бериши талаб этилади.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, жабрланувчи ХЖСнинг қуйидаги жараёнларида иштирок этади:

1. Дастлабки тергов вақтида: прокурор жабрланувчига жиноят иши қўзғатилганлиги тўғрисидаги ва унга дастлабки иш юритувни амалга оширувчи ва мазкур иш юзасидан жиноий таъқибни амалга ошириш бўйича тегишли қарорни қабул қилувчи Палатага ўз аризасини тақдим этиши ҳақида хабар юборади.

2. Тергов мобайнида: прокурор жабрланувчининг манфаатларига путур етказмаслиги лозим. Бирок, мазкур қоида аниқ ва равшан эмас. Масалан, жабрланувчининг далиллар тўплашни талаб қилиш ҳуқуқи мавжуд ёки йўқлиги аниқ баён этилмаган.

3. Дастлабки иш кўрилиши мобайнида: жабрланувчига халқаро жиноят суди юрисдикцияси томонидан кўриб чиқиладиган иш билан боғлиқ ҳар қандай эътирозларга ёзма равишда жавоб беришига рухсат этилади.

4. Суд муҳокамаси мобайнида: жабрланувчининг иштироки нафақат ўз кўрсатмаларини судда баён этиш, балки бошқа иштирокчиларнинг кўрсатмалари билан солиштириш жараёнларида ҳам иштирок этиши кўрсатиб ўтилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ХЖСнинг иш юритиш

қоидаларида асосий эътибор жабрланувчиларнинг процессдаги онгли равишда иштирок этишга бўлган ҳуқуқлари ва судланувчиларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқлари ўртасидаги ўзаро мувозанатни таъминлашга қаратилиши катта аҳамият касб этади.

Жабрланувчининг процессдаги иштирокига оид ҳуқуқларини таъминлаш муҳимлигига қарамасдан, ҳар доим судланувчининг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларига путур етказмаслик учун ушбу муносабатларга дахлдор бўлган масалаларга ҳам эътибор қаратиш лозим. Чунки судланувчининг эркинлиги муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги ўн йил ичида АҚШ Конгресси ва қонунчилик органлари прокурорлардан жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш юзасидан уларни ўз вақтида хабардор қилиш ва қабул қилинган қарорлар бўйича ҳуқуқларини тўлиқ тушунтириш ишларини такомиллаштиришни талаб этиб келмоқда. Қолаверса, АҚШнинг адвокатлар бюросида суд иш юритуви босқичларида жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини тушунтириш ҳамда уларга тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ва улар билан доимий равишда алоқада бўладиган алоҳида равишда махсус тайёргарликка ва тажрибага эга ходимлар доимий иш олиб борадилар.

Бирок, бизнинг мамлакатимизда жабрланувчи ва гувоҳларга саволлар бериш ҳамда ҳакамлик қилувчи маслаҳатчилар олдида кўрсатмалар беришга йўл қўйилмайди. Лекин биз, муайян иш юзасидан суд ҳукми қабул қилинаётган вақтда судьянинг жиноий хатти-ҳаракатлар натижасида юзага келган оқибатларни эшитиши учун жабрланувчининг сўзга чиқишини қатъий равишда тақлиф этамиз.

**(2) Ҳуқуқий ҳимоя воситалари.** “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт (**The International Covenant on Civil and Political Rights**) ва Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Европа конвенцияси (**European Convention on Human Rights**)да жабрланувчиларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситалари айнан бир-бирига ўхшашдир.

ФСХТХПнинг 2.3. моддасида:

Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади: ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган ҳар қандай шахс, агар бу бузилиш расмий сифатда ҳаракат қилган шахслар томонидан содир этилган бўлса ҳам, ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаси билан таъминлаш; ҳимоя талаб қилувчи ҳар қандай шахс учун юридик ҳимояни ваколатли суд, маъмурий ёки қонун чиқарувчи ҳокимиятлар томонидан ёхуд давлатнинг ҳуқуқий тизимида назарда тутилган бошқа ваколатли органлар томонидан таъминлаш; ҳуқуқий ҳимоя воситалари берилганда, ваколатли ҳокимиятлар томонидан бунинг

қўлланилишини таъминлаш.<sup>4</sup>

Бироқ, “Самарали ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситалари” нимани англатади?

Биринчидан, суд таъқибига бўлган ҳуқуқ.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ФСХТХПдаги ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситалари талабларини шарҳлаб, унга жиний таъқибни амалга ошириш талабини киритиб, сўнги ҳолатларда (масалан, ўзбошимчалик билан қамоққа олиш, қийноқ, судсиз ўлимга ҳукм қилиш) асослар мавжуд бўлгандагина жиний таъқиб амалга оширилиши лозимлигини таъкидлайди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ИХХҚЕКнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситалари талабларини шарҳлаб, унинг 13-моддасига<sup>5</sup> қачонки, шахснинг яшаш ёки дахлсизлик ҳуқуқлари бузилган ҳоллардагина, жиний таъқибни амалга ошириш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги айтилади.

Яна бир халқаро ҳужжат — “Ҳокимият ваколатини суиистеъмол қилиш ва жиноят қурбонлари учун одил судловнинг асосий принциплари тўғрисида”ги Декларация<sup>6</sup> (**Keclaration of Basic Principles of Justice for Victims of Crime and Abuse of Power (“the Victims’ Keclaration”)**) БМТга аъзо бўлган бир қанча давлатлар томонидан шарҳланган ва унга кўра, жабрланувчиларга жиний иш юритишни қўзғатишга қачонки, мазкур масала прокуратура органлари томонидан амалга оширилмаган ҳоллардагина рухсат этилади.

Мазкур Декларация 1975 йил БМТнинг Бош Ассамблеясида қабул қилиниб, унинг асосий мазмуни йўл-йўриқ кўрсатувчи кўрсатмалардан иборат.

Иккинчидан, жабрланувчиларга пуллик товонлар тўлаш.

Зўрлик ишлатиб содир этилган жиноят қурбонларини пуллик тўловлар билан таъминлаш учун АҚШнинг кўпгина штатлари ва европа мамлакатларида компенсация тўлаш тизимларидан фойдаланилади. АҚШда мазкур тўловлар механизми, ҳукмларнинг муайян қисми ҳисобланган жабрланувчилар ҳақидаги реституциялар билан боғлиқ бўлган буйруқлар ёки фуқаролик даъвосини қўзғатиш орқали амалга оширилади. Мисол учун, АҚШдаги энг машҳур бўлган жиноят ишларидан бири актёр ва спортчи Ж.Симпсоннинг жиноят айбловлари бўйича бандма-банд оқланганлиги, бироқ жабрланувчи томонидан фуқаролик даъвоси келтириш орқали судлашганлиги ва муваффақиятли тарзда товон пуллари ундирилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Учинчидан, ҳуқуқий ҳимоя қилиш шакли сифатида — одил судловни тиклаш.

Энг ёрқин (равшан) суд амалиётида учратиш мумкин бўлган мисоллардан бири бу инсон ҳуқуқлари бўйича суд — Америка мамлакатлари-

ро инсон ҳуқуқлари бўйича суд (**Human Rights Court, the Inter-American Court of Human Rights**)дир.

АМИХС мунтазам равишда кенг кўламли ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситаларига тааллуқли бўлган қарорлар ва пулга бўлган эҳтиёжларни қондириш доирасига кирувчи ҳолатлар юзасидан суд буйруқлари чиқаради. Мазкур турдаги ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситалари айбдорлар (у жисмоний шахс ёки штат ҳукумати бўлиши мумкин) томонидан кечирим сўрашлик тўғрисидаги буйруқ ва жабрланувчининг даволаниши ва реабилитация қилиниши учун молиявий ёрдам кўрсатиш ҳамда меморандум тузиш тўғрисидаги фармойишларни қабул қилишни ўз ичига олади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита ФСХТХПнинг тегишли моддаларига мувофиқ, жабрланувчиларнинг мазкур ҳуқуқларини тан олиш билан бирга, ушбу ҳуқуқларни тиклашга оид ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситаларининг муҳимлигини алоҳида таъкидлайди.

Халқаро жиноят суди томонидан Рим статuti ташкил этилиши билан биргаликда жабрланувчилар учун аниқ мақсадли фонд (ҳукм этилган судланувчилар томонидан тўланган жарималардан ташкил топган) ташкил этилган.

АҚШда федерал судлар томонидан ҳукм этилган ҳар бир шахсдан айблов ҳукмининг ҳар бир банди бўйича жиноят қурбонлари фонди учун 100 АҚШ доллари миқдорида бадал тўлаши шартлиги белгиланган.

**(3) Жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари.** “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактнинг (**The International Covenant on Civil and Political Rights**) 2.3.-моддасига мувофиқ, жабрланувчилар ҳуқуқларига зарар етказишда ҳимоя қилиш ҳуқуқи бутунлигича тан олинди<sup>7</sup>.

Танқидий нуқтаи назардан қараганда, энг муҳим ва баҳсли мунозаралардан бири бу жабрланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқи билан боғлиқ бўлиб, суд муҳокамаси даврида ёки судгача бўлган даврда судланувчининг қамоққа олиниши билан ифодаланади. Мазкур контекстда айбсизлик презумпцияси принципи жабрланувчилар ҳуқуқлари билан ўзаро тўқнаш келмоқда. Мен ўйлайманки, судланувчининг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини таъминловчи бирор-бир фойдали танловни амалга ошириш лозим.

Кўпгина халқаро трибуналларда камдан-кам ҳолатларда жабрланувчиларнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида судгача бўлган даврда судланувчиларни қамоқдан озод этганлар. Халқаро жиноят суди ва собиқ Югославия халқаро трибунал суди айрим ҳолатларда судгача қамоқдан озод этишга йўл қўйган. Бироқ судланувчиларни судгача қамоқдан озод этиш учун улар томонидан жабрланувчиларга ҳеч қандай таҳдид

солинмаслигини тасдиқловчи асослар бўлиши шарт бўлган.

АҚШда судланувчининг одил судловдан яшириниши ёки жамиятга таҳдид солиши мумкинлиги аниқланмасагина судьялар уларни судгача қамокдан озод этишлари мумкин. Судья жабрланувчининг хавотирларига асосланган ҳолда, ундан қамокдан озод қилишни бекор қилиш учун асос сифатида фойдаланишни талаб этиши ҳам мумкин.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, дунёдаги кўпгина мамлакатларда жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар ҳар томонлама ўзгариб ва ривожланиб бормоқда. Бироқ, бизнинг диққат марказимизда турган халқаро амалий тажриба муҳим ўрин эгаллайди. Бу борадаги кўпгина принциплар БМТнинг “Ҳокимият ваколатини суиистеъмом қилиш ва жиноят қурбонлари учун одил судловнинг асосий принциплари тўғрисида”ги Декларацияси (**Keclaration of Basic Principles of Justice for Victims of Crime and Abuse of Power**)дан келиб чиқади ва улар қуйидагилар:

— ҳар доим жабрланувчиларга ҳамдардлик билан муносабатда бўлиш ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш;

— жабрланувчиларнинг адолатли, арзон ва тезкор бўлган одил судлов механизмларидан тўлиқ фойдаланиши;

— жабрланувчиларга компенсация талаб қилиш ҳуқуқлари мавжудлиги ҳақидаги тегишли маълумотлар билан хабардор этиш;

— жабрланувчиларнинг суд муҳокамасидаги иштироки ва суднинг якуний қарорлари ҳақида хабардор этиш;

— суд муҳокамаси жараёнида жабрланувчиларга тегишли равишда ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини баён этиш имкониятини тўла яратиш;

— давлат жабрланувчилар ҳаёти ва соғлиғи учун муайян даражада хавф юзага келганда, уларнинг шахсий ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан барча чора-тадбирларни кўриш;

— жабрланувчиларга суд муҳокамасининг барча босқичларида тегишли ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

Биз халқаро миқёсда жабрланувчиларни ҳимоя қилиш учун стандартлар ишлаб чиқишни жадаллаштирганимиз йўқ. Ҳозирга қадар ишлаб чиқилган Пакт ва Конвенциялар жиноят қурбонлари ҳақида етарли даражада тушунчага имкони беради ва соҳага доир қонунлар қабул қилинишига ижобий таъсир кўрсата олади. Сўнги вақтларда ишлаб чиқилган жиноят-процессуал принциплар, келажакда жиноят қурбонларини тушунишга кўмаклашувчи қарашларни қўллашда ёрдам беради.



## АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ — ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

**Айбланувчи айби исботланмагунча айбсиз ҳисобланади.** Айбсизлик презумпциясининг вужудга келиш тарихи, унинг аниқ санаси маълум бўлмаса-да, 19-асрдан бошлаб кенг қўлланила бошлаган.

Мен ҳар доим ўз раислигимда ўтказиладиган суд мажлисларида айби исботланмагунча айбсиз деган иборани такрорлайман.

Ушбу ибора АҚШ Конституциясида бўлмаса-да, Конституциянинг бешинчи, олтинчи, ўн тўртинчи қўшимчаларида ўз ифодасини топган.

Айбсизлик презумпцияси ҳокимият ваколатига эга бўлган шахсларнинг ўз ваколатини суиистеъмом қилишининг олдини олиш кафолати ҳисобланади.

Айбсизлик презумпциясидан **учта қуйидаги асосий хулосани** чиқариш мумкин:

1) жиноят содир этишда айбланадиган шахснинг айби исботланмагунча айбсиз инсон каби муносабатда бўлиш керак;

2) айбланувчининг айбини исботлаш вазифаси прокурорга юклатилади;

3) айбланувчини жиноят содир этганликда айбдор деб топиш учун суд ёки суд маслаҳатчилари етарлича далиллар воситасида шахснинг айбдорлигига ишонч ҳосил қилган бўлишлари керак.

Айбсизлик презумпцияси бутун дунёда жиноят судлов тизимида кенг тарқалган ва тан олинган.

**Айбсизлик презумпциясининг халқаро асослари (International Basis for the Presumption of innocence).** Айбсизлик презумпцияси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча асосий халқаро шартномаларда учрайди:

1) “**Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида**”ги Халқаро пактнинг (**The International Covenant on Civil and Political Rights**) 14-моддасида “Жиноят содир этишда айбланадиган ҳар бир шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланмагунга қадр айбсиз ҳисобланади”.

2) “Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Европа конвенцияси”(European Convention on Human Rights)<sup>1</sup>нинг 6-моддасида “Жиноят содир этишда айбланадиган ҳар бир шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланмагунга қадар айбсиз ҳисобланади”.

3) “Инсон ҳуқуқлари” Умумжаҳон декларациясининг (The Universal Declaration of Human Rights) 11-моддасида “Жиноят содир этишда айбланадиган ҳар бир шахс қонунда белгиланган тартибда судда ҳимоя ҳуқуқи таъминланган ҳолда айби исботланмагунга қадар айбсиз ҳисобланади” деб эътироф этилган.

Айбсизлик презумпцияси дунёдаги 67дан ортик (Канада, Россия, Жанубий Африка Республикаси, Франция, Венгрия, Қатар, Сурия, Испания, Яман) мамлакатлар конституцияларида тўғридан тўғри мустаҳкамлаб қўйилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, АҚШ Конституциясининг асосий қоидалари XVIII асрда ишлаб чиқилган ва тўғридан-тўғри айбсизлик презумпцияси ҳақида белгиланмаган бўлса-да, аммо бешинчи, олтинчи, ўн тўртинчи қўшимчаларида ўз ифодасини топган.

АҚШ Олий судининг 1895 йилги қарориди айбсизлик презумпцияси айбланувчини жиноят процессидаги ажралмас ҳуқуқи эканлиги мустаҳкамланган.

Юқоридаги **биринчи хулоса** хусусида батафсил тўхталамиз, яъни айби исботланмаган одам билан айбсиз шахс каби муносабатда бўлиш керак. Назарий нуқтаи назардан, суд жараёнида ушбу принцип тўғри ҳисобланади. Яъни прокурор шахсининг айбдорлигини исботловчи далилларни тақдим қилмагунга қадар, суд эса мазкур далилларни айблов ҳукми чиқариш учун етарли деб топмагунга қадар шахс айбсиз ҳисобланади. Ушбу хулоса мантиқан тўғри бўлса-да, ҳаётда бунини акс эттириш қийин бўлади.

**Дастлабки қамоқни қўллашда айбсизлик презумпциясининг доираси (Scope of the Presumption – Pretrial Detention).** Айби исботланмагунга қадар айбсизлик принципи шахсга айблов эълон қилинган, аммо суд томонидан ҳали айби исботланмаган шахс тушунилади.

Савол туғилади. Нега унда ҳали айби исботланмаган одамлар дастлабки қамоққа олинади? Бир қараганда бу айбсизлик презумпцияси принципига қарши кўринади, чунки ҳали суд томонидан айби исботланмаган шахс қамоққа олинади.

Дастлабки қамоққа олишнинг ўзи айбсизлик презумпциясидаги дастлабки хулоса айбланувчи сифатида жалб қилинган, аммо суд томонидан ҳали айби исботланмаган шахс билан айбсиз инсон каби муносабатда бўл деган тамойилга

таъсир қилишини кўрамай.

Шахсни дастлабки қамоққа олиш айбсизлик презумпцияси тамойилларига мос келмайди, чунки айби исботланмаган шахс айбсиз инсон каби суд томонидан айби исботланмагунга қадар озодликда юриши керак.

Шунингдек, дастлабки тергов жараёнида айбланувчининг қамоқда бўлиши ўз ҳуқуқларини амалий ҳимоя қилишига таъсир қилиши мумкин.

Шахсининг дастлабки қамоққа олиниши унинг ҳимоя ҳуқуқини амалга оширишга, оқловчи далилларни топишни қийинлаштиради. Кўпгина ҳолларда телефон қўнғироқларига чеклов ўрнатилди.

Шахсининг қамоққа олиниши унга иқтисодий томондан салбий таъсир кўрсатиши, ҳимоячи ёки эксперт хизмати учун тўловларни амалга оширишни қийинлаштириши мумкин.

Дастлабки қамоққа олиниш шахсининг айблилиги ҳақидаги қарорни қабул қилиш ҳамда ўз ҳимояси учун далил тақдим қилишдан воз кечиш имкониятини оширади.

Дастлабки қамоққа олиниш айбланувчига нисбатан номуносиб тергов усулларини қўллаш эҳтимолини оширади.

Дастлабки қамоққа олиниш айбланувчи ва ҳимоячи ўртасидаги ҳимояга тайёрланиш муносабатини оғирлаштиради.

Дастлабки қамоққа олиниш судланувчининг ташқи кўринишига таъсир ўтказиши мумкин.

Эмпирик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, айбланувчининг қанчалик кўп дастлабки қамоқда сақланиши унга нисбатан шунчалик кўп айблов ҳукми чиқишига тўртки бўлади.

Дастлабки қамоққа олинган шахсга нисбатан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиниш жазолари қўлланилганда, судланувчи қамоқда бўлган вақтида тарбияланганлиги ва ўзи учун эркинликда муносиб ҳаёт қура олишини кўрсата олмайди.

Савол туғилади. Нима учун шахс қамоқда сақланади? Кўпгина халқаро ва миллий ҳуқуқ тизимида айбсизлик презумпцияси каби нормалар мустаҳкамланган.

Агар дастлабки тергов жараёнида айбсизлик презумпцияси кучга кирмас экан, унда суд жараёнида ҳам кам аҳамиятли деб талқин қилса бўлади.

Дастлабки қамоқни айбсизлик презумпциясига жиддий таъсир қилишига қарамасдан, АҚШда айбсизлик презумпцияси дастлабки қамоқ билан боғлиқ эмас деб қаралади. Агар ушбу принцип қўлланилган ҳолда ҳам, давлат манфаатлари нуқтаи назаридан чекланиши мумкин деб талқин қилинган.

Шу билан бир қаторда, айбсизлик презумпци-

яси АҚШ жиноят ҳуқуқида ўзининг ҳақиқий моҳитидан узоқлашган ва бугунги кунда ушбу принцип амалдаги жиноят иш юритувидаги исботлаш ҳуқуқига айланган.

АҚШ Олий суди қонун нормаларига асосан, ҳукумат гумон қилинувчини расмий равишда айби исботланиб ҳукм чиққунга қадар қамоққа сақлаб туриши мумкинлиги ҳақида қарор қабул қилган.

АҚШ Олий суди қарорига кўра “айбсизлик презумпцияси жиноят судлов тизимида муҳим ўрин эгалласа-да, шахс дастлабки қамоққа сақланган вақтда, суд муҳокамаси бошлангунга қадар айбсизлик презумпцияси унга нисбатан татбиқ этилмайди”.

“Шахсни гаров ёки кафиллик эвазига озод этиш тартиби тўғрисида”ги 1984 йилги Қонунда судья дастлабки қамоқни суд муҳокамасига қадар бошқа эҳтиёт чорасини қўллаш имконияти бўлмаганда қўллаши ҳақидаги қоида назарда тутилган. Ушбу қонунда дастлабки қамоққа нисбатан АҚШнинг муносабати билдирилган.

Шахсга нисбатан зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар, умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси билан боғлиқ жиноятлар, озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаб бўлгандан сўнг беш йил давомида содир этилган жиноятлар учун прокурорлар дастлабки қамоққа олиш тўғрисидаги илтимосни суд муҳокамасига киритиши мумкин. Бундай ҳолатда айбланувчини одил судловдан қочиб кетиши ёки жазодан қутулиб қолишга ҳаракат қилиши мумкин деган етарли асослар бўлиши керак. Дастлабки қамоқни қўллаш вақтида судья жиноятни оғирлик даражаси, далилларнинг салмоғи, судланувчининг ўтмиши ва унинг шахсини тавсифловчи ҳолат, шунингдек, шахсни озод қилиниши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган хавфни инобатга олади.

Бу ўринда АҚШ Олий суди “судланувчини эркинликка бўлган ҳуқуқига нисбатан, жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамият хавфсизлигини таъминлашда давлат манфаатлари устун эканлиги ҳамда бу қоида судланувчиларнинг ҳуқуқларини бузмайди” деб тан олган.

Судья Тергуд Маршалл дастлабки қамоқни қўллаш судланувчига очиқ хавф солиши мумкин бўлган ҳолатда, унга нисбатан дастлабки қамоқни қўллаш айбсизлик презумпцияси принципларини бузиш деб ҳисоблайди.

Агар дастлабки қамоққа олинган шахс оқланса унда нима бўлади? Айтмоқчиманки, АҚШда судьялар кўпгина ҳолатда гаров ёки кафиллик эвазига шахсларни озод қилишади, аммо шу билан бир қаторда кўпгина судланувчилар қамоқда сақланади.

Юқоридаги ҳолатлар, дастлабки қамоқ ҳамда айбсизлик презумпцияси ўртасида зиддият бор-

лигини кўрсатади.

Мен судья сифатида айбланувчини имкон қадар қадар озод қилиш тарафдориман. Менинг ваколатим қонун билан чекланган, аммо менда судланувчи айбсиз ҳисобланади ва унинг ҳимояга бўлган ҳуқуқини таъминлаб беришим керак деган қоида устуворлик қилади. Мен судланувчига ушбу имкониятни беришга ҳаракат қиламан, агар судланувчи менинг шартларимни бузса, унда мен унга нисбатан дастлабки қамоқни қўлламан. Мен судланувчига ўз ҳурматимни ифода қилишга ҳаракат қиламан, токи судланувчи бундай ҳурматга лойиқ эмаслигини исботламагунча.

**Халқаро стандартлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди.** Халқаро стандартлар айбсизлик презумпцияси билан бевосита боғлиқ бўлса-да, аммо гаров ёки кафиллик эвазига озод бўлиш ҳуқуқи ҳақидаги қоида мустаҳкамланган.

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пактнинг 9-моддасида “Ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақлаб турилиши туфайли озодликдан маҳрум этилган ҳар бир шахс ўз ишининг судда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга, токи суд унинг ушлаб турилиши қанчалик қонуний эканлиги борасида дарҳол қарор чиқара олсин ва агар уни ушлаб туриш ноқонуний бўлса, озод қилиш ҳақида фармойиш бера олсин” – деб мустаҳкамланган.

Шунингдек, юқоридаги пактда “суд муҳокамасини кутаётган шахсларнинг қамоқда сақланиши умумий қоида бўлмаслиги керак” – деб мустаҳкамланган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди минтақавий суд бўлса-да, аммо дастлабки қамоқни қўллашда айбсизлик презумпциясини тадбиқ қилишда таъсирли қарорлар қабул қилган. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди айбловнинг оғирлик даражаси узоқ муддатли қамоқни қўллашни оқлашга хизмат қилмайди, деб белгилайди.

Европа давлатларида асосли гумон ҳар қандай дастлабки қамоққа олиш учун асос ҳисобланса-да, АҚШдан фарқли ўлароқ, судланувчини қамоққа олиш тўғрисидаги қарор айбланувчига қарши далилларнинг кучига боғлиқ эмас. Гарчи Европа давлатларида дастлабки қамоқ қўлланаётган бўлса-да, аммо Европа суди айбсизлик презумпцияси жиноят судлов иш юритишнинг барча босқичида қўлланилади деб тан олган.

Кўпгина Европа мамлакатларида (Норвегия, Швеция, Дания, Австрия, Германия, Нидерландия Исландия, Италия ва Латвия) судланувчилар оқланса, уларга компенсация тўланади, гарчи уларнинг дастлабки қамоққа олиниши қонуний бўлган бўлса.

Европадан фаркли равишда, АҚШда компенсация тўлаш камдан кам учрайди. Халқаро жиноят трибуналлари айбсизлик презумпция муаммосига тўқнаш келишмоқда ва кўпгина ҳолларда хавф ва одил судловдан қочиб кетиш белгилари мавжуд бўлмасда, уларда дастлабки қамоққа олишга мойиллик кучли. Бу балки бошқа муаммолардан кўра гувоҳлар муаммоси ва жамоатчилик фикри билан боғлиқдир.

**Исбот қилиш суд муҳокамаси даврида прокурорнинг вазифаси бўлиб, судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас.**

Айбсизлик презумпциясидан келиб чиқадиган **иккинчи хулосада** — исботлаш суд муҳокамаси даврида судланувчининг вазифаси эмас, балки прокурорнинг вазифаси бўлиб, мамлакатларнинг ҳуқуқ тизимида умум тан олинган ва кенг тарқалган.

Менинг фикримча, ушбу масалада халқаро стандартларда бирор бир зиддият йўқ.

АҚШда баъзида суд маслаҳатчилари “агар судланувчи айбсиз бўлса у айбини исботлаши керак” — деб мени безовта қилишади. Шунинг учун биз доимо суд маслаҳатчиларига далиллар тақдим қилиш прокурорнинг вазифаси эканлигини эсалатиб турамыз. Албатта бизнинг тортишув принципига асосланган тизимда судланувчилар далил тақдим этиши мумкин ва кўпгина ҳолатда суд муҳокамаси даврида бундай далилларни тақдим қиладилар.

Бундан ташқари, судланувчилар кўрсатма беришда озод қилинган бўлсалар-да, қисман кўрсатма берадилар. Агар прокурор суд маслаҳатчилари олдида судланувчи далил тақдим этмади ёки кўрсатма бермади деб арз қилса, суд суд муҳокамасини бекор қилади ва биз барчасини бошидан бошлаймиз.

Бу ҳолат айбланувчининг айбини исботлаш прокурорнинг вазифаси эканлигини англатувчи қисқача тушунчамиз ҳисобланади.

**Прокурор тақдим этиши шарт бўлган далил доираси етарлича юқори бўлиши керак.** Айбсизлик презумпциясидан келиб чиқадиган **учинчи хулосада** айбланувчини жиноят со-

дир этганликда айбдор деб топиш учун суд ёки суд маслаҳатчилари етарлича далиллар воситасида шахснинг айбдорлигига ишонч ҳосил қилган бўлишлари керак. Етарлича далилларни тақдим қилиш прокурорнинг вазифаси ҳисобланади. Ушбу қоида ҳам умум тан олинган хулоса ҳисобланади.

Сиз судланувчининг айбдорлигига ишонч ҳосил қилишингиз ва унинг айбсизлиги ҳақида сизда заррача шубҳа бўлмаслиги лозим. Мен доим суд маслаҳатчиларидан ўз ҳаётларида қабул қилаётган энг муҳим қарор ҳақида ўйлашларини сўрайман. Улар ишонч ҳосил қилмасалар муҳим қарор қабул қилмайдилар. Демак, суд қарорларини қабул қилишда ҳам қаттиқ ишонч бўлиши зарур.

**Хулоса: айбсизлик презумпциясини мен қандай тушунаман.**

1) айби исботланмагунча айбсиз (**Innocent until proven guilty**);

2) айбни исботлаш вазифаси прокурорга юклатилади (**Prosecutor has the burden to prove guilt**); 3) айбни тан олиш ҳақидаги қарор юқори стандартдаги далилларга асосланган бўлиши керак (**Guilt must be decided by a very high standard**).

Ниҳоят, мен сизлар билан ўртоқлашмоқчи бўлган сўнги фикр, бу “айби исботланмагунга қадар айбсиз” ёки “айбсизлик презумпцияси” принципи бутун дунёда суд ва прокурор учун — аслида англаш даражаси. Терговчи, прокурор ёки судья токи суд томонидан айблилиги ҳақидаги қарор чиқарилмагунга қадар, ҳеч қачон ўзининг онгида судланувчи айбдор деб ҳисобламаслиги, судланувчи билан айбдор шахс каби муносабатда бўлмаслиги керак.

Агар биз судланувчининг айби исботланиб, айблов ҳукми чиқмагунча айбсиз ҳисобланади деган рад этиб бўлмас фактни англасак ҳамда судланувчи билан муносиб муомалада бўлсак, “айби исботланмагунга қадар айбсиз” (**innocent until proven guilty**) принципи эскириб қолган концепция эмас, балки ҳақиқий стандарт, амалий қоида бўлиб, уни таъминлаш учун ўзимизга боғлиқ бўлган барчасини қилган бўламиз.



# ХАБЕАС КОРПУСНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Хабеас корпус бугунги кунда жисмоний шахслар ўзларининг ушлаб турилганлиги ёки қамоққа олинганлигининг қонунийлигини таъминлаш юзасидан судга шикоят қилиш ҳуқуқларини кафолатловчи ҳуқуқлар мажмуини билдиради. Бир қанча юрисдикцияларда ҳам хабеас корпус процессуал ҳуқуқ сифатида шахс ўзининг қамоққа олинганлик шартларига нисбатан шикоят қилиш ҳуқуқининг амалга оширилишини англантиб, унинг ёрдамида эса суд қамоққа олиш тўғрисидаги қарорини қайтадан кўриб чиқиш мумкин.

Хабеас корпус — бу азалдан Англия ва Америка умумий ҳуқуқининг судловга тааллуқли кўрсатмаларида мавжуд бўлиб, унда шахснинг ушлаб турилганлигининг қонунийлиги юзасидан шикоят қилиш тартиблари таъминланган.

## Принциплар

Қуйидаги принциплар кенг маънодаги умумий “хабеас корпус” номи остида бирлаштирилган ҳуқуқларнинг муайян қисми ҳисобланади.

Шуни ёдда тутиш лозимки, бу ҳуқуқларнинг барчаси шахсларга нисбатан давлат органлари томонидан қўлланилаётган ушлаб туриш ёки қамоққа олиш ҳолатларига нисбатан тааллуқлидир. Мазкур ҳуқуқларнинг “хабеас корпус”га тааллуқлигининг сабаблари:

биринчидан, шахсларни ўзбошимчалик билан ва ноқонуний равишда озодликдан маҳрум этишга бўлган қарши ҳуқуқи. Умумий маънода, мазкур жараён шахсларнинг қонуний асосга кўра қамоққа олиш ва ўз вақтида судга олиб бориш билан боғлиқдир;

иккинчидан, қамоққа олишнинг сабаблари ҳақида маълумотларга эга бўлиш ҳуқуқи;

учинчидан, суд муҳокамасига қадар шахсни қамоққа олиш ёки уни озод қилиш юзасидан тезкор қарорларни қабул қилиш ҳуқуқи;

тўртинчидан, оқилона муддатда суд муҳокамасини ўтказиш ҳуқуқи;

бешинчидан, суд муҳокамасигача ушлаб турилганлар билан инсонларча муомала қилиш ҳуқуқи — кийноқни қўллашга йўл қўймаслик;

олтинчидан, айблов ҳукми чиқарилгандан кейин маҳкум билан инсонпарварлик шартлари асосида муомала қилиш ҳуқуқи;

еттинчидан, жиноят процесси тугаганидан кейин ва апелляция иш юритувида айблов ҳукмига нисбатан шикоят қилиш ҳуқуқи.

Бу ерда шуни таъкидлаш муҳимки, бундай қарорларга нисбатан биргина шикоят қилиш

ҳуқуқи етарли эмас. Чунки, келтирилган протестнинг у ёки бу ҳолатларига нисбатан судьялар томонидан қўллаш учун зарурий аниқ ва адолатли стандартлар зарур бўлади. Масалан, АҚШда судьялар қамоққа олишни шунчаки тегишли чора сифатида қараб, қарорлар қабул қилмайди; судьялар қамоққа олиш тўғрисидаги қарор қабул қилишда жиноят содир этилганлигини тасдиқловчи асослар мавжудлигини, худди шундай айнан мазкур жиноятни жавобгар томонидан содир этганлигини тасдиқловчи етарли асослар мавжуд эканлигидан келиб чиққан ҳолда ҳал этади.

Хабеас корпус — процессуал ҳуқуқ ҳисобланиб, эркинликларнинг буюк хартиясидан келиб чиққан бўлиб, инглиз умумий ҳуқуқида ўз ривожини топган.

АҚШ Конституциясида хабеас корпус бўйича суд кўрсатмасини қабул қилиш юзасидан илтимоснома қилиш ҳуқуқи ёки имтиёзлар кафолатланган бўлиб, фақатгина кўзғолон ёки душман ҳужумлари бўлган ҳолатлардагина тўхтатиб турилади.

Айбланувчи судьядан давлат мансабдор шахси томонидан унга нисбатан суд олдида иш қўзғатиши учун буйруқ берувчи суд кўрсатмасини қабул қилишини сўраб илтимоснома бериши мумкин. Хабеас корпус лотин тилидан сўзма-сўз таржима қилинганда “сен тана билан ишлашинг керак” маъносини англатади.

Бугунги кунда АҚШда хабеас корпус ҳуқуқлари айблов ҳукмларига нисбатан суд муҳокамаси тамомлангандан кейин, федерал суд ва штат судлари томонидан худди шунингдек, алоҳида тартибдаги суд муҳокамаси тамомлангандан сўнг федерал судлар томонидан чиқарилган айблов ҳукмларига нисбатан шикоят қилиш ҳуқуқини ўз ичига олади. Шунингдек, хабеас корпус қамоқхоналардаги маҳкумлар билан муомала қилишдан келиб чиқадиган ҳолатлар юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқларига ҳам тааллуқлидир. Мазкур жараёндан кўпинча АҚШдан депорт қилиниши юзасидан қабул қилинадиган қарорларни кутиб турган қамоқда сақланаётган хорижликлар фойдаланади.

АҚШда бизнинг Конгрессимиз томонидан хабеас корпус ҳуқуқларидан чекланган доирада фойдаланилади. Қоидага мувофиқ, маҳбус бир маротаба ўзининг қамоққа олинганлиги юзасидан шикоят қилиш имкониятига эга бўлади. Протестлар фақат олдинги босқич жараёнларида

аниқлаш имконияти бўлмаган ҳолатлар юзасидан аниқланган ҳолатлар ва янги ҳолатлар мавжуд бўлганда келтирилади.

Хусусан, қамоққа олишнинг шартларига нисбатан шикоят қилиш ҳолатлари, қоидага мувофиқ, маҳбус дастлаб судга шикоят қилишдан олдин, қамоқхона муассасаларида мавжуд ички тартиб-қоидаларидан тўлиқ фойдаланган бўлиши шарт. Мамлакат Олий суди шуни маълум қилдики, Конгресс хабеас корпус тартибларидан фойдаланишни чеклаши мумкин бўлса ҳам, бироқ мазкур ҳуқуқни бекор қила олмайди, чунки у конституция билан кафолатланган.

Кенг кўламдаги халқаро стандартларни ўз ичига олган учта халқаро ҳужжатлар мавжуд бўлиб, биз томонимиздан умумий “хабеас корпус” номи остида бирлаштирилган ҳуқуқларга нисбатан ҳамда мен томонимдан юқорида таъкидлаб ўтилган еттита ҳуқуқларга татбиқ этилади.

### **“Инсон ҳуқуқлари” Умумжаҳон декларацияси (The Universal Declaration of Human Rights)**

Мазкур ҳужжат фуқаролигидан қатъи назар, оила аъзоларидан барчанинг асосий ҳуқуқларини ўзида ифода этади. У иккинчи жаҳон урушидан кейин 1948 йилда ёзилган ва имзоланган.

Декларациянинг 3-моддасида ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эга эканлиги, шунингдек, 12-моддада ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашуш, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмалари сирига ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга эканликлари назарда тутилган.<sup>1</sup>

### **«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пакт (The International Covenant on Civil and Political Rights)**

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ФСХТХПни Умумжаҳон декларацияда мустақамланган ҳуқуқларни кенгайтирган ҳолда, мазкур Пактни имзолаган мамлакатлардаги вазиятни баҳолаш мақсадида шарҳлайди.

### **«Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси» (European Convention on Human Rights)**

Бу ҳудудий давлатлараро келишув бўлиб, Умумжаҳон декларациясида кафолатланган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва уларни мажбурий тартибда амалга оширишга мўлжаллангандир. Ушбу конвенцияни мажбурий тартибда амалга оширувчи ҳудудий суд ҳисобланган, бутун Европа ҳудудида жуда катта нуфузга эга бўлган Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судидир.

Ҳар бир Европа мамлакатада мазкур ҳуқуқлар-

ни амалга оширувчи ўзининг қонун-қоидалари бўлгани каби АҚШда ҳам ўзининг конституциявий ҳуқуқларини таъминловчи статусли тартиб-қоидалари мавжуд.

Худди шундай Ўзбекистонда ҳам ушбу турдаги қонунлар мавжуд. Ўзбекистонда амалда хусусан, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”-ги халқаро Пактда ва халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳуқуқларни қўллаш соҳаларини белгилловчи қонунлар мавжуд.

Эндиликда “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактнинг мазмунини ташкил этувчи ҳуқуқлар кўриб чиқилиб, мазкур Пактга Ўзбекистон 1995 йил 28 сентябрда қўшилган.

Менинг фикримча, ФСХТХП бугунги кунда халқаро ҳуқуқ томонидан бизга таклиф этилаётган ҳамда мамлакатларнинг ички ҳуқуқий муносабатларига тегишли тавсиялар бераётганлиги ва барчамизни умумий “хабеас корпус” номи остида бирлаштирилган асосий принципларнинг негизини тушунишга олиб келувчи ҳужжат сифатида намоён бўлмоқда.

Пактнинг 7-моддасида ҳеч ким қийноқларга ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи муомалага ёки жазога дучор этилмаслиги айтиб ўтилган.<sup>2</sup>

Инсоннинг қийноқларга ёки бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи турдаги муомалалардан эркинлиги инсон ҳуқуқларининг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги яна бошқа олтита халқаро шартномаларда, жумладан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида ҳам ушбу ҳуқуқларнинг таъминланиши кўрсатиб ўтилган.

Инсон ҳуқуқлари қўмитаси мазкур 7-моддани кенг тарзда шарҳлаб берган. Ушбу модда шахснинг қадр-қимматини, шунингдек, жисмоний ва руҳий дахлсизликни ҳимоя қилиш мақсадини кўзлайди.

Бундан ташқари, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қўмита томонидан билдирилган фикрга кўра, аёлларга нисбатан қўлланилаётган ҳар қандай зўравонликлар ва номусга тегиш 7-модданинг таъсири остида бўлиб, ушбу зўравонликларни бартараф этиш учун давлат қўшимча чора-тадбирларни кўриши лозим.

Шундай экан. “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактнинг 7-моддасига мувофиқ, давлат қандай мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

1. 7-модданинг қоидаларини бузувчи ҳаракатларни қонунчилик йўли билан тақиқлаб қўйиш.

2. Ўз юрисдикцияси остида бўлган шахсларни нодавлат субъектлар томонидан 7-моддада назарда тутилган қоидаларни бузиши мумкин бўлган

ҳаракатларидан ҳимоя қилиш.

3. 7-моддада назарда тутилган ҳуқуқларнинг ҳаммага кенг маълум бўлишини таъминлаш.

4. Давлатнинг 7-моддада назарда тутилган қоидаларининг амалга оширилишини таъминловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасида назарда тутилган қоидаларнинг бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан тергов ва суд таъқибини амалга оширувчи ходимларни тайёрлаш.

5. Айбдор деб топилган шахсларни жавобгарликка тортиш.

6. Жабрланувчиларга компенсация олиш ҳуқуқини тақдим этиш.

9-моддада ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.<sup>3</sup>

Мазкур моддада дахлсизлик ва эркинликка оид бўлган муҳим ҳуқуқларнинг таъминланиши билан биргаликда бир қанча моддий-ҳуқуқий кафолатларни амалга оширувчи процессуал ҳимоя қилиш чораларидан иборатдир.

Албатта, эркинлик чекланиши мумкин, бироқ давлат қачон ва қандай ҳолатларда эркинликлардан маҳрум қилиниши ҳамда инсонларнинг эркинликдан маҳрум қилиш жараёнларининг қонуний асосларини аниқ белгилаши лозим.

9-модданинг 2-қисмида ҳибсга олинган шахснинг ҳибсга олинганлиги сабаблари ҳақида маълумот олиш ҳуқуқи.<sup>4</sup>

Ушбу ҳуқуқ билан барча шахслар ўзларининг нима сабабдан ҳибсга ёки қамоққа олинганлигини тушуниши учун таъминланиши зарур. Бундай таъриф фақатгина қамоққа олиш учун ҳуқуқий асос ҳисобланган қонун ҳужжатларига ҳавола қилиниши шарт эмас.

9-модданинг 3-қисмида зудлик билан суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ.<sup>5</sup>

Ҳибсга олинган шахс “шошилич тартибда” судга олиб келиниши ёки қонунга биноан суд ҳокимиятини амалга ошириш ваколатига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан ушланган шахснинг бу ҳақда сўраши ёки сўрамаслигидан қатъи назар амалга ошириши шарт.

Халқаро стандартларга мувофиқ, “шошилич тартибда” тушунчасининг белгиланиши 48 соат ёки ундан ҳам кам бўлиши мумкин.

9-модданинг 4-қисмида қамоққа олиш тўғрисидаги қарорни дарҳол қайтадан кўриб чиқиш.<sup>6</sup>

Ҳибсга олинган ёки қамоққа олинган шахс ўзининг қамоққа олинганлиги тўғрисидаги суд қарорини дарҳол қайтадан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агарда қамоққа олишда қонуний асослар мавжуд бўлиб, қўйилаётган айбни қўллаб-қувватлашда етарли асослар бўлишидан қатъи назар қамоққа олиш тўғрисидаги қарорни қайтадан кўриб чиқиш ҳуқуқи мавжуддир.

9-модданинг 5-қисмида товон талаб қилиш ҳуқуқи.<sup>7</sup>

9-моддада назарда тутилган ҳуқуқлар бузилган ҳолатларда, товон талаб қилиш ҳуқуқи мавжуддир. Ушбу ҳуқуқларни кенг маънода олиб қарганда, мазкур моддада ўрнатилган қоидалар, ҳаттоки ривожланган мамлакатларда ҳам етарли даражада кафолатланмаган.

10-модда қамоққа олинган шахслар инсонларча муомала қилиш ҳуқуқига эга.<sup>8</sup>

10-моддада назарда тутилган маҳбусларга нисбатан инсонларча муомала қилиш ҳуқуқи 7-моддада назарда тутилган қийноқни қўллашга йўл қўймаслик ҳуқуқлари билан ўхшашдир. Бироқ, 10-моддада айбланувчиларни судланувчилардан ва вояга етмаганларни вояга етганлардан алоҳида равишда ажратиш бўйича аниқ талаблар мавжуд.

10-модданинг 3-қисмида айблов ҳукми эълон қилингандан кейин мурожаат қилиш.<sup>9</sup>

Ушбу бандда маҳбусларга мўлжалланган режимдан мақсад уларни тўғри йўлга солиш ва уларни ижтимоий жиҳатдан қайта тарбиялаш кўрсатиб ўтилган. 7-моддада назарда тутилган қийноқни қўллашга йўл қўймаслик бевосита маҳбусларга нисбатан ҳам қўлланилади.

14-моддада ҳукмларга нисбатан шикоят қилиш.<sup>10</sup>

Мазкур модда талабига кўра, давлат оқилона муддат ичида эълон қилинган айблов ҳукмига нисбатан берилган шикоятни бошқа суд томонидан кўриб чиқиши учун имкониятларни яратиши лозим.

Мен юқорида эслатиб ўтганимдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясини мазкур конвенцияга аъзо бўлган давлатларга унинг қоидаларини талқин этади. Шикоятларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш механизми мавжуд бўлиб, улар юзасидан қабул қилинган қарорларни конвенция иштирокчиси ҳисобланган мамлакатлар бажариши учун мажбурийдир. Айнан мазкур конвенция ушбу жиҳати билан “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактдан талқин этилишига кўра ажралиб туради. Мисол учун, Европада қонунда қатъий равишда таъкидланадиги, ушлаб турилган шахсни қамоққа олинганлиги тўғрисидаги суд буйруғининг муддати тугагандан сўнг ушлаб туриш мумкин эмас. Яқинда Молдова давлати қамоққа олиш тўғрисидаги ордернинг муддати тугаганидан сўнг, шахсни бир йил мобайнида қамоқда сақлаб турганлиги учун жавобгарликка тортилди.

Бирлашган Қироллик билан боғлиқ ҳолатга кўра, муқаддам судланган ушлаб турилган шахс уни гаров эвазига озод этиш тўғрисида илтимос

билан мурожаат қилган, бироқ илтимос ғайриихтиёрий равишда рад этилган. Бундай рад этиш қарори Бирлашган Қиролликнинг ички қонунчилигини бузиш ҳисобланган ва Европа суди томонидан миллий ҳукуматлар ушлаб туриш ва қамоққа олиш тўғрисидаги миллий қонунчиликка риоя этишлари лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилган. Кейинчалик ушбу шахсга товон пули берилган.

Туркияда шахс қамоққа олинди, унга нисбатан қийноқ қўлланилган. 14 кун мобайнида уни суд органларига олиб бормасдан, озод қилишган. Мазкур ҳолат юзасидан Европа суди 14 кун муддат шахсни шошилинч тартибда судга олиб келиш талабларига зид деб топиш тўғрисидаги қарор қабул қилиб, унинг оиласига товон пули тўланган.

Афтидан, Европа суди “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт билан амалий жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлган Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясига мувофиқ, шахснинг эркинлик ва дахлсизликка бўлган ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида Европа мамлакатлари риоя этишлари шарт бўлган “шошилинч тартибда” ва “оқилона муддат ичида” та-

лаблари деганда нимани назарда тутиши лозимлигини тушунтириш юзасидан аниқ қоидаларни белгилашга ҳаракат қилмоқда.

Европа судининг мазкур қарорлари мажбурий характерга эга бўлмасада, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактда назарда тутилган қоидаларни тушунишга ёрдам беради.

Мен имкониятим доирасида етарли даражада ноаниқ бўлган таърифларни тушунтиришга ҳаракат қилдим. Қисқа қилиб айтганда, хабеас корпус “сен тана билан ишлашинг лозим” деган маънони англатиб, унинг бугунги кунгача етиб келиши АҚШ Конституциясида мустаҳкамланганлиги натижасидир. Бироқ ҳибсга олинган ёки қамоққа олинган шахслар томонидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш жараёнлари тушунчаси бугунги кунгача етиб келганлиги мазкур ҳуқуқларнинг инсон ҳуқуқларининг асосий гуруҳлари сифатида эътироф этилишидир.

Аниқ ҳолатларни диққат билан ўрганиб чиқиш ва уларни изоҳлаш давлат ҳокимияти органи ва қонун чиқарувчилари учун жуда муҳимдир, чунки улар қонунларга риоя қилинишини таъминлашлари шарт.



## АННОТАЦИЯ

Статьи посвящены изучению защиты прав потерпевшего, ее практического применения, реализации мер по возмещению денежной компенсации потерпевшим, изучению презумпции невиновности и ее практического применения изучению применения института “Habeas Corpus Act”, его практической значимости, становления и его развитию, как в национальных законодательных актах различных стран, так и в международно-правовых актах.

## SUMMARY

The articles is devoted to researching sufferer rights defense, its operationalization, and realization of measures to money compensation for sufferers and devoted to researching presumption of innocence and its operationalization, to researching application of “Habeas Corpus Act” institution, its practical significance, its developing at national and foreign acts of legislation.

<sup>1</sup> <http://www2.ohchr.org/english/law/ccpr.htm>

<sup>2</sup> [http://www.echr.coe.int/NR/rdonlyres/K5CC24A7-KC13-4318-B457-5C9014916K7A/0/Convention\\_ENG.pdf](http://www.echr.coe.int/NR/rdonlyres/K5CC24A7-KC13-4318-B457-5C9014916K7A/0/Convention_ENG.pdf)

<sup>3</sup> <http://untreaty.un.org/cod/icc/statute/romefra.htm>

<sup>4</sup> <http://www2.ohchr.org/english/law/ccpr.htm>

<sup>5</sup> [http://www.echr.coe.int/NR/rdonlyres/K5CC24A7-KC13-4318-B457-5C9014916K7A/0/Convention\\_ENG.pdf](http://www.echr.coe.int/NR/rdonlyres/K5CC24A7-KC13-4318-B457-5C9014916K7A/0/Convention_ENG.pdf)

<sup>6</sup> [http://www.unodc.org/pdf/compendium/compendium\\_2006\\_part\\_03\\_02.pdf](http://www.unodc.org/pdf/compendium/compendium_2006_part_03_02.pdf)

<sup>7</sup> <http://www2.ohchr.org/english/law/ccpr.htm>

**Ваҳобжон КАРИМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги**  
**СВОЖЖДЛҚК департаменти бўлим бошлиғи, ю.ф.н.**

## ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ қилишнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги Қарорида кўзда тутилган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга ошириш Концепциясида<sup>1</sup> «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш таклифи илгари сурилган бўлиб, уни тайёрлашда бир қатор манфаатдор давлат органларининг назария ва амалиёт соҳасидаги мутахассислари қатори Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ходимлари ҳам қонунни ишлаб чиқилишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Юртбошимиз 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш зарурияти ҳақида гапириб, « ... ушбу қонуннинг мақсади тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилган бўлиб, демократик давлатларнинг умумэтироф этилган амалиётига мос келади ҳамда жиноятлар содир этилишининг дастлабки босқичларидаёқ уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш бўйича чораларнинг самарадорлигини, шунингдек, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат қилади»<sup>2</sup> деб таъкидлаган эдилар.

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши сўзсиз ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти сари қўйилган муҳим қадам бўлиб, у ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш вазифасини ўтайди ҳамда ушбу органлар ва уларнинг ходимлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик тизимидаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириши би-

лан ҳам аҳамиятлидир.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органларига берилган бўлиб, бошқа давлат органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар томонидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш тақиқланади.

Қонуннинг қабул қилиниши, бу соҳадаги муносабатларга ҳуқуқий муносабатлар мақомини бериш билан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Уни таҳлил қилиш мазкур соҳадаги ижтимоий муносабатлар турли хил ҳуқуқ тармоқларининг тегишли меъёрлари билан тартибга солинганлигини аниқлаб олиш имконини беради:

— жиноят ҳуқуқи, яъни қонуннинг 22, 23-моддаларидаги тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходими ва уларга қўмаклашаётган, уюшган жиноий гуруҳ, жиноий уюшма орасига уларни фош қилиш мақсадида киритилган шахс қонунда белгиланган тартибда қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, қонунга хилоф қилмишлари учун жиноий жавобгарликдан озод этилишига оид нормалар;

— жиноят-процессуал – қонуннинг 19-моддасидаги тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг далиллар сифатида эътироф этилиши мумкинлиги ҳақидаги нормалар;

— маъмурий — 15-модданинг 2-қисмидаги давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланиш ёхуд ўта муҳим ва тоифаланган объектларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ ишларга рухсат бериш; тезкор-қидирув фаолиятида иштирок этишга ёки ушбу фаолиятни амалга ошириш натижасида олинган материаллардан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисидаги нормалар;

— фуқаровий — 12-модданинг 3-қисмидаги юридик ёки жисмоний шахсларнинг розилиги билан уларга тегишли хизмат жойлари ва турар жойлардан, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкдан фойдаланишни назарда тутувчи нормалар;

— молиявий — 24-моддадаги тезкор-қидирув фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ нормалар ва ҳ.к.

Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат бўлиб, уларни аҳамиятига кўра қуйидаги тўрт даражага бўлиб кўриб чиқиш мумкин:

1. *Халқаро даража.* Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг субъекти эканлиги жиноятчиликка қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш аҳамиятини янада оширади. Бу соҳада Ўзбекистон Республикаси томонидан бир қатор давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро шартномалар, конвенциялар ва бошқа келишувлар (масалан, Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига, Трансмиллий уюшган жиноятчиликка, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Конвенцияларига кўшилган) имзоланди. Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар имзолаган бир қатор ҳужжатлар (масалан, Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий муносабатлар бўйича Конвенция (Минск, 1993йил 22 январь) жиноятчиликка қарши курашиш масалалари бўйича уларнинг ҳамкорлигини тартибга солиди.

2. *Конституциявий даража,* яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга, суд ҳокимиятига ва прокуратурага бағишланган нормалар, 121-моддадаги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатишини тақиқловчи, шунингдек қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари ҳақидаги нормалар.

3. *Қонунчилик даражаси,* авваламбор, мазкур қонун билан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги, “Прокуратура тўғрисида”ги, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва

қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар, шунингдек, Жиноят кодексидаги қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар, Жиноят-процессуал кодексидаги, Жиноят-ижроия кодексидаги ва Божхона кодексидаги нормалардан иборат.

4. *Қонуности ҳужжатлари даражасига,* Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, идоравий, идоралараро норматив ҳужжатлар ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг соҳага оид идоравий буйруқлари ва йўриқномалари киради.

Қонуннинг 4-моддасида тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифалари берилган бўлиб, унда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масаласи биринчи ўринга қўйилганлиги билан эътиборга моликдир. Шунингдек, 13-моддада тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг мажбуриятлари жумласига, авваламбор, “ўз ваколатлари доирасида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкни ҳимоя қилиш, шунингдек шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан барча зарур чораларни кўриши” талаби ўз аксини топган.

5-9-моддалардаги тезкор-қидирув фаолиятининг тўртта асосий принципларидан қонунийлик ва инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги принципларининг умум-ҳуқуқий, конституциявий принципларга мансублиги, ушбу ҳужжатнинг юксак демократик талабларга жавоб беришини англатади.

*Қонунийлик принципининг* моҳияти, ушбу фаолиятнинг қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинганлиги, тезкор-қидирув тадбирлари фақат жиноятчиликка қарши кураш вазифаларини ҳал этишга қаратилганлиги ва улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳамда ушбу қонунда назарда тутилмаган тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш тақиқланганлиги, мазкур тадбирлар қонунда белгиланган асосларга ва шартларга биноан ўтказилиши, унинг натижалари тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши, тезкор-қидирув юритувидаги ишларнинг рўйхати ва юри-тиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланиши ҳамда тегишли мансабдор шахслар томонидан зарур назорат таъминланишида ўз аксини топади.

*Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги принципи* бошқа асосий принциплар қатори алоҳида моддада берилган бўлиб, у тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифаларидан тартиб то тезкор-қидирув

тадбирлари ўтказиш шартларига қадар бўлган жараёни қамраб олади. Шу билан бирга, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида, айрим ҳолларда, фуқароларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги ҳуқуқларини чеклаш зарурияти юзга келади. Бу чекловлар мажбурий ва вақтинчалик тавсифга эга бўлиб, истисно тариқасида ва прокурор санкцияси асосида, фақат оғир ва ўта оғир жиноят аломатлари бўйича, қачонки бошқа йўللари билан зарур маълумотларни олиш имконияти бўлмаган ҳоллардагина қўлланилади.

Мазкур принцип яна фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг молмулки ҳамда атроф-муҳит хавфсизлигига дахл қилувчи тезкор-қидирув тадбирлари ўтказишни тақиқловчи нормаларни назарда тутди.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги ҳуқуқларини чекловчи тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳуқуқий давлат асосларига путур етказмайди, чунки инсон ҳуқуқи ва эркинликларини чекловчи нормалар бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам мавжуд бўлиб, 1948 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, 1950 йил 4 ноябрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашга оид” Европа конвенцияси ва бошқаларда қайд этилишича, “... бундай чекловларга фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади” деган талаб мустаҳкамланган.

Шунингдек, бу моддада «Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳамда уларнинг ходимлари инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузган тақдирда, мазкур органлар ва уларнинг раҳбарлари ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни тиклаш, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда айбдорларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўриши шарт» деган талаб қўйилган. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояси, *биринчидан*, уларнинг тегишли инстанцияларга шикоят қилиш имконияти орқали, *иккинчидан*, фуқаро мурожаат қилмаганда ҳам, тезкор-қидирув фаолияти устидан идоравий ва прокурор назорати жараёнида таъминланиши мумкин. 28-моддада бу каби инстанциялар сифатида юқори турувчи орган, прокурор ёки суд кўрсатиб ўтилган. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқи ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имконияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида ўз аксини топган. Мазкур модданинг 4-қисмида “Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шайни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас”, дейи-

лади ва бу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддаси ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг 17-моддасига ҳамроҳлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Қонуннинг 3-боби тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш масалаларига бағишланган бўлиб, уни қонуннинг ўзаги, асосий қисми дейиш мумкин. Ушбу боб саккизта моддани ўз ичига олиб, уларда ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларининг тўлиқ рўйхати, уларни ўтказиш учун асослар, ўтказиш шартлари, тезкор-қидирув фаолиятидаги чекловлар, фаолиятни ахборот билан таъминлаш ва тезкор-қидирув ишини юритиш, тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш, маълумотларни муҳофаза қилиш ҳамда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги қарорларнинг прокурор томонидан кўриб чиқиши тартиби белгиланган.

Тезкор-қидирув тадбирлари 16 та тадбирлардан иборат бўлиб, инсонларнинг конституциявий ҳуқуқи ва манфаатларига дахл қилиши мумкин бўлганлари фақат прокурор санкцияси асосида ўтказилади. Улар қаторига фуқароларнинг турар жойларини кўздан кечириш; почта жўнатмаларини, телеграф хабарларини ва бошқа хабарларни назорат қилиш; телефон орқали сўзлашувларни ва бошқа сўзлашувларни эшитиш; техник алоқа каналларидан ахборот олиш каби тадбирлар киритилган (16-модданинг 1-қисми). Бу каби тадбирлар истисно чоралар сифатида амалга оширилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 142, 143-моддаларига мувофиқ фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини ҳамда хат ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлар ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар зиммасига юклатилган вазифаларни самарали ҳал этиш юзасидан *мазкур фаолиятнинг натижаларидан исботлаш жараёнида фойдаланиш* масаласи ҳозирги пайтгача энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган эди. Бунинг асосий сабаби унинг қонун билан аниқ тартибга солинмаганлиги бўлиб, аксарият ҳолларда бу каби материаллар судлар томонидан далил сифатида кўриб чиқилмаслиги натижасида фаолиятни амалга оширувчи органлар бир қатор қийинчиликларга дуч келар эдилар.

Шу билан бирга, қонуннинг 19-моддаси 2-қисмида “Тезкор-қидирув фаолияти материаллари жиноят иши кўзғатиш учун асос бўлиши, жиноят иши ўз юритишида бўлган суриштирув, тергов органларига, прокурорга тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун тақдим этилиши, шунингдек бу материаллардан Ўзбе-

кистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси нормаларига мувофиқ жиноят ишлари бўйича исбот қилишда фойдаланилиши мумкин” деган талаб мустаҳкамланди. Мазкур модданинг 3-қисмида “Ушбу қонуннинг 16-моддасида назарда тутилган шартларга риоя этган ҳолда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг далиллар сифатида эътироф этилиши мумкин”лиги белгиланган. Яъни тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан жиноят процессида фойдаланиш учун, улар учта босқичдан ўтишлари лозим бўлади (далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш босқичлари). Ушбу масалалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87, 94 ва 95— моддаларида ўз аксини топган.

Шунингдек, ушбу модданинг 4-қисмида суриштирув, тергов органларига ва прокурорга тезкор-қидирув фаолияти натижаларини тақдим этиш тартиби белгиланган бўлиб, бу каби материалларнинг ҳажмини тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари белгилаши ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу модданинг 5-қисмига эса, “тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ходим ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида аниқланган жиноятни қасддан яширган тақдирда, белгиланган тартибда жавобгар бўлади” деган норма киритилган. Ушбу ҳолатлар, аксарият ҳолларда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қонунларни ижро этилиши устидан прокурор назорати жараёнида аниқланиши мумкин. Бунда шуни эътиборга олиш зарурки, айрим ҳолларда тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотларни жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларга тенглаштириш ҳолатлари ҳам юзага келиши мумкин. Бу моҳиятан тўғри эмас, чунки юқорида таъкидлаганимиздек, бу каби маълумотлар қонунда белгиланган тартибда текширилиб, баҳоланганидан сўнггина, улардан далил сифатида фойдаланилиши мумкин.

Амалиёт тезкор бўлинмалари фаолияти учун ҳозирги пайтгача долзарб бўлиб келган муаммолардан яна бири — бу тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга кўмаклашаётган шахсларнинг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш бўлиб, ушбу масала қонуннинг 23-моддасида ўз аксини топган. Унинг 1, 2-қисмларида ушбу шахслар давлат ҳимоясида эканлиги ҳамда қонунда белгиланган тартибда тақдирланиш ҳуқуқига эгаллиги, 3-5-қисмларига эса тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар, уларнинг ҳамда улар оила аъзоларининг ҳаёти, соф-

лиги ёки мол-мулкни таҳдидлардан ҳимоялаш чораларини кўришлари шартлиги, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда иштирок этиши билан боғлиқ ҳолда майиб ёки ҳалок бўлган тақдирда, уларга ёки уларнинг оила аъзоларига қонун ҳужжатларига мувофиқ бир йўла бериладиган нафақа тўланиши ҳамда пенсия тайинланиши тўғрисидаги нормалар киритилган.

Шунингдек, бу модданинг 6-қисмида уюшган жиноий гуруҳни, жиноий уюшмани фош қилиш мақсадида улар орасига киритилган шахс қонунда белгиланган тартибда қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатлар (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 36-41-моддалари) бўлганида қонунга хилоф қилмишлари учун жиноий жавобгарликдан озод этилиши белгилаб қўйилган.

Айрим хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигида бу каби шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш амалиёти мавжуд. Жумладан, Беларусь Республикаси Жиноят кодексининг 38-моддасида таъкидланишича, « ... агар жиноятларни олдини олиш ва фош этиш юзасидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ махсус вазифаларни бажараётган шахс, ушбу жараёнда жиноий гуруҳнинг бошқа аъзолари билан биргаликда қатнашиб, иложсиз равишда жиноят содир этишда қатнашса, жиноий жавобгарликка тортилмайди (шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига тажовуз қилиш билан боғлиқ оғир ва ўта оғир жиноят содир этиш бундан мустасно». Худди шу каби нормалар Украина (43-модда), Эстония (13.2-модда) ва бошқа давлатларнинг Жиноят кодексларида ҳам мавжуд. Америка Қўшма Штатларида Бош Атторнейнинг ФБР махсус операциялари бўйича Йўриқномаси асосида, уларга қуйидаги ҳолларда жиноят таркибини ташкил қилувчи жиноий ҳаракатларда иштирок этишга рухсат этилиши мумкин:

— гумон қилинувчиларни жиноий жавобгарликка тортиш учун дастлабки зарур ахборот ёки далилларни олиш учун;

— инсоннинг ҳаёти ёки соғлиғига дахл қилувчи хавфнинг олдини олиш ёхуд ушбу хавфни четлаб ўтиш мақсадларида<sup>3</sup>.

Қонуннинг қабул қилиниши билан муқаддам чекланган тавсифга эга бўлган мазкур фаолият устидан жамоатчилик ва прокурор назоратини ўрнатиш масалалари сезиларли кенгайди. Бунда жамоатчилик назорати учун зарур бўлган, авваламбор, мазкур фаолиятни амалга оширилиши ҳақида аҳоли хабардорлиги таъминланган бўлса, иккинчи томондан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг қарорлари, улар ходимларининг ҳаракатлари устидан тегишли инстанцияларга шикоят қилиш имконияти мустаҳкамлаб қўйилганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

27-моддада тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қонунларни ижро этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши белгиланган. Бу соҳадаги прокурор назорати тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ўтган асрнинг 60-70 йилларида собиқ иттифоқ Бош прокурорининг бир қатор буйруқларида бўйсунувчи прокурорларга тезкор-қидирув фаолиятига аралашуш қатъий тақиқлаб қўйилган эди. Ушбу муҳим масала мустақилликка эришилганидан сўнггина, яъни 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасида прокурорнинг ваколатлари қаторидан жой олди<sup>4</sup>.

Мазкур модданинг 2-қисмида прокурорлар ўзларига тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллардаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлашлари тўғрисидаги талаб мустаҳкамланган. Фикримизча, бу талаб ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

ҳамда уларда прокурорлардан ташқари суриштирувчи, терговчи ва судьяларнинг ҳам масъулиятини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 162-моддасида давлат сирларини ошкор қилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Умуман олганда, ушбу қонун қабул қилиниши билан боғлиқ масалалар қўлама улканлиги эътиборга олиниб, у расмий эълон қилинган кундан эътиборан ўн икки ой ўтгач кучга кириши белгиланган. Шу муносабат билан қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг оммага тарғиб қилиш ва фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш бўйича тадбирларни келгусидаги вазифаларимиз қаторига киритишимиз лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонуни халқаро нормаларга ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ҳамоханг ишлаб чиқилган бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш бўйича умумэтироф этилган жаҳон андозаларига тўлиқ мос келади.



## АННОТАЦИЯ

*В статье проведен анализ норм недавно принятого Закона Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности». В частности, обсуждены актуальные вопросы обеспечения прав и законных интересов личности при проведении оперативно-розыскных мероприятий, использования результатов оперативно-розыскной деятельности в уголовном процессе, а также проблемы социально-правовой защиты лиц, содействующих органам, осуществляющим оперативно-розыскную деятельность.*

## SUMMARY

*In article, have been analyzed standards of recently passed "Operational Search Law" of Republic of Uzbekistan. In particular, have been discussed questions of present interest about ensuring of the rights and legitimate interests of personality at conducting operational search measures, using results of operational search activity at criminal procedure, and problems of social and legal defense of individual, assisting authorities, that conduct operational search activity.*

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПП-24-сонли «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ қилишнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги Қарори.

<sup>2</sup> Қаранг: И.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси //Халқ сўзи, 2010 йил 16 ноябрь.

<sup>3</sup> Тўлиқроқ қаранг: Каримов В. Тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни таъминлашнинг ҳуқуқий, тарбиявий ва ташкилий жиҳатлари. – Т., 2011. – 93-97 б.

<sup>4</sup> Қаранг: Пулатов Б.Х. Прокурор назорати. – Т., 2009. – 219 б.

## ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА СОЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИ ВА ЖИНОЯТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШ АМАЛИЁТИ

Солиқ тўлаш мажбуриятига эга бўлган шахслар томонидан ҳақиқатда олинган даромадларнинг яширилиши ҳамда солиқларни тўлашдан бўйин товланиши ҳар қандай давлатнинг бюджетига, пировардида эса иқтисодиётига ҳам катта зарар етказувчи омиллардан бири бўлганлиги боис, ҳар қандай давлатда бундай ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Айниқса, иқтисодий жиҳатдан ривожланган хорижий давлатларда охириги ўн йилликнинг — “солиқ портлаши” даври, деб аталиши ҳам бежиз эмас. Чунки “соя остидаги иқтисоднинг” тобора ривожланиши, молиявий ва солиқ ҳуқуқбузарликларининг кенгайиши сабабли, давлатларда кучайтирилган солиқ сиёсати амалга оширилмоқда. Кўпгина мамлакатларда давлат хизматчиларининг мансаб суиистеъмолчиликлари ва коррупцияси кенгайиб бормоқда, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш эса иқтисодий жиноятларнинг кенг тарқалган турларидан бирига айланмоқда.

Аксарият ғарб мамлакатларининг солиқ қонунчилиги ўзининг аниқ ишланмаларига (меъёрларига) эга эканлиги, барча ҳолатларнинг назарда тутилганлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, уларнинг ҳуқуқ тизимида солиқ ҳуқуқи муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур давлатлар солиқ қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, унда айбсизлик презумпцияси тамойили назарда тутилмаган, солиқ ишлари судда кўриб чиқиладиган вақтда далилларни тақдим этиш “юки” солиқ тўловчилар зиммасига юкланган. Бундан ташқари, айбланувчи (гумонланувчи) суд муҳокамаси даврида унга қарши фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларни тақдим этишдан воз кечиш ҳуқуқига эга эмас. Бундай ҳуқуқий меъёрларни АҚШ, Франция, Германия, Швецария ва бошқа мамлакатлар қонунчилигида кўришимиз мумкин.

Масалан, солиқ декларациясини тўлдириш вақтида солиқ тўловчи нафақат ўзининг оилавий аҳволи тўғрисида, балки соғлиғининг аҳволи, турли хилдаги жамоат ва сиёсий ташкилотларда ўтка-

зиладиган тўловлар тўғрисидаги, шунингдек, солиқ органларига зарур бўлган бошқа маълумотларни тақдим этиши керак. Бу давлатлар суд амалиётининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, молия ва солиқ соҳасидаги кўпгина ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар томонларнинг олдиндан тил бириктириши орқали амалга оширилади.

Хорижий мамлакатларда фискал хизматлар (молия, ғазначилик, солиқ ва бошқа органлар) назорат фаолияти соҳасида жуда кенг ваколатларга эгадир. Масалан, солиқ органлари даромадлар тўғрисидаги декларацияда кўрсатиб ўтилган маълумотларга қониқиш ҳосил қилмаса, солиқ тўловчидан ҳар қандай маълумотни талаб қилиб олиш ёки бир неча йиллардаги молиявий ҳужжатларни кўриб чиқиш учун тафтишларни тайинлаши мумкин. Тафтиш натижасида Швецарияда — 3 йил, АҚШда — 5 йил, Германияда (қасдан яширишга гумон бўлса) — 10 йил ичидаги солиқ миқдорлари қайта кўриб чиқиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, хорижий мамлакатларда солиқ органлари томонидан солиқ тўловчилар маблағларининг айланиши устидан самарали назорат олиб бориш учун фақатгина нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг ривожланганлиги имконият яратди. Жумладан, АҚШ, Германия, Англия, Франция, Япония ва Канада каби давлатларда ҳисоб-китоблар пластик карточкалари орқали амалга оширилади. Бундай шароитда ҳар қандай нақд пулсиз ҳисоб-китоб (чек, кредит карточкаси, пул кўчириш, акция, облигация ва ҳ.к.) автоматлаштирилган компьютер тўлов тизимида ўзининг “изини” қолдиради. Бу ҳолат, кўпгина мутахассисларнинг фикрича, “соя остидаги иқтисод” соҳасидаги молиявий маблағларнинг айланишига, солиқларни тўлашдан бўйин товлашга тўсқинлик қилади.

Мамлакатимизнинг солиқ солиш тизимидаги ҳуқуқий ислохотларни олиб бориш жараёнига, фикримизча, хорижий давлатларда солиқ ҳуқуқбузарликлари ва жиноятларига қарши курашиш

амалиёти ва тажрибасининг баъзи бир томонларини қўллаш мумкин. Жумладан:

— солиқларни ундириш тизимини автоматлаштириш, шунингдек, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш;

— тадбиркорларнинг ишчанлик ва қониқарли молиявий ҳолатга эга эканлигини белгилаш. Хорижий давлатларда солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлик фактининг ёки солиқ идоралари билан тадбиркор ўртасида маълум бир муаммоларнинг бўлиши, тадбиркорлик фаолиятининг кейинги ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади, бизнес бўйича ҳамкорларнинг ишончсизлигини юзага келтириши мумкин;

— солиқ хизмати ва ҳуқуқни муҳофоза қилиш органлари амалиётини тизимлаштириш, уларни техник жиҳатдан яхши таъминлаш, тадбиркорлар ва хўжалик юритувчи бошқа субъектлар ўртасида уларнинг обрў-эътиборини оширишга қаратилган тадбирларни олиб бориш;

— солиқ қонунчилигида барча ҳолатларнинг ўз ифодасини топган бўлиши. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида кўпгина ҳолатлар аниқ кўрсатиб ўтилмаганлиги сабабли, тур-

лича талқин қилинишларини келтириб чиқармоқда;

— солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун юридик шахсларнинг масъул мансабдор шахсларини маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш. Тўғри, юридик шахс қонунчилигимизга биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноятнинг субъекти бўла олмайди. Лекин, шу ҳолатга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимки, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ҳамма вақт ҳам юридик шахснинг раҳбари ёки маълум бир мансабдор шахс манфаатини кўзлаб эмас, балки юридик шахс манфаатини кўзлаб содир этилган бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабли, юридик шахс ҳаракатини (унинг мотивини) тўғри баҳолаш, қасд масаласини аниқлашда ва қилмишни тўғри таснифлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ўзбек қонунчилиги бўйича солиқ ҳуқуқбузарликлари ва жиноятлари учун қўлланиладиган санкцияларнинг одолатлилиги ёки адекватлиги уларни тизимлаштириш ёки либеллаштириш, биринчи навбатда, солиқ тўловчиларнинг солиқ маданиятини юксалтиришга қаратилгандир.



#### **АННОТАЦИЯ**

*В статье раскрывается опыт зарубежных стран в борьбе с налоговыми правонарушениями. На основе изучения зарубежного опыта автором приводятся те направления, которые могут быть использованы в национальной практике борьбы с налоговыми правонарушениями.*

#### **SUMMARY**

*In article, is being disclosed experience of foreign countries in combat with tax violations and crimes. On base of researching of experience of foreign states, author cites areas, that can be used in national practice of combat with tax violations and crimes.*

## ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги мақсад ва вазифаларга эришишнинг бир қанча усул ва механизмлари яратилди. Чунончи, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг янги ҳуқуқий асосларига кўра, жамиятнинг атроф-муҳитга тааллуқли иқтисодий манфаатлари билан атроф-табиий муҳит муҳофазаси заруриятлари ўртасида тегишли мувозанат ўрнатилди. Шунингдек, Ўзбекистонда истиқомат қиладиган ҳар бир инсоннинг экологик ҳуқуқлари кафолатланган ҳамда давлатнинг экологик масъулияти белгиланган.

Шуни таъкидлаш керакки, қабул қилинган қонун ҳужжатларини тегишли тарзда ижро этиш, жамият ва табиат ўртасидаги мувозанатни ва инсон экологик ҳуқуқларини таъминлашда биргина давлатнинг саъй-ҳаракатлари камлик қилади. Бунда, албатта, аҳолининг фаол иштироки, энг муҳими, уларнинг юксак ҳуқуқий маданияти бўлиши лозим.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида амалга ошириладиган барча чоралар билан бир қаторда аҳолининг экология соҳасидаги қонун ҳужжатларини билиши ва у ижросида фаол иштирок этишлари катта аҳамият касб этади.

Экология соҳасидаги қонун ҳужжатларини тегишли тарзда таъминлашда аҳолининг иштироки тўғрисида сўз борганда, экологик ҳуқуқий маданият ва уни юксалтириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам ҳозирги пайтда экологик ҳуқуқий маданият жамият ва табиат ўзаро муносабатларида ҳамда инсонларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлашда жуда долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Экологик-ҳуқуқий маданият масаласининг долзарблиги унга тааллуқли тушунчаларни аниқлаш ва тавсифлаш, уни юксалтиришнинг ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа жиҳатларини нафақат тадқиқ

қилиш, балки қайта кўриб чиқиш ва янгилаш заруриятини келтириб чиқаради.

Экологик ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласи кўтарилганда, бизнингча, дастлаб шу мавзуга тегишли тушунчаларни аниқлаш ва таърифлаш лозим бўлади. Демак, “экологик ҳуқуқий маданият” ифодасининг туб мазмун-моҳиятида қандай маъно бор? Унинг тушунчаси амалдаги қонун ҳужжатларида акс эттирилганми? Мазкур ифоданинг назарий-ҳуқуқий тушунчаси амалда мавжуд бўлган тушунчаларга тўғри келадими? Бундай саволларга жавоб беришдан олдин умумий маънодаги “ҳуқуқий маданият” тушунчасини кўриб чиқамиз.

Ҳуқуқ назарияси фани вакилларининг фикрича, «ҳуқуқий маданият» деганда, шахс ва жамиятнинг ижтимоий тизим сифатида мавжуд бўлган ва давлатнинг кучи билан таъминланадиган ҳуқуққа нисбатан муносабати<sup>1</sup> тушунилади. Ҳуқуқий маданият ҳуқуққа нисбатан ҳурматда бўлиш, инсоният томонидан ҳуқуқ соҳасида тўпланган барча ижобий, мақбул ҳолатлардир.<sup>2</sup>

Маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий қадриятлар тизими сифатида экологик-ҳуқуқий маданият ҳуқуқий ҳолат ривожининг эришилган даражасида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, ҳуқуқий онгда ўз ифодасини топади.

Ҳар бир фуқарога нисбатан олганда, экологик ҳуқуқий маданият ушбу соҳадаги ҳуқуқни билиш ва тушуниш, унинг кўрсатмаларини онгли равишда бажаришдир.

Экологик-ҳуқуқий маданият профессионал ҳуқуқий маданиятнинг бир тури бўлиб, у қонунлар ва қонуности ҳужжатларини, шунингдек, ҳуқуқ манбаларини чуқур, кенг кўламли ва расмийлаштирилган даражада билиш, ҳуқуқ принциплари ва ҳуқуқий тартибга солиш вазифаларини тўғри тушуниш, ҳуқуқий кўрсатмалар, қонунийлик тамойилларига қатъий ва аниқ риоя этган ҳолда

хуқуққа ва уни қўллаш амалиётига профессионал муносабатда бўлиш, яъни хуқуқни юксак даражада эгаллашдир. Бироқ мамлакатимиздаги «Профессионал юристларнинг хуқуқий тайёргарлигидаги жиддий камчиликлар, улар томонидан кўпинча йўл қўйилаётган хуқуқий принципсизлик, турли хуқуқбузарликларга нисбатан кўнгилчанлик қилиш, ишда ва хулқ-атворда маданият даражасининг пастлиги, давлат, жамият ва айрим фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда қонунийликни бузиш ҳоллари алоҳида ташвиш тўғрисида»<sup>3</sup>.

Экологик-хуқуқий маданият миллий ва умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми сифатида ўзига нисбатан ғамхўрларча муносабатга, ўзининг минтақавий ва дунё миқёсидаги, синфий, умумижтимоий, миллий, умуминсоний барча таркибий қисм ва бўлақларини асрашга, уларнинг кўпайтириб борилишига муҳтождир.

Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, экологик хуқуқий маданият маданиятнинг бошқа соҳа ёки тармоқлари — сиёсий, ахлоқий, эстетик, диний тармоқлар билан ўзаро боғлиқликда мавжуд бўлади. Шунинг учун экологик хуқуқий маданиятнинг ўзига хос мазмунида, албатта, умумий маданиятнинг ҳам, унинг алоҳида соҳаларининг ҳам хусусиятлари ва жиҳатлари намоён бўлади. Шу муносабат билан олганда, маданият барча йўналишларининг ўзаро алоқадорлиги муҳим роль ўйнайди. Дарҳақиқат, демократик давлат шароитида шахснинг қонунга итоаткор хулқ-атворини таъминлаш ишини бир вақтнинг ўзида ҳам ахлоқий, ҳам экологик-хуқуқий онг орқали амалга ошириш зарур бўлади. Рус хуқуқ назариётчиси Иван Ильин бу ҳақда образли қилиб, шундай ёзганди: «Соғлом хуқуқий онгга эга бўлган одам эркин хуқуқ субъектидир; у содиқлик, (қонунга) итоаткорликка интилади. У ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам ваколатлари, мажбуриятлари ва тақиқларига риоя эта олади; у хуқуқ-тартиботнинг, ўзини ўзи бошқаришнинг, армия ва давлатнинг жонли таянчидир.

Хуқуқий онгдан маҳрум одам ҳайвонга ўхшайди ва ўзини бўридай тутати. Фақат қўрқув тўғрисидаги итоаткор бўлган одам қўрқув йўқолиши билан бўрига айланади. Масъулият ва орномус тўғрисида эга бўлмаган одам на шахсий, на ижтимоий ўзини ўзи бошқаришга қобилиятли эмас, шунинг учун демократияга ҳам ярамайди.

Халқда соғлом хуқуқий онг бўлмаса, у ҳолда демократик тузум суиистеъмолликлар ва жиноятлар ғалвирига айланади. Бебурд ва суллоҳ одамлар сотқин бўладилар, бир-бирларининг бу камчиликларини биладилар ва бир-бирларининг айбларини яширадилар, одамлар хоинлик қилиб,

шундан бойлик орттирадилар ва буни «демократия» деб атайдилар»<sup>4</sup>.

Хуқуқий давлатни ривожлантириш жараёнида давом этаётган республикаимизда экологик-хуқуқий маданиятни шакллантиришга катта эътибор берилмоқда.

Бу борада мамлакатимизда кўпдан-кўп ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз Президентининг «Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, хуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида юристлар малакасини ошириш Марказини ташкил этиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Шу билан бирга, биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида «Жамиятда хуқуқий маданиятини юксалтириш Миллий дастури» қабул қилинди. Унда аҳолининг барча қатламлари хуқуқий саводхонликка эга бўлиши, хуқуқий онгнинг юксак даражасига эришиши, кундалик ҳаётда хуқуқий билимларни қўллаш олиши, хуқуқий маданиятни шакллантиришнинг ёппасига қамраб олувчи доимий ишлайдиган тизимини яратиш каби масалалар кўзда тутилади. Бу борада ўтган давр мобайнида шу йўналишда анча ишлар амалга оширилди.

Экологик-хуқуқий маданиятнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида гап кетганда, авваламбор, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, у фуқаролик жамияти маданиятининг узвий бир қисми бўлиб, амалда табиат бойликларидан самарали фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш функциясини бажаради.

Жумладан, экологик-хуқуқий маданиятнинг концептуал мазмунини очиб берувчи алоҳида жиҳатни ҳам ажратиб кўрсатиш лозим. Бу, ҳеч шубҳасиз, унинг ўзаги муайян билимларнинг шунчаки йиғиндиси бўлмай, балки ғоявий кўрсатмалар, фуқаролик фаолияти кўникмалари, хулқ-атворнинг барқарор андозалари эканлигини таъкидлаш лозим.

Экологик-хуқуқий маданият шахс камолотининг муайян бир сифат поғонасини билдиради. У ўз доирасига ғоявий савия (билим ва тафаккур маданияти, ижтимоий тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш, янги ижтимоий ҳодисаларни аввалги тўпланган билимлар асосида ижодий англаш қобилияти), ҳиссий-руҳий даража (билимларнинг ҳақиқийлигига бўлган ишонч) ҳамда фаол хулқ-атвор даражасини қамраб олади.

Экологик-хуқуқий маданият функцияларини яхлит бирликда олиб қараш, хуқуқий маданият тизими тўла уйғунликдан иборат ва унда ҳамма нарса аъло даражада тартибга солинган экан,

деган тасаввурни туғдирмаслиги керак. «Узоқлашиш» — бутун ижтимоий-сиёсий адабиётларда кенг тарқалган бу атама, маълум бўлишича, ҳозирги жамиятда четлашиш муаммосига ҳам қўлланилса бўлади. Жамиятимизда унинг анча қисми ижтимоий ҳаётда қатнашишдан йироқлашиши кузатилмоқда. Албатта, одамлар турли сабабларга кўра, ўта бандликлари туфайли, умумий сусткашлик сабабли, ниҳоят, ҳуқуқий тизимнинг амал қилишида фаол қатнашиш учун уни яхши тушунмасликлари боис ижтимоий ҳаётда фаоллик кўрсатишни рад этишлари мумкин.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётдан узоқлашишни инкор этиш жараёни ҳали ниҳоясига етганича йўқ. Кўп йиллик кечмишнинг тарихий фаолиятсизлигига ҳали барҳам берилганича йўқ. Бу эса янги ҳуқуқий маданиятни шакллантириш жараёнида жамият дуч келаётган зиддиятлар тўғрисида янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда.

Маълумотларга қараганда, экологик-ҳуқуқий маданият инсонга ўз-ўзидан келмайди. Инсон ҳам,

жамият ҳам, давлат ҳам юксак экологик-ҳуқуқий маданиятга эга бўлган шахсни тарбиялаш учун кўп куч-ғайрат сарфлашлари керак. Зеро, юксак экологик-ҳуқуқий маданият — нафақат ҳуқуқий тизим етуқлигининг, балки табиат ва жамият ўзаро алоқаларининг юксак маънода идрок этилганлигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда ба тартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Айни чоғда экологик-ҳуқуқий маданият умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, у умумий маданиятнинг шунчаки бир қисми эмас, балки унинг ўзаги, туб негизи ва асосидир. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга фақат ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш орқалигина эришиш мумкин.



### АННОТАЦИЯ

*В статье рассматриваются вопросы повышения правовой культуры в области экологии. Автор обращает внимание на соответствующие экологические проблемы и приводит меры по их решению.*

### SUMMARY

*In article, are being considered questions of increasing of legal culture in sphere of ecology. Author pays attention to appropriate ecological problems and cites measures of their solutions.*

<sup>1</sup> Общая теория государства и права. Академический курс. Т.3. 3-е издание. // М.: Издательство Норма, 2010. С. 503.

<sup>2</sup> Абдулаев .И. Теория государства и права.// СПб.: Питер, 2003. С. 179.

<sup>3</sup> Ҳалилов Э. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий оннинг ўрни. Т, «Ўзбекистон», 1997, 9-10-бетлар.

<sup>4</sup> Ильин И.А. О грядущей России. М., 1993, 31-32-бетлар.

**Шухратжон ҲУСАИНОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги**  
**СВОЖЖДЛҚК департаменти бўлим бошлиғи**  
**Улуғбек МАМАРАЖАБОВ,**  
**СВОЖЖДЛҚК департаменти катта суриштирувчиси**

## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИНГ РОЛИ

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида эркин иқтисодий зоналар ташқи иқтисодий фаолиятни комплекс тараққий эттириш ва мамлакатни халқаро интеграция жараёнига жалб этишнинг синовдан ўтган муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

Эркин иқтисодий зоналар кўплаб мамлакатларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган. 1990 йилларнинг ўрталарида дунёнинг деярли барча мамлакатларида 800 дан 1200 тагача эркин иқтисодий зоналар фаолият олиб борган бўлиб, уларда 27 млн.га яқин ишчилар банд бўлган. Ҳозирги кунда 3000 дан ортиқ эркин иқтисодий зоналарнинг фаолият юритиши натижасида, уларда 68 млн.га яқин ишчилар ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунида эркин иқтисодий зона минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуд сифатида эътироф этилади.

Дунёда эркин иқтисодий зоналар ва уларнинг назарий концепциялари турли-туман бўлса-да, мазкур зоналарнинг туб моҳияти мамлакатнинг муайян қисмида товар ва хизматларни олиб кириш ва олиб чиқишнинг божсиз ёки имтиёзли режимига, солиқ имтиёзларига, соддалаштирилган маъмурий процедураларга, чет эл инвестицияларини жойлаштириш учун имтиёзли шароитларга эга бўлган ва жаҳон бозори билан чамбарчас боғлиқ ҳудудни яратишдан иборат.

Эркин иқтисодий зоналарнинг самарали фаолият кўрсатиши учун энг муҳим шартлари қуйидагилардан иборат.

— мамлакатдаги сиёсий барқарорлик қулай инвестицион муҳитни яратади ва хорижий сар-

мойларни жалб этишда зарур омил ҳисобланади;

— хорижий ва маҳаллий сармоядорларнинг ҳуқуқларини кафолатлайдиган фаолиятни рағбатлантирувчи, яхши ишлаб чиқилган қонунчилик базасининг мавжудлиги;

— ривожланган инфратузилма (ишлаб чиқариш ва тижорат инфратузилмасининг) мавжудлиги;

— табиий-географик муҳит;

— махсус имтиёзли иқтисодий механизм, барқарор қонунчилик базаси ва турли ташкилий процедураларнинг соддалаштирилиши туфайли хорижий ва миллий капитал жалб қилинади;

— мамлакат ва минтақа бюджетига валюта тушуми ошади;

— зона доирасида миллий ресурсларни муҳасаммалаш ҳисобига қолоқ минтақалар ривожланади;

— аҳоли бандлиги ошади ва бу билан янги иш ўринлари барпо этилиб, ишсизликка қарши курашилади;

— жаҳоннинг илғор тажрибаси, илғор хорижий технологиялар ҳамда хорижлик олим ва мутахассислар жалб қилиниши ҳисобига менежмент маданияти юксалади;

— юқори сифатли халқ истеъмоли товарларига бўлган эҳтиёж қондирилиб, ички бозор тўлдирилади.

Эркин иқтисодий зоналарнинг самарали фаолият кўрсатиши учун энг зарур шартлардан бири бўлган қонунчилик базасига эътибор қаратар эканмиз, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Мазкур қонун эркин иқтисодий зоналарнинг самарали фаолият юритишининг ҳуқуқий жиҳатларини, яъни эркин иқтисодий зоналарнинг ҳуқуқий тартиботи, эркин иқтисодий зонани бошқариш, унда чет эл элементи билан мураккаб-лашган субъектлар хорижий инвесторлар, тад-

биркорлар ва маҳаллий юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг кафолатларини тўлиқ камраб олган.

Эркин иқтисодий зона мамлакат иқтисодиёти-ни комплекс тарзда ривожлантирадиган ва унинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини таъминлайдиган, алоҳида имтиёзлар мажмуини ўз ичига олган, ўзига хос тартиботга эга бўлган, чет эл элементи билан мураккаблашган турли хилдаги ҳуқуқий муносабатлар амалга ошириладиган, давлатнинг иқтисодий ва географик жиҳатдан қулай ҳудудида ташкил этиладиган махсус ажратилган ҳудуддир. Эркин иқтисодий зонада барча корхона-резидентлар (аъзолар) имтиёзли шароитда хўжалик фаолиятини юритиб, қуйидаги турларга бўлиниши мумкин:

**Эркин савдо зоналари** — турли давлатларнинг махсус қонунлари билан савдони жонлаштириш, савдо олди-сотди ишларини тезлаштириш, савдо тўсиқларини қисқартириш мақсадида ташкил қилинади. Бу зоналар чекланган ҳудудда фаолият юритиб, уларда хўжалик фаолияти, шу жумладан, ташқи иқтисодий фаолият кўрсатиш учун имтиёзли шароитлар ўрнатилган.

Масалан, АҚШда мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатадиган эркин чегара зоналари умумий йўналишдаги зоналарга ва махсус (субзона) зоналарга бўлинади. Умумий йўналишдаги зоналарнинг майдони катта бўлмайди (бир неча км<sup>2</sup>) ва улар миллий божхона ҳудудидан ташқарида жойлашади. Уларда олиб келинган товарларга ишлов бериш ва жойлаштириш ишлари амалга оширилади (қадоклаш, саралаш, белги қўйиш ва ҳоказолар).

Энг содда эркин савдо зоналарига йирик халқаро аэропортларда жойлашган «дьюти фри» махсус савдо дўконларини мисол қилиб келтириш мумкин.

**Саноат-ишлаб чиқариш зоналарига** нафақат товар, балки капитал (маблағ) ҳам олиб кирилиб, савдо билан бирга ишлаб чиқариш фаолияти ҳам амалга оширилади. Саноат-ишлаб чиқариш зоналари ҳудудида махсус бож шароити ташкил этилиб, у ерда сезиларли солиқ ва молия имтиёзлари берилади.

**Техник татбиқ этиш зоналарида** тадқиқот, лойиҳа, илмий-ишлаб чиқариш фирмалари тўпланади ҳамда уларда солиқ ва молия имтиёзларининг ягона тизимидан кенг фойдаланилади. Техник татбиқ этиш зоналари АҚШда техномажмуа, Японияда технополис, Хитойда янги ва юқори технологияларнинг ривожланиш зоналари, деб номланади.

Масалан, АҚШдаги жаҳонда машҳур, Кремний водийси техномажмуасида дунё бўйича компьютер процессорларининг 20 фоизи ишлаб чи-

қарилиб, 20 мингга яқин ишчи фаолият кўрсатади.

**Сервис (хизмат кўрсатиш) зоналари** — турли молиявий, иқтисодий, суғурта ва бошқа хизматлар кўрсатадиган, имтиёзли тартибда тадбиркорлик фаолиятини юритадиган фирма ва ташкилотларни ўзида жамлайди.

**Сервис зоналари** — қаторига оффшор зоналар ва солиқ бекатлари кириб, тадбиркорларни қулай валюта, молия, банк шароитлари, юқори даражадаги банк ва тижорат махфийлиги, давлат томонидан бериладиган имтиёзлари билан ўзига жалб этади.

Оффшор зонада рўйхатдан ўтган, солиқ ва бошқа турдаги имтиёзларни олиш учун интиляётган компанияга қўйиладиган асосий талаб — бу оффшор марказида жойлашган мамлакатнинг резиденти (вакили) бўлмаслиги ҳамда ўша ҳудуддан фойда олмаслигидир. Солиқ бекатларининг оффшор зоналардан фарқи шундаки, солиқ бекатида ҳамма фирмалар (маҳаллий ва хорижий) барча ёки айрим фаолият турларига солиқ имтиёзлари берилади. Ҳозирги пайтда дунёда 300 дан ортиқ оффшор марказлар мавжуд бўлиб, улардан 70 га яқини солиқ бекатлари ҳисобланади.

Лихтенштейн, Панама, Норманд ороллари, Мэн (Британия) ороли, Антиль ороллари, Гонконг, Мадейра, Либерия, Ирландия, Швейцария каби давлатларда оффшор компаниялар анчадан бери фаолият кўрсатиб келаётган бўлса, охириги ўн йилликда Мальта, Маврикий, Фарбий Самоа, Исроил, Малайзия (Лабуан о.) ва бошқа давлатларда ҳам пайдо бўлган.

Оффшор зонадаги саноат, савдо, банк, солиқ ва бошқа компаниялар солиқлардан тўлиқ озод этилади (Ирландия, Либерия) ёки катта миқдорда бўлмаган солиқ тўлайди (Лихтенштейн, Антиль, Панама, Мэн ороли ва бошқа).

Оффшор бизнеси одатда, банк ва суғурта соҳаларида, денгиз кемачилигида, кўчмас мулк билан ўтказиладиган операцияларда, экспорт-импорт операцияларининг барча турларида, консалтингда амалга оширилади. Мутахассисларнинг баҳолашича, оффшор бизнес соҳасида ишлатиладиган капитал 500 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, бунда 2 млн. омонатчи (юридик ва жисмоний шахслар) қатнашади ҳамда ҳар йили бир неча минг янги компаниялар рўйхатдан ўтиб, оффшор фаолиятининг ҳажми ошиб бормоқда.

Шу билан биргаликда, айрим оффшор зоналар «ноқонуний даромадларни»ни легаллаштириш ва турли банк найранглари ўтказиш учун ҳам хизмат қилади.

**Комплекс зоналар** — бошқа маъмурий ҳудудларда ўрнатилган хўжалик фаолиятдан фарқли равишда, махсус имтиёзлар бериш орқали ташкил этилади.

Комплекс эркин иқтисодий зоналар бошқала-

ридан ишлаб чиқариш ҳажмининг юқорилиги ва кенг қўламли фаолият кўрсатиши билан фарқланади. Комплекс эркин иқтисодий зонага Бразилиядаги «Манаус» зонасини мисол қилиб келтириш мумкин. Улар саноати ривожланган мамлакатларнинг қоқоқ туманларида ташкил этилади.

Жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорида харидоригир бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги 4059-сонли Фармони қабул қилинган.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасини ташкил қилишда, Ўзбекистон Республикасининг Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари, Яқин Шарқ ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг йирик регионал бозор савдо йўллари чорраҳасида қулай жойлашганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Бугун Навоий вилоятининг Кармана туманида истиқболли лойиҳалар асосида бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жанубий Корея, Сингапур, Ҳиндистон, Хитой ва Бирлашган Араб Амирликлари каби мамлакатларнинг йирик ишлаб чиқариш компаниялари билан биргаликда улар томонидан киритилган сармоялар асосида ташкил этилган, LCK мониторлари, компьютер, турли хил дисплей, энергия тежовчи ёриткичлар, автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар, тиббиёт буюмлари, дори-дармонлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ўндан ортиқ қўшма корхоналар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Масалан, 2010 йилда ташкил этилган Ўзбекистон-Корея «TELECOM INNкVATIkNS» қўшма корхонасига 2875347,3 АҚШ доллари миқдорида хориж сармояси киритилиб, рақамли телефон-

лар учун тўлқин қабул қилувчи тюнерлар, AKSL ва KSLAM жиҳозлари каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Шунингдек, автомобил, темирйўл ва ҳаво йўлларининг муҳим чорраҳасида жойлашган Навоий шаҳри аэропорти негизида ташкил этилган Халқаро логистика маркази Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларини Марказий ва Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ҳамда Европа қитъаси мамлакатлари билан боғлайди. «Навоий» аэропортидан Сингапур, Дехли, Бангкок, Франкфурт, Милан каби ўнлаб йирик шаҳарларга ҳаво қатнови йўлга қўйилган.

«Навоий» аэропорти юк терминали иш фаолиятини 2010 йилнинг август ойидан бошлаган. Жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган технологиялардан фойдаланилаётганлиги сабабли, юк терминали ҳар қандай об-ҳаво шароитида 1000 тоннадан ортиқ юкни сақлаш ва қайта ишлаш имкониятига эга бўлиб, самарали тарзда экспорт, импорт ва транзит юкларига хизмат кўрсата олади. Ҳозирги кунда ушбу технологиялардан «KoreanAir» ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК авиакомпаниялари фойдаланмоқда. Юк терминали бошқа авиакомпанияларига ҳам хизмат кўрсатиб келмоқда.

Қадимий Кармана «Буюк ипак йўли»нинг кесишган нуқтасида барпо этилганлиги, халқаро E-40 автомагистралининг мавжудлиги ҳамда халқаро ҳаво йўлаги жойлашганлиги туфайли ҳудуд айнан шу ерда барпо этилган.

Шунга кўра, Президентимизнинг Фармони билан Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилиши Осиё мамлакатларини Европа қитъаси мамлакатлари билан боғлашдан ташқари, маҳаллий хомашё ресурслари асосида ташқи бозорда рақобатбардош бўлган текстил, тикув ва чарм-пойафзал, озиқ-овқат, кимё, нефтькимё ва фармацевтика маҳсулотлари, қурилиш материаллари ҳамда электротехника, телекоммуникация ва машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ташкил қилиш ва хорижий сармояларни жалб қилишда муҳим омил бўлиши мумкин.



## АННОТАЦИЯ

*В статье раскрывается значение «Свободных экономических зон» и их роль в привлечении иностранных инвестиций. Кроме этого, в статье даны понятия иным зонам, обладающим определенным экономическим статусом, а также приводится опыт зарубежных стран в этой области.*

## SUMMARY

*In article, is being disclosed meaning of "Free Economic Zones" and their role in attracting foreign investment. Moreover, in article given notions to other zones, that have defined economic status, and author cites experience of foreign countries in this sphere.*

**Илҳом МУРОДОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнфин хавфсизлиги**  
**Олий техник мактаби Ички ишлар идораларида бошқарувни**  
**ташқиллаштириш кафедраси бошлиғи, ю.ф.н.**

**Шорқин САДУЛЛАЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси**  
**Олий ҳарбий божхона институти махсус**  
**фанлар кафедраси бошлиғи**

## БОЖХОНА ОМБОРЛАРИДА ЁНФИНЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Мамлакатимиз тарихининг шонли саҳифасига айланган ўтган «Мустақкам оила йили»да халқимиз республикамиз мустақиллигининг 21 йиллигини катта тантаналар билан нишонлади. Ўтган 21 йиллик жараён, унда амалга оширилган иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар натижасида халқ ҳўжалигининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар борасида фикр юритилса, шубҳасиз, биринчи навбатда халқимизнинг қадимий ва азалий қадриятлари қайта тикланганлиги, ўтмиш маданиятимизга эътиборнинг оширилгани, иқтисодиётда эса улкан янгиликлар рўй берганлигини эътироф этиш зарур. Чунки, Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар ўз моддий ва маънавий бойликларига ҳуқуқий жиҳатдан эгалик қилолмаган, унинг иқтисодиётга тегишли захиралари эса ўзгалар манфаатлари йўлида хизмат қилган эди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикасидаги барча ер ости ва ер усти моддий бойликлар ўтмишга айланган тузум учун хомашё ҳисобланган ва ташқарига олиб чиқиб кетилган. Республикаимиз истиқлолга эришгандан кейингина халқимиз ўз бойликларига тўла эгалик қила бошлади. Ислохотлар натижасида мулкчиликнинг янги шакли — хусусий тармоқ вужудга келди ва бу тармоқда ҳар бир шахснинг ўз мулкига эгалиги Конституциямизда белгиланганидек, қонуний жиҳатдан қўллаб-қувватланди ҳамда давлат ҳимоясига олинди. Хусусий мулкчилик вужудга келгач, ўз навбатида унга бўлган муносабатлар ҳам ўзгарди, кишиларда мулк дунёқараш кенгая борди. Бу шубҳасиз, республикамиз ички бозорини махсулот билан узлуксиз таъминлаш сифати ҳамда самарадорлигига ижобий таъсир этди. Яъни ишлаб чиқариш тармоқлари ўсиб, ундан кўриладиган даромад миқдори оша борди.

Республикамиз Президенти Ислам Каримов мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасидаги тантанادا сўзлаган нутқида Ўзбекистон иқтисодиёти 3,7 баробар, аҳолининг реал даромади жон бошига 7 баробарга ўсганлигини таъкидлаб ўтган эди. Иқтисодиётнинг ривожланиши ва аҳоли даромадининг оша бориши ўз-ўзидан равшанки, мустақиллик туфайли иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотларнинг тўғри ва ҳаққоний равишда амалга оширилганлиги натижасидир.

Ўтказилган ҳуқуқий ислохотлар натижасида бир қанча қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, ҳаётга жорий этилди. Республика Халқ таълими тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадларида “Таълим тўғрисида”ги, “Ёнфин хавфсизлиги тўғрисида”, ер ости ва ер усти бойликларидан фойдаланишга оид қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, “Божхона тўғрисида” Қонунларнинг қабул қилинганлиги ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор ва кўрсатмаларининг қабул қилиниши иқтисодиёт ривожига муҳим омиллардан бири бўлди.

Бугунги кунда тараққий этаётган иқтисодиёт тармоқларини, жумладан, яратилган ва бунёдга келтирилаётган моддий бойликларни мавжуд қонунлар асосларида асраш, айниқса, уларни ёнфинлардан муҳофаза қилиш муҳим вазифалардан биридир. Товар-моддий бойликларни етиштиришда бўлгани каби уларни сақлаш жойларида ёнфинларга йўл қўймаслик, аниқроғи, моддий неъматлар сақланаётган жойлар-омборхоналар, махсус бино ва иншоотларда ёнфин хавфсизлигини таъминлашнинг илғор технологияларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада фикр юритар эканмиз, божхона омборларида

ёнғин хавфсизлигини таъминлашга оид баъзи масалаларга алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топамиз.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияларидан бирида “Божхона тўғрисида”ги Қонун қабул қилингандан сўнг, унинг ижросига оид бир қатор қонуности ҳужжатлари ҳам қабул қилинди. Бу ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 ноябрдаги “Божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори бўлиб, у “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалиётини таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий ҳужжатдир. Мазкур қарорга кўра, божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўконларини лицензиялаш тўғрисидаги низомлар ўзгартишлар киритилган ҳолда тасдиқланган. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, товар-моддий бойликларни, жумладан, сақланаётган саноат маҳсулотларини, улар қайси тур ва миқдорда бўлишидан қатъи назар, жойлаштириш ва сақлашга ихтисослаштирилган омборлар ва савдо дўконлари қонунга мувофиқ бўлиши, улар тегишли қоидалар, жумладан, санитария ва ёнғин хавфсизлиги қоидаси талабларига жавоб бериши каби муҳим жиҳатлар мазкур низомлардан ўрин олган ҳамда омборлар, савдо дўконларининг ҳуқуқий кафолатлари назарда тутилган. Омборлар ва савдо дўконлари фаолиятини лицензиялаш, қонуний ҳужжатлар асосларида фаолият юритишнинг мезонларини белгилаб беришдан мақсад ушбу тизимдаги фаолиятни тартибга солишдир. “Божхона омбори фаолиятини лицензиялаш тўғрисида Низом”нинг умумий қоидалар бўлими 1-бандида “Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кодексининг 54-59,65,69,70-72 моддаларига мувофиқ ва **“Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва божхона омбори фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди**”-дейилган. Шубҳасиз, лицензиялаш божхона омборлари ва савдо дўконларидаги товар-моддий бойликларни сақлаш ва муҳофаза қилиш, аynи пайтда мулк белгиланган манзилга етказилишида қонуний фаолият юритишга ёрдам беради. Божхона омбори маҳсулотларни у ёки бу шаклдаги мулкни вақтинча сақлашга мўлжалланган, мулк шаклига кўра, тегишлича техник воситалар ва ускуналар билан жиҳозланган махсус жой бўлиб, у доимий равишда божхона назорати остида бўлади. Божхона омбори сақланувчи мулкнинг шакли, миқдори ва сақланиш муддатига кўра очик ва ёпиқ турда бўлиб, улар яқинида товарлар ишлаб чиқариш, бошқа тижорат опе-

рацияларини амалга ошириш мумкин эмас. Шунингдек, очик ва ёпиқ турдаги омборлар яқинида оловли ишларни олиб бориш ҳам тақиқланади. Туридан қатъи назар у ёки бу шаклдаги омборларда техник ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳам божхона омбори хизматчилари зиммасига юклатилган вазифалардан бири ҳисобланади.

Низомнинг 6-бандида шундай дейилади: **“... очик турдаги божхона омбори ҳар қандай шахслар фойдаланиши мумкин бўлган божхона омбори. Ёпиқ турдаги божхона омбори муайян шахсларнинг, қоидага кўра, омбор эгасининг товарларини сақлашга ёки муайян товарларни, шу жумладан, айланиши чекланган товарларни сақлаш учун мўлжалланган божхона омбори. Бундай шахслар ва товарлар божхона омборини таъсис этишда божхона органи билан келишув бўйича божхона омбори эгаси томонидан белгиланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан таъсис этиладиган божхона омборлари очик турдаги божхона омборлари ҳисобланади.**” Табиийки, бу омборларнинг жиҳозланиши, ёритилиши ва иситилиши билан боғлиқ барча зарур тадбирлар амалдаги қоидалар асосида бажарилган бўлиши, омборларда ёнғин чиқишига сабаб бўлувчи омилларга йўл қўйилмаслиги, сақланаётган товарларнинг ёнғинга қарши ҳолати талаб даражасида бўлиши таъминланиши, қолаверса, унда ишловчилар омборхона ҳудудида ёнғинга олиб келувчи ҳолатлар келиб чиқмаслиги учун ёнғин хавфсизлиги қоидаси талабларига қатъий риоя этишлари зарур. Низомнинг 2-, яъни “Божхона омбори жойлашган жойга, унинг жиҳозланишига ва асбоб-ускуналарига қўйиладиган талаблар” бўлимида очик ва ёпиқ турдаги омборларга белгиланган қоидалар, қонун асосларида талаблар қўйилган. Бу талаблар: “Божхона омбори ҳудудига мазкур Низомнинг 21-бандида белгиланган тартибда қўриқланадиган ва белгиланган товарларни божхона назорати остида беришни тугаллаш учун зарур бўлган вақтда товарларни ташиётган транспорт воситалари тўхтаб туриши учун жиҳозланган ҳудуд туташиб кетиши керак. Кўрсатиб ўтилган ҳудуд, шунингдек, божхона назорати зонаси ҳисобланади. Божхона назорати остидаги товарларни ташийдиган транспорт воситалари божхона назоратининг кўрсатиб ўтилган зонасига сутканинг исталган вақтида кириши мумкин. Божхона омборлари имкони борича транспорт узеллари ва транспорт магистралларининг яқинида жойлаштирилиши керак.” Мазкур талаблар Низомнинг 12-бандида баён этилган бўлиб, унда божхона омборларидан фойдаланишда бошқа ҳолатлар қаторида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ талаб-

лар ҳам назарда тутилган бўлиши керак. Яъни божхона омборлари шакли, туридан қатъи назар жойлаштирилган ўрнига кўра ёнғин хавфсизлиги ва қурилиш меъёрий қоида-талабларига мувофиқ бўлиши, ҳудудда ёнғин келиб чиқишига сабабчи бўлувчи транспорт воситалари қатнови ёки шахсларнинг хатти-ҳаракатида (ҳудудда чекиш, спиртли ичимлик истеъмол қилиш, овқатланиш, автомашина ичида ухлаш каби) хавфсизликни таъминлашда муаммолар келтириб чиқарадиган ҳолатларга йўл қўйилмаслиги лозим. Чунки, божхона омбори кеча-ю кундуз ишлайдиган, товар моддий бойликларни сақлаш ва жўнатиш билан боғлиқ узлуксиз бир жараёни ташкил этувчи масканлардан бири ва унда ёнғин хавфсизлиги қоида-си талаблари сўзсиз бажарилиши зарур.

Низомнинг 13-банди фикримизни янада ўйғунлаштиради: **“Божхона омбори сифатида фойдаланиш мўлжалланган бинолар ва (ёки) очик майдончалар сақланаётган товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан божхона назорати амалга оширилиши, уларнинг сақланиши таъминланадиган тарзда жойлаштирилиши, жиҳозланиши ва асбоб-ускуналар билан таъминланиши керак ҳамда қуйидагиларни истисно этиши лозим:**

**Божхона омбори ҳудудига ва товарларга бегона шахсларнинг (омбор ходимлари бўлмаган, товарларга нисбатан ваколатларга эга бўлмаган шахсларнинг) яқинлашиши; товарларнинг божхона назоратидан ташқарига туширилиши ва олиб қўйилиши.**

**Божхона омбори биноси эшиги иккита қулф билан қулфланиши, улардан бири божхона органи ихтиёрида бўлиши керак.**

**Агар бинонинг ёки иншоотнинг бир қисми божхона омбори ҳисобланса, унга бориш йўлларидаги асбоб-ускуналар ва жиҳозлар ҳамда туташиб кетадиган тушириш майдончалари божхона назорати остидаги товарларга бегона шахсларнинг яқинлашишини истисно этиши керак.”**

Божхона омборидан фойдаланиш мобайнида доимий назорат бўлиши ва товарларни жойлаштириш, сақлаш билан боғлиқ барча жараёнлар қатъий талаблар асосида бажарилиши муҳимдир. Омборга жойлаштирилаётган ҳар бир товар тузилиши, шакли, миқдори ва сифатига кўра, бири иккинчиси билан аралаштирилиб ва бетартиб равишда қўйилмаслиги, тез ёнувчан ёки ўз-ўзидан аланга олувчан маҳсулотлар қўйилмаслиги, ниҳоят, товарлар сақланаётган жойга сигарета чекиб кирилмаслиги ёки омбор ходимларидан бошқа бегоналарнинг киришига йўл қўйилмаслиги зарур. Омборхона фаолиятининг меъёрий қоидалар асосида олиб борилиши учун шароит етарли бўлиши лозим. Бунда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиниши қатъий талаб этила-

ди.

Омборга жойлаштирилаётган ва сақланаётган тез бузилувчан маҳсулотларнинг сақланиш муддати белгиланган тартибда ўрнатилиб, сақланиш муддатидан ортиқ бўлмаслиги ёнғинлар ёки бошқа салбий жиҳатларнинг олдини олади. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва қоидалардан четга чиқиш, амал қилмаслик каби ҳолатлар эса бошқа кўнгилсизликлар қатори ёнғинлар келиб чиқишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шунга кўра, божхона омборларида товар-моддий бойликларни сақлаш учун қабул қилинаётганда, уларни жойлаштириш жараёнида оралиқ масофалар сақланиши, товарлар турлари ва сақланиш муддатига кўра уларни жойлаштириш тартибларига қатъий амал қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Низомнинг 15-бандида божхона омбори бинолари ер устидаги иморатларда ёки иншоотларда жойлаштирилган бўлиши, республика қонун ҳужжатларида белгиланган техник, санитария, ёнғинга қарши ва бошқа талабларга жавоб бериши, қўриқлаш ва ёнғин назорати сигнализациялари билан жиҳозланиши зарурлиги, башарти содир бўлганда, ёнғинни ўчиришнинг ёнғин хавфсизлигининг тегишли тартибларига мувофиқ бўлган тизими ва воситаларига эга бўлиши лозимлиги белгилаб берилган. 16-бандда эса, **“Тез бузиладиган товарлар божхона омборида бундай товарлардан ўз вазифасига кўра фойдаланиш имконини берувчи уларнинг сифати сақланиб қолиши муддати доирасида, бироқ танланган божхона режимига мувофиқ белгиланган муддатдан ортиқ бўлмаган муддатда сақланиши мумкин.”** — дейилган. Демак, сифати тез бузиладиган ва ёнғин чиқиш ёки бошқа товарлар сифатига таъсир этувчи маҳсулотларни сақлаш жараёнида санитария талабларига риоя қилиниши билан бирга, бузиладиган товарлардан ёнғин хавфсизлиги қоида талабларига қатъий амал қилиниши лозимлигини унутмаслик лозим. Бошқа товарларга салбий таъсир этувчи товарлар махсус ихтисослаштирилган жойлар ва биноларда сақланиши, уларда қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда мажбурий талабларга амал қилиниши зарур.

Божхона омбори эгаси товарлар сақланадиган майдонни вақтинча ёки узоқ муддатли сақлаш майдонларини тўғри белгилай олиши, қатъий тартиблар асосида иш олиб бориши белгиланади.

Республика божхона омборларида ўтган йили тахминан 450 млн. АҚШ доллар миқдорида экспорт ва импорт товар-моддий бойликлари сақланиб, етказиб берилди.

Божхона омбори майдони бошқа ҳудудлардан махсус тўсиқлар билан ажратилган бўлиши керак. Божхона омбори жойлашган ҳудудда турли

чиқиндилар бўлмаслиги ёки чиқиндилар уюмлари ҳосил қилинишига йўл қўйилмаслиги зарур. Чиқиндилар яқин бўлган ёки чиқиндихоналар вужудга келган жойларда ёнғин чиқиши, эҳтимолдан холи бўлмаганлиги сабабли омборлар доимий тўсиқлар билан ажратиб қўйилиши керак. Божхона омбори эгаси қонун ҳужжатларида белгилаб берилган тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Божхона омборига товарларнинг сақланиши ва жойлаштирилишига, қолаверса, божхона омбори эгасининг белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилмаслиги оқибатида турлича ёнғин ҳодисалари юзага келиши мумкин. Бунга 2012 йилнинг 26 февралда Сирдарё вилояти “Ховособод” маҳалласи ҳудудидаги божхона вағонида юз берган ёнғин мисол бўла олади. Бунда вагоннинг жойлашган ўрни ва унда товарларнинг сақланиш қоидаси бузилганлиги натижасида ёнғин келиб чиққан.

“Эркин омбор фаолиятини лицензиялаш тўғрисида Низом”да ҳам айнан худди шу талаблар ва қоидалар жорий этилган бўлиб, уларда асосан товарларни муддатли сақлаш учун жойлаштириш қоидалари, эркин омбор эгаси амал қилиши лозим бўлган қоидалар мужассамдир. Эркин омбор — махсус жиҳозланган ва белгиланган жой бўлиб, унда товарлар эркин омбор режимида, божхона назорати остида сақланади. Эркин омборда товарларни ортиш-тушириш техника воситалари, совутиш ускуналари, компьютер, махсус кийим-бошлар ва бошқа жиҳозлар ўша ҳудуд учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларига жавоб бериши лозим. Эркин омбор фаолиятининг меъёрий талабларда олиб борилиши кўп жиҳатдан ёнғинларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Эркин омборлар ҳам божхона омборлари каби имкон қадар транспорт узеллари ва транспорт магистрал йўллари яқин бўлиши, эркин омбор сифатида фойдаланилаётган бино ва иншоотлар, очиқ майдончалар товарлар сақланиш талабларига жавоб бериши, улар божхона назорати остида бўлиши, керакли асбоб-ускуналар ва техника воситалар билан тўлиқ таъминланган бўлиши талаб этилади. Эркин омборга бегона кишиларнинг кириши тақиқланади. Божхона омбори

каби эркин омбор ҳам ер устидаги иморатларда ёки иншоотларда жойлаштирилиб, санитария ҳамда ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган ҳолатда бўлиши зарур. Эркин омбор қўриқлаш ва ёнғин сигнализацияси, ёнғиндан хабарловчилар, ёнғинни ўчириш тизими билан тўла таъминланган бўлиши талаб этилади. Божхона омборидаги каби эркин омборларда ҳам бошқа товарларга салбий таъсир этувчи товарлар алоҳида жойлаштирилиши ва сақланиши, ажратилган майдон эса талабларга жавоб бера олиши лозим. Эркин омборнинг бошқа ҳудудлардан махсус тўсиқлар билан ажратилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Эркин омбор эгасига ҳам худди божхона омбори эгасига сингари талаблар қўйилади ва бу талабларга қонун ҳужжатлари асосида омбор эгалари жавоб беришлари зарур.

Шунингдек, низомнинг бож олинмайдиган савдо дўконига тегишли бўлимида қуйидаги талаблар белгиланган: 10-бандда бож олинмайдиган савдо дўкони ҳудуди савдо заллари ҳудудини, ёрдамчи бинолар ва дўкон омборини ўз ичига олади ҳамда божхона назорати зонаси ҳисобланади, дейилади. Бож олинмайдиган савдо дўкони етарли майдонга эга бўлиши лозим. Бу майдонда ёнғин-техник назорат жиҳозлари бўлиши, ёнғиндан хабарловчи воситалар ўрнатилган бўлиши ва товарларнинг сақланиш, жойлаштириш тартиблари қатъий режим асосида олиб борилиши зарур. Эркин савдо дўкони эгаси эса божхона органлари ходимлари, шунингдек, санитария ҳамда ёнғин хавфсизлиги хизматида ёрдам бериши, товарлар сақланаётган ва савдо қилинаётган жойларда белгиланган қоидалар амалиётини таъминлаши лозим.

Бож олинмайдиган эркин савдо дўконида ҳамда божхона ва эркин омборларга қўйилган талаблар, қоидаларга амал қилиш келиб чиқиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишда ва бошқа салбий ҳодисаларнинг ўз вақтида бартараф этилишида муҳим ўрин тутди. Хулоса қилиб айтганда, низомда белгиланган шартлар ва қоидалар амалиёти қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим жиҳатларидан биридир.

## АННОТАЦИЯ

В статье приводятся меры, принимаемые для обеспечения пожарной безопасности в складных помещениях таможенных органов. Авторы приводят соответствующие нормативно-правовые акты, регулирующие отношения, связанные с обеспечением пожарной безопасности.

## SUMMARY

In article are being cited measures, taking for supplying fire safety in warehouses of customs organs. Authors cite appropriate normative legal acts, regulating relationships, associated with fire safety.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон иқтисодиёти бугун жаҳон иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланди. Мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти йилдан-йилга ошмоқда, ташқи бозорларга хомашё эмас, юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар етказиб берилмоқда. Мамлакатимиз саноатини юксалтириш бўйича белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш жараёни инвестиция сиёсати билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки, Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодий тизимда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мураккабдир.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳеч қайси давлат жаҳон иқтисодиётидан айри ҳолда хорижий сармоя ва кўмакларсиз иқтисодий тараққиётга эришиши қийин. Ривожланган давлатларнинг тараққиёт тарихи хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётни қайта қуриш, модернизациялаш ва диверсификациялаш ҳамда юксалтиришдаги ўрни ниҳоятда катта эканлигини кўрсатади.

Ўз навбатида, инвестиция фаолияти кўпчилик тадбиркорларга ўзлари учун керакли бўлган товарлари, ишлари ва хизматларини сотиш орқали ўз бозорини кенгайтиришга етарлича шароит яратади. Товарлар, ишлар ва хизматлар бозорида турли хил воситачи (дилер, агент ва бошқа)лардан фойдаланиб ўтказишдан фарқли равишда, хорижий инвестор ўз корхонасини ташкил этганда икки шаклда, яъни ўз товарларини ушбу давлатдаги ўзига тегишли субъектга сотишдан; мазкур субъектнинг маҳаллий бозорда савдо қилишдан тушган фойда шаклида амалга оширилади. Маҳаллий бозорда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бу орқали даромад олиш чет эл инвестори учун анча фойдалидир.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, бозор иқтисодиёти шароитида чет эл инвестицияси ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва истиқболлини белгилаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Давлатимиз томонидан изчиллик билан ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда. Бугунги кунда республикамызда хорижий корхоналар ва чет эл инвестицияси иштирокидаги қўшма корхоналар тадбиркорлик фаолиятини олиб борар экан, биринчи навбатда, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилувчи қонунларнинг қабул қилинганлиги ва бу орқали инвестицион шаффофлик таъминланганлигини кузатишимиз мумкин.

Ўзбекистонда ўтган вақт давомида чет эллик инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ва бир неча қонуности ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, махсус қонунлардан Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги ва “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунлардан ташқари, чет эл инвестицияси ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонуности ҳужжатларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида”ги Фармони (1996 йил 30 ноябрь, ПФ-1652-сонли), “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (2005 йил 11 апрель, ПФ-3594-сонли); “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб

этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (2012 йил 12 апрель, ПФ-4434-сонли) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 205-сонли (2003 йил 2 май) қарорларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунлар орқали хорижий инвесторларнинг эркин тадбиркорлик фаолиятини олиб боришлари давлатимиз томонидан кафолатланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддасида республикадаги чет эл инвестициялари учун ҳуқуқий режимни қўллашга доир нормалар белгиланган бўлиб, мазкур моддага асосан давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишлари чоғида уларнинг барча ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 8-моддасида эса мулк шаклларида ва фаолият туридан қатъи назар, инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эга эканлиги белгилаб қўйилган. Мазкур қонун ўзида чет эллик инвесторлар фаолиятини кафолатлаган ҳолда, инвестиция киритиш соҳаларига ҳам алоҳида урғу бериб ўтади. Хусусан, инвестицияни тўғридан тўғри йўналтириш чегаралари қонун билан белгиланган бўлиб, унга кўра, бошқа қонунлар билан чекланган ёхуд тақиқланган объектлардан ташқари ҳар қандай объектга инвестициялар киритиш инвесторнинг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади ва қонун билан қўриқланади.

Бундан кўриниб турибдики, бугунги кунда республикадаги ҳудудида чет эллик инвесторлар ҳуқуқлари ва уларга тегишли бўлган мулкларни ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий база етарли даражада шакллантирилган.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Бу йўлда биз дуч келишимиз мумкин бўлган шундай хавф борки, у ҳам бўлса, авваламбор, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқеликдан узилиб қолиш хавфидир”<sup>1</sup>. Мазкур иборалар замирида қонун ижодкорлиги соҳасида ҳам изланишлар ва тадқиқотлар олиб боришни бир зумга ҳам кечиктирмаслик, жамиятнинг ривожланишига қараб ўша кун талабларига жавоб берадиган қонунлар қабул қилиш ва мавжуд қонунчиликни янада такомиллаштириш масалалари ётибди.

Таъкидлаш мумкинки, чет эллик инвестор ўзининг инвестицияларини қуйидаги шаклда йўналтириши мумкин: бунда, инвестициялар мўлжалланган объектга кўра капитал, инновация ва ижтимоий инвестицияларга бўлинади. Капитал

инвестициялар жумласига асосий фондларни ву-жудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшилаётган инвестициялар киради. Инновация инвестициялари жумласига техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга қўшилаётган инвестициялар киради. Ижтимоий инвестициялар жумласига инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек, номоддий неъматларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшилаётган инвестициялар киради<sup>2</sup>.

Шу ўринда, мухтарам Президентимиз Ислам Каримов томонидан “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да кўрсатилган Ўзбекистон Республикасининг “Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши зарурати ҳақидаги фикри инновацион инвестицияларни мамлакатимизга жалб қилинишини жадаллаштиришини кўрсатади.

Шунингдек, Концепцияда “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисидаги” Қонун қабул қилиниши кераклиги таъкидланган. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши, ўз навбатида портфель инвестицияларининг кириб келишини кучайтиради ва инвестор даромадларини репатриация қилиши эмас, балки реинвестиция қилиши салмоғини орттиради.

Шулар билан бир қаторда, халқаро тажриба шуни кўрсатадики, инвестиция билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқувчи низолар асосан Халқаро тижорат арбитражида кўриб чиқилиб, хал этилади. Ўзбекистон Республикасида ҳам Савдо саноат палатаси қошида доимий фаолият юритувчи “Халқаро тижорат арбитражи” шакллантирилган, лекин унинг амалиёти кенг тус олмаган. Халқаро тижорат арбитражи фаолияти ҳуқуқий асосларининг такомиллаштирилиши, жумладан мамлакатимизда ЮНСИТРАЛ томонидан ишлаб чиқилган намунавий қонун асосида “Халқаро тижорат арбитражи” тўғрисидаги миллий қонуннинг қабул қилиниши, чет эл инвесторлари ҳуқуқлари кафолатининг яна бир тизими сифатида намоён бўлар эди.

Кўрсатиб ўтиш мумкинки, чет эллик инвестор хорижий давлатларга инвестициялар киритишдан аввал биринчи навбатда ўзини қизиқтирган қуйидаги саволларига жавоб олишга ҳаракат қилади: яъни, хорижий инвестиция киритилган субъектлар фаолиятини амалга оширишда қандай чекловлар, уларнинг мажбуриятлари бўйича қўшимча масъулият хавфининг мавжудлиги, валюта билан боғлиқ хавфнинг борлиги (хусусан конвертациялаш бўйича, репатриация), солиқ хавфи қай даражада таъсир этади (бир томонлама ёки икки

томонлама солиққа тортиш масаласи), хорижий инвестор мулкни мажбуран олиб қўйиш (национализация ва экспроприация) ва бошқалар. Уз навбатида, кўрсатилган масалаларни тартибга солишга қаратилган қонунларнинг инглиз тилидаги расмий нашрларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Вақт ўтиши билан иқтисодий ўзгаришлар ва жамиятнинг ривожланиши натижасида мавжуд қонунчиликнинг баъзи нормалари давр талабига жавоб бермай қолиши ёки қонундаги бўшлиқларнинг пайдо бўлиши табиийдир. Шунинг учун чет эл инвестицияси ва хорижий инвестицияси иштирокидаги корхоналар фаолиятни ҳуқуқий тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни доимий равишда такомиллаштириб бориш лозим.

Хорижий инвестицияларни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш жараёнида, бугунги кун талабларига, ижобий хорижий амалиётга ва жаҳон ҳамжамиятининг ривожланиш йўналишларига алоҳида эътибор қаратиш муҳим масаладир. Бунда миллий қонунчилик таркибида қонунлардаги асосий тушунчаларни кенгайтириш ва моҳиятини аниқ очиб бериш, мавжуд ўзаро зиддиятларни, ҳаволаки нормаларни бартараф этиш ҳамда имтиёزلарни белгиловчи нормаларни унификация қилиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, қонуности ҳужжатларда мавжуд камчиликларни, яъни имтиёзлар қўлланишига доир нормаларни аниқлаштириш, соддалаштириш ушбу нормаларга бўлган эътиборни кучайтириб, чет эл инвестици-

яларини янада кўпроқ кириб келишига сабаб бўлади.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, мустақилликка эришгач Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар ва иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган чоралар таркибида чет эл инвестициялари ва чет эл инвесторларига қаратилган эътибор юқори даражада бўлиб, бунда чет эл инвесторлари ва уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи энг долзарб масала қилиб белгиланган. Бунда уларга миллий ҳуқуқий тизимимизда эркинлик ва қулайликлар яратиш ва бундай шароитларни ҳуқуқий мустаҳкамлаб, бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тизими шакллантирилган ва бу шакллантирилган ҳуқуқий нормалар ва тизим ўзини тўлиқ оқлаб келмоқда. Лекин иқтисодиёт, хусусан, инвестиция соҳасидаги муносабатларнинг ривожланиши бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириб боришни ҳам талаб этади. Шунинг учун чет эл инвестицияси ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя этишга қаратилган қонунчиликни миллий ва хорижий инвесторлар манфаатлари таъминланишини кучайтиришни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш лозим. Шулар билан бир қаторда, юқорида кўрсатилган, Юртбошимиз томонидан алоҳида таъкидланган, қонунларнинг қабул қилиниши, чет эл инвестицияларининг мамлакатимизга кириб келиши ва миллий иқтисодимизнинг янада ривожланиши учун ҳуқуқий замин яратади.



## АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросам совершенствования законодательства Республики Узбекистан в области инвестиций. Автором проведен анализ национального инвестиционного законодательства, приведена практика создания благоприятного инвестиционного климата, а также обозначены меры по совершенствованию привлечения инвестиций.

## SUMMARY

The article is devoted to questions of developing legislation of Republic of Uzbekistan in sphere of investment. Author has analyzed national investment legislation, has been cited practice of setting up of favourable investment climate, and marked measures in developing attraction of investment.

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 6-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни 3-моддаси. 1998 йил 30 апрелда 609-1-сон билан қабул қилинган.

Лазизжон БАРАКАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
бўлим катта прокурори

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ

“Бугунги замоннинг талаблари, тараққиёт суръатларини янада тезлаштириш вазифалари, биринчи навбатда, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини енгиш зарурати интеграциялашув жараёнларини янада кенгайтириш каби ўткир масалаларни кун тартибига қўяётганини биз яхши англаймиз. Яъни, давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқалар, товар алмашиш йўлидаги чегара ва божхона тўсиқларини олиб ташлаш ҳозирги кунда нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бу ҳақда гапирганда, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган, иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини тубдан модернизация ва диверсификация қилишга қаратилган замонавий юксак технологиялар ва инновацияларни жалб этиш дастурини амалга ошириш энг муҳим устувор йўналишдир.

Биз учун ғоят муҳим бўлган бу масалани ҳал этиш йўлида ҳамкорлик қилишга тайёр бўлган барча шерикларимиз билан, уларнинг қаерда жойлашганидан қатъи назар, алоқаларимизни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш вазифаси айнан шу мақсадга бўйсундирилиши керак.”<sup>1</sup>

Бу борада чет эл инвесторлари ва ташқи иқтисодий фаолият субъектлари фаолиятини қонун билан кафолатлаш алоҳида устувор аҳамиятга эга.

Инвестиция фаолияти тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг бир кўринишидир. Шунинг учун ҳам тадбиркорликка хос бўлган белгилар, яъни мулкий мустақиллик, ташаббускорлик ва таваккалчилик унга ҳам хос бўлган хусусиятдир.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолияти асосан 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги махсус Қонунлар, шунингдек, ушбу соҳани тартибга солишга қаратилган бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ислохотларни яна-

да чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш ва улар фаолиятини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш механизмини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Импорт истеъмол товарлари олиб келиш ва сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари айнан инвестиция жараёнини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган.

Шу тариқа Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунчиликнинг миллий тизими ўзига хос равишда фаоллик билан шакллантирилиб борилмоқда. Бунга мисол сифатида “Ўзбекинвест” миллий суғурта компаниясини, “Ўзбекинвест” ташқи иқтисодий миллий банки, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида БМТ билан биргаликдаги техникавий ёрдам лойиҳаси доирасида инвестицияларга кўмаклашиш хизмати, Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги кўчмас мулк ва хорижий инвестициялар агентлигини, шунингдек халқаро молия корпорациялар билан қўшма банкларни, қўшма лизинг компанияларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида 2001 йил 5 март куни Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти ташкил этилганлигини, Вазирлар Маҳкамаси томонидан “2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги махсус Қарор қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Чет эл инвестицияларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида 2003 йил июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида”ги 205-сонли Қарор ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Чет эл инвестицияларини ҳуқуқий тартибга солишда давлатлар ўртасидаги икки ва кўп томонлама шартномаларнинг ўрни, аҳамияти беқиёсдир. Бу каби шартномалардан бири “Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп тарафлама агентликни таъсис этиш тўғрисида”ги Сеул Конвенцияси бўлиб, у 1988 йил 12 апрелдан кучга кирган. Ўзбекистон Республикаси уни 1992 йил 2 сентябрда ратификация қилган ва у ўша йилнинг 24 сентябридан кучга кирган.

Ушбу Конвенцияга аъзо бўлиш хусусий ва давлат суғурталаш тизимининг чет эл инвестицияларини суғурталаш халқаро кўп томонлама тизими билан уйғунлаштирилишига олиб келди. Чунончи, унга биноан вазифаси чет эл инвестицияларини кафолатлаш, инвесторларни молиялаш, таваккалчиликларни суғурталаш ва бошқалар ҳисобланган кўп томонлама халқаро ташкилот ташкил топади. Кўпинча ушбу ташкилот суғурталовчи, чет эл инвестори ҳисобланган юридик ёки жисмоний шахслари эса суғурталанувчи сифатида шартномада тарафлар бўлиб қатнашадилар.

Ўзбекистоннинг бу борадаги яна бир дадил қадами унинг 1965 йил 18 мартда имзоланган ва 1966 йил 14 октябрда кучга кирган “Давлатлар ва чет эллик шахслар ўртасидаги инвестицион низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Вашингтон Конвенциясини 1994 йил 6 майда ратификация қилганлигидир.

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият давлат ташқи сиёсатининг таркибий қисми сифатида давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари ва нормаларига асосланган ҳолда амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги, “Экспорт назорати тўғрисида”ги, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонунлар ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий негиз ҳисобланади. Бундан ташқари, ташқи иқтисодий фаолиятга дахлдор бўлган “Валюта бошқаруви тўғрисида”ги, “Бож тарифи тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинган. Шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 сентябрдаги “Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2003 йил 26 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 2 февралдаги 66-сонли “Ташқи савдо фаолиятини тартибга солишни тако-

миллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 1995 йил 28 августдаги 343-сонли “Экспорт-импорт операцияларини тартибга келтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари каби норматив ҳужжатлар билан ҳам тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 14 августдаги “Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг хўжалик ҳисобидаги бўлинмаларини давлат ҳиссадорлик компанияларига айлантириш тўғрисида”ги Фармонида кўра, марказлаштирилган экспорт ва давлат эҳтиёжлари учун импортлар қилиш, ташқи савдо операцияларини бажаришга оид хизматлар кўрсатиш “Ўзмарказимпекс”, “Ўзсаноат-машимпекс”, “Инновация”, “Марказсаноатэкспорт” давлат ҳиссадорлик ташқи савдо компаниялари, бундан ташқари, 2011 йил 24 августдаги 4354-сонли Фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг «Марказсаноатэкспорт» давлат-акциядорлик ташқи савдо компанияси қошидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича «Ўзтадбиркорэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонунда белгиланган. Ушбу қонуннинг 7-моддасига кўра тақши иқтисодий фаолият субъектлари:

— қонун ҳужжатлари доирасида ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашиш шакллари мустақил белгилаш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун ўз хоҳишига кўра бошқа юридик ва жисмоний шахсларни шартнома асосида белгиланган тартибда жалб қилиш;

— ташқи иқтисодий фаолият натижаларига, шу жумладан, миллий ва чет эл валютасидаги даромадга қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ва бошқа қонуний ҳуқуқларга эга.

Ташқи иқтисодий фаолиятга давлат таъсири қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

1. Иқтисодий тараққиётга, барқарорликка эришиш мақсадида экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш, божхона ва валюта назоратини амалга ошириш йўли билан.

2. Фуқаролар соғлиғини ҳимоялаш ва экологик хавфсизликни таъминлаш йўналишида, бунда муайян товарларнинг Ўзбекистонга олиб кирилиши пайтида уларнинг сифат ва келиб чиқиш сертификатларига, ветеринария, санитария гувоҳномаларига эга бўлишга талаб этилади ҳамда бундай ҳужжатларнинг мавжуд бўлмаслиги ушбу товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ўтказмасликка сабаб бўлади.

3. Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар учун хорижий бозорларга кенг йўл очилишини таъминлаш йўналиши бўйича. Бунда Ўзбекистоннинг халқаро кўп томонлама ва икки томонлама шартнома ва би-

тимлари, айниқса, савдо-иқтисодий масалаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантиришга оид шартномалар тузилиши, ратификация қилиниши, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши, улар фаолиятида иштирок этиши ушбу мақсадларга хизмат қилади.

4. Давлат эҳтиёжларини таъминлаш йўналиши бўйича. Бунда имтиёзли шартларда кредитлар бериш, божхона божи ва бошқа тўловлардан озод қилиш, валютанинг бир қисмини мажбурий сотиш мажбуриятдан озод қилиш, квоталар белгилаб бериш каби қулай иқтисодий шарт-шароитлар яратилади ва шу йўл билан давлат эҳтиёжи учун маҳсулот келтирилиши қўллаб-қувватланади.

5. Ўзбекистонлик тадбиркорларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлигини таъминлаш ва ошириб бориш. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг “Бож тарифи тўғрисида”ги Қонунида компенсация ҳамда демпингга қарши бошлар қўллаш, бошқа шаклларда қулай шарт-шароитлар яратиб бериш назарда тутилган.

6. Айрим тармоқлар тараққиётини рағбатлантириш йўналиши бўйича. Бунда кўпроқ Ўзбекистон аграр-индустриал мамлакат бўлганлиги туфайли қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда ҳамда уларга ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш соҳасида қулай шароитлар яратиб берилмоқда<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномага қўшилиши тўғрисидаги 1994 йил 16 январда Бишкек шаҳрида имзоланган қарорга мувофиқ, юқорида қайд қилинган Шартнома 4-моддасининг фуқароларнинг юкларини ва қўлда олиб юрадиган юкларини бож текширувидан ўтказишни, бож тўловларини ўзаро бекор қилишни ҳамда

солиқларни, йиғимларни ва бошқа чеклашларни изчил пасайтиришни, бож тартибларини соддалаштиришни, бож қонунчилигини уйғунлаштиришни, бож статистикасини юритиш учун зарур бўлган ҳужжатлар шаклларини бирхиллаштиришни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилди.

Энг муҳими, Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши республиканинг Бутундунё савдо ташкилотига (БСТ) киришига тайёргарлик ҳисобланади. БСТга аъзо бўлиш Ўзбекистон Республикасига бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқда дунё савдосида иштирок этиш имкониятини беради.

Шуни қайд этиш лозимки, республикамызда БСТга аъзо бўлиш шартлари бажарилишига қаратилган тадбирлар қуйидаги тўрт йўналишда амалга оширилмоқда. Биринчидан, миллий қонунчиликни БСТ нормалари ва қоидалари билан мувофиқ ҳолатга келтириш бўйича иш босқичма-босқич асосда олиб борилмоқда. Иккинчидан, республикада БСТга қўшилиш масалалари билан шуғулланувчи тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш тадбирлари ўтказилмоқда. Жумладан, барча асосий вазирликлар ва идораларнинг вакиллари киритилган БСТ билан ишлаш бўйича Идоралараро комиссия доирасида доимий ишлайдиган ижроия орган ҳисобланувчи БСТ билан ишлаш бўйича Кичик кенгаш ҳамда БСТга Ўзбекистоннинг қўшилиш жараёнининг алоҳида йўналишларини қамраб олувчи тўққизта ишчи гуруҳ тузилган. Учинчидан, БСТга қўшилиш жараёнига жалб қилинган вазирликлар ва идоралар вакиллари билан ва кўникмаларини такомиллаштириш бўйича иш доимий асосда олиб борилди. Тўртинчидан, Ўзбекистон вазирликлари ва идораларининг вакиллари БСТга қўшилиш жараёнида тақдим этилиши зарур бўлган материалларни тайёрламоқдалар ва уларнинг бир қисми Ташкилотга тақдим этилган.



## АННОТАЦИЯ

Статья посвящена раскрытию законодательных основ регулирования деятельности иностранных инвестиции и внешних экономических субъектов в Республике Узбекистан.

## SUMMARY

The article is devoted to disclosing of legislation bases of regulating activity of foreign investment and external economical subject in Republic of Uzbekistan.

<sup>1</sup>Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир // Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. — Тошкент: Ўзбекистон, 2012.

<sup>1</sup>қоранг: Масалан, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини улар томонидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш технологик жиҳозларга импорт божини тўлашдан озод қилиш тартиби: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Божхона қўмитасининг 1999 йил 25 мартдаги ЭГ 8-50-сонли ҳужжати “Налоговое и таможенные весты” 1999,21-сон

Шерзод ИМОМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги  
СВОЖЖДЛҚК департаменти бўлим бошлиғи ўринбосари

## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ — ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ

Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш масаласи, энг аввало, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга боғлиқ бўлади. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари ҳақида тўхталиб, инқирозга қарши чоралар дастурининг асосий вазифаси қаторида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, хусусан, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарга бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кенг имтиёзлар қўлланиши ҳақида тўхталиб ўтди.

Қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит шакллантирилди, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг қўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими яратилди.

Натижада, республикада иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4,2 мингтадан кўпроқ корхона ташкил қилинди ва муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ҳар йили 3 миллиарддан кўпроқ асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилмоқда, мамлакат иқтисодиётига киритилган инвестиция умумий ҳажмининг 26,6 фоиздан кўпроғи уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Бу эса хорижий инвесторларнинг республика иқти-

содиёти барқарорлиги ва пухталигига, уни ривожлантириш истиқболларига қизиқиши ҳамда ишончи ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Шу билан бирга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганлиги, жаҳон ва минтақавий инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётганлиги мамлакатда яна ҳам қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек хорижий инвесторлар билан ишлашдаги мавжуд бюрократик ғовлар ва тўсиқларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик борасида қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши-ни тақозо этди.

Шу муносабат билан, 2007 йилнинг 14 мартида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши хорижий инвестициялар асосида иқтисодиёт тармоқларини жадал модернизация қилишни кучайтириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Унда қуйидаги имтиёзлар кўзда тутилган:

— хўжалик юритувчи субъектларга уч йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдоридан, тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шarti билан, фойдадан олинadиган солиқ базасини камайтириш ҳуқуқи берилган;

— ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк соли-

гидан озод қилинган;

— солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирган ҳолда солиқ имтиёзлари жорий этилган;

— технологик жиҳозларни олиб киришда қўлланиладиган имтиёзлар, агар технологик жиҳозларни етказиб бериш бўйича шартнома шартларида кўзда тутилган бўлса, бутловчи ва эҳтиёт қисмларга нисбатан ҳам татбиқ этилган.

Маълумки, дунё мамлакатлари орасида чет эл инвестицияларини ўз миллий иқтисодиётига жалб этишнинг рақобат шакли йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Шу боис, чет эллик инвесторларига яратилган қулайлик қайси давлатда устун даражада бўлса, бошқача қилиб айтганда, фойда олиш эҳтимоли каттароқ бўлса, табиийки, уларнинг айнан ўша давлат иқтисодиётига ўз сармоясини киритишга қизиқиши ортмоқда. Бу эса, бозор иқтисодиётининг нисбий самарадорлик қонунига мос келувчи ечим ҳисобланади, яъни қаерда самара (фойда) олиш имконияти нисбатан юқори бўлса, тадбиркорлар ўша ердаги бозорга кўпроқ интилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар ичида энг юқори инвестиция муҳити яратган мамлакатлардан бири бўлиб қолди. Бу, эса иқтисодиётимизга тўғридан-тўғри жалб этилаётган хорижий инвестициялар оқимини янада кўпайтираётир.

Давлатимиз иқтисодий сиёсати кўпроқ тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга ва уни рағбатлантиришга қаратилганлиги боис, турли шаклдаги инвестициялар оқими йилдан-йилга ошиб бораяпти. Чунки, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар доирасида айнан сармоядорларнинг ўзлари бевосита иштирок этиши ҳисобга олинган ва бунинг учун бизда етарлича шарт-шароитлар мавжуд. Айниқса, республика минтақаларидаги бой минерал хомашё ресурслари, етарли миқдордаги малакали ишчи кучлари, соғлом атроф-муҳит, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик каби омиллар шубҳасиз хорижий инвестициялар оқимининг янада кўпайишига, республика минтақаларида фаолият юритадиган корхоналар ривожига хизмат қилади.

Бу йўналишда қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар орасида Президентимизнинг 2012 йил 10 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони алоҳида аҳамият касб этади.

Хусусийлаштириладиган корхоналарнинг ин-

вестиция жозибадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни жалб этиш учун қўшимча рағбатлантиришларни ташкил қилиш мақсадида назорат акция пакетларини сотиб олмасида, корхоналарга салмоқли ҳажмларда инвестициялар киритаётган инвесторларга профессионал бошқарувчи компанияларга бериладиган давлат акциялар улушини бошқариш ҳуқуқини танловларсиз бериш кўзда тутилган.

Фармоннинг яна бир асосий хусусияти – бу инвестиция киритиш шартлари ва жойларининг аниқ белгилаб қўйилганлигидир. 2005 йил 11 апрелдаги Президент Фармонида асосан, ортиқча ишчи кучи бўлган минтақалар — Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида янги корхоналарни жойлаштириш кўзда тутилган бўлса, жорий йилда киритилган ўзгартириш бўйича Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятини истисно қилган ҳолда, республиканинг барча шаҳарлари ва қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш белгиланган. Бундай ҳолат хусусий сармояга эга бўлган чет эллик тадбиркорларни янада рағбатлантиришни кўзда тутди.

Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этишга манфаатдор ҳар қандай давлат ўзининг инвестиция сиёсатини такомиллаштириб боради. Бу сиёсат хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос йўналишини, шунингдек уларни жалб этишни рағбатлантириш тизимини аниқлаб беради ва инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий тартибини белгилайди.

Иқтисодий адабиётларда ва жаҳон тажрибасида хорижий инвестицияларни мувофиқлаштиришда турлича тартиб ва усулларнинг бўлиши қайд этилган. Масалан: миллий тартиб; адолатли ва тенг ҳуқуқлилик тартиби; қулай муҳит барпо этиш тартиби; транспарент (шаффофлик) тартиби ва бошқалар.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида амалиётда синалган инвестиция сиёсатининг самарадорлигини баҳолашнинг умумлаштирувчи мезонлари ва ҳуқуқий тартибларининг турлича вариантларидан шаклланган объектив қонунлар асосида иқтисодиётни ривожлантириш тажрибаси тўпланган.

Саноати ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик хориж капитал ва инвестицияни махсус қонунларсиз ҳам етарлича ҳимоялаш имкониятини беради. Бу ерда хорижий инвестициялар ҳам миллий ички инвестициялар каби умумий қонунлар асосида мувофиқлаштирилади. Бу мамлакатлардаги аниқ ишлаб чиқилган қонуний база чет эл инвесторларининг тўлақонли фаолиятини, яъни янги компанияларни ташкил этишда эркин фаолиятни (рўйхатдан ўтка-

зиш жараёни, мулк ҳукуқи кафолати), фойда олиш (солиқ сиёсатидаги энгиллик ва имтиёзлар), низоларни тартибга солиш (меҳнат қонунларидаги шаффофлик, монополияга қарши аниқ тадбирлар) кабиларни кафолатлайди.

Ғарб мамлакатларида ҳукумат капитал қўйилмаларни фаоллаштириш стратегиясида кўпроқ хорижий инвестицияларни мувофиқлаштиришнинг эгри усулидан (солиқ, амортизация, молия-кредит сиёсати) фойдаланишни афзал кўришади. Сўнгги икки ўн йилликда ғарбда инвестиция қарорларини қабул қилишда ва амалга оширишда маҳаллий ҳудудларнинг жавобгарлиги ва роли ошиб бормоқда. Қатор мамлакатларда (АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия) маҳаллий органлар хорижий инвестицияларни ва инвесторлар фаолиятини мувофиқлаштиришда етарлича мустақилликка эгадир. Бу ерда инвестиция бозорини мувофиқлаштиришнинг асосий воситаси сифатида даромад солиғи (фойда солиғи) қўлланилади. Бу солиқ ставкасининг ўзгариши фирма ва компанияларнинг инвестиция фаолиятига бевосита таъсир этади.

Умуман сўнгги 20 йил мобайнида ривожланган мамлакатларда инвестиция фаолияти кенг компьютерлаштириш, ресурсларни тежаш, янги замонавий технология, шунингдек маҳаллий ҳокимиятни роли ва жавобгарлигини ошириш асосидаги янги бошқарув тизими асосидаги иқтисодий тузилмавий қайта қуришга йўналтирилган. Маҳаллий ҳокимиятларга инвестиция дастурларини бошқаришда, экологик сиёсатни юргизишда ва ҳудудий режалаштиришда асосий рол белгиланган. Жаҳон тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, инвестиция дастури ва лойиҳаларининг муваффақиятли амалга ошиши унинг иштирокчилари ўртасида оптимал пропорцияни таъминлашга боғлиқдир.

Давлат ҳам бу жараёнда муҳим ролни ўйнайди, унинг функциясига асосан қуйидагиларни киритиш мумкин: ҳуқуқий мувофиқлаштиришни таъминлаш, муниципал ташкилотлар билан шартномавий муносабатларни расмийлаштириш; моддий ва молиявий ресурсларни бирлаштириш учун шароит яратиш, солиқ энгилликларини ва бошқа молиявий имтиёзларни белгилаш; лойиҳани ҳаётга татбиқ этишда ва унинг ноҳуш оқибатлари (экология бузилиши, ҳудудий ер участкасининг бузилиши ва бошқалар) учун маҳаллий органларнинг жавобгарлигини белгилаш; лойиҳани амалга ошириш учун аҳолини, ижтимоий ташкилотларни жалб этиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали ҳаётга татбиқ этишнинг мақсадга мувофиқлигини кенг тарғиб этиш кабилар.

АҚШ, Бразилия, Хитой, Мексика, Ҳиндистон каби мамлакатларда маҳаллий органларнинг зиммасига жуда улкан вазифалар юклатилган. Айниқса, АҚШ ва Германияда алоҳида ҳудуд ва

штатлар юқори даражадаги мустақилликка ва йирик миқдордаги молиявий ресурсларга эга.

Ривожланган мамлакатларда ҳудудий инвестиция сиёсатини олиб бориш ўта муҳим масалалардан саналади. Давлат доимий равишда ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий имконияти, ривожланиш даражасини эътиборга олган ҳолда инвестиция сиёсатини олиб боради. Америка Қўшма Штатларида федерал даражада махсус хорижий инвестицияларни рағбатлантириш дастурлари ишлаб чиқилмаган. Чунки, бу ерда хорижий инвестициялар учун тавсия этиладиган барча имтиёз ва энгилликлар штатлар даражасида ишлаб чиқилган. Бу эса ўз навбатида, хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича штатлар ўртасида эркин рақобатни вужудга келтиради. Ҳар бир штат миллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ўзининг махсус ишлаб чиққан дастурига эга. Штатлар аниқ мақсадга қаратилган хорижий инвестицияларни рағбатлантириш бўйича бир неча хил дастурларни ишлаб чиқади. Улар қуйидаги мақсадларда бўлиши мумкин: иш жойларини ташкил этиш; штатни ва алоҳида штат ҳудудларининг иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантириш; замонавий илғор технологияни жорий этиш ва фан-техника тараққиёти ютуқларига эришиш ва ҳ.к.

АҚШда штатлар миқёсида хорижий инвесторлар учун бериладиган имтиёзлар — бу солиқ имтиёзлари, молиявий ёрдам, инфратузилмани ривожлантиришда ҳамкорлик, кадрлар тайёрлаш, ижара ҳақи ва электр тўловларини камайтириш, паст фоизларда кредит шаклида бевосита молиявий ресурслар ажратиш кабилардан иборат.

Ҳар бир штатнинг мустақил инвестиция сиёсатини олиб бориши, эркин рақобатнинг вужудга келишига, шу ҳудудда ишлаб чиқаришнинг, тадбиркорликнинг ривожланишига замин яратади.

Сўнгги йилларда қатор мамлакатларда ҳудудни иқтисодий ривожлантириш корпорацияларини ташкил этиш тажрибаси кенг қўлланилмоқда. Бу корпорациялар мазкур ҳудудда жойлашган фирмаларнинг иштирокида махсус фондларни шакллантиради. Бу фонд маблағлари ҳудудда инфратузилмани ривожлантиришга, янги қурилишларга йўналтирилади.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш, чет эл инвесторларига турли энгиллик ва имтиёзларни жорий этиш бўйича Хитой давлати тажрибаси ҳам аҳамиятлидир. Хитой ҳукумати инвестициялар оқимини ҳудудлар даражасида, маҳаллий ҳокимиятга катта ваколат берган ҳолда муваффақиятли мувофиқлаштириб келмоқда.

Марказий органлар умумий инвестиция сиёсати доирасида қайси соҳага инвестицияларни йўналтириш зарурлигини аниқлаб беради. Маҳаллий органлар эса бир вақтда инвестициялар-

ни рағбатлантириш дастурларини ишлаб чиқади. Чет эл инвестицияларини жалб этиш учун “солиқ каникули” ва енгилликлари, импорт тарифлари бўйича енгилликлари каби турлича рағбатлантириш усуллари ишлаб чиқилган. Айниқса, кўпгина эркин иқтисодий зоналарда ташкил этилган корхоналарга нисбатан бундай енгиллик ва имтиёзлар кўпроқ ишлатилади.

Ҳозирда Хитой ҳукумати мамлакатнинг ички туманларига кўплаб хорижий инвестицияларни жалб этиш учун уларни узоқ муддатга солиқ тўлашдан озод этиш, фойдасини ҳар қандай тўсиқларсиз олиб чиқиб кетиш каби шарт-шароитларни яратмоқдалар. Маҳаллий ҳокимиятлар маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш учун чет эл капиталини жалб қилишни рағбатлантириш дастурларини марказий органларнинг рухсатсиз ҳаётга татбиқ этишлари мумкин.

Хитой давлатининг инвестициялар бўйича қонунлари Япония, Жанубий Корея, Тайван, Сингапур каби давлатларнинг қонунларига кўп жиҳатдан ўхшаш ҳолда ишлаб чиқилган. Шунинг билан биргаликда таъкидлаш лозимки, турлича давлатларнинг қонунларида чет эл инвесторлари фаолиятига чекланмалар ҳам белгиланган. Деярли барча давлатларда чет эл капитали киритилиши мумкин бўлмаган тармоқлар мавжуддир. Қатор давлатларда чет эл инвестициялари учун айрим тармоқлар тўлиқ ёпиқдир.

Хорижий инвесторларнинг фаолияти бўйича чекловларни мувофиқлаштиришда маҳаллий органларнинг иштироки ҳам салмоқлидир. Қатор давлатларда маҳаллий ҳудуддаги иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, хорижий инвесторларнинг фаолиятида турлича чекловларни белгилайди. Масалан, АҚШнинг айрим штатларида фойдали қазилмаларга чет эл капиталини жалб этиш ман этилган бўлса, айрим штатларда ер участкасини сотиб олишда чекловлар белгиланган. Бироқ, Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина давлатларда ҳудудий инвестиция сиёсатидаги молиявий-иқтисодий имтиёзларнинг ва енгилликларнинг берилиши ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишларига замин яратмоқдалар.

Республикамизда ҳам вилоятларнинг, туманларнинг инвестицион фаолиятдаги фаоллигини ва мустақиллигини ошириш ҳудудларга чет эл инвестицияларини жалб этишда бир муҳим мезон бўлиши мумкин.

Инвестиция лойиҳаларини хорижий инвесторлар иштирокида инвестициялашни ташкил этиш қуйидаги йўналишда бўлгани мақсадга мувофиқдир:

— хорижий инвесторнинг лойиҳани реализация қилишдаги масъулиятини кучайтириш, уларнинг лойиҳани бошидан охиригача миллий инвесторларнинг улушидан кам бўлмаган миқдорда капитали билан самарали иштирок этишини таъ-

минлаш ва бундай масъулият ва мажбуриятлар меъёрий ҳужжатларда, жумладан шартномада қатъий қилиб белгиланиши ва амал қилиши керак;

— Ўзбекистан шароитида илғор замонавий ускуна ва технология эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда хорижий инвесторларни ўз технологияси ва ускуналарини ўзлаштириш тажрибаларини миллий кадрларга ўргатиш вазифасини юклаш ва уларнинг бундай мажбуриятларни бажаришга манфаатдорлигини ошириш зарур;

— инвесторлар манфаатларининг бир бирига мос келмаслиги, яъни хорижий инвесторларнинг мақсади юқори даражада фойда олиш, ўзбек инвесторлари эса фойда олиш билан бирга илғор технология ва иш тажрибасига эга бўлиш эканлигини ҳисобга олган ҳолда лойиҳани реализация қилмасданоқ шартномада томонларнинг улуши қандай валютада, қандай ўлчов бирлигида баҳоланиши, фойдани тақсимлаш тартиби аниқ ва қатъий белгиланиши мақсадга мувофиқдир;

Хорижий инвестиция қўшма корхоналар иқтисодиётини ўрганишдаги хориж тажрибалари қуйидаги ҳолатларга бефарқ бўлмастикни талаб этади:

— хорижий инвестициялардан олинган даромаднинг катта қисми қайта инвестицияланмай, корхоналарнинг хорижий ҳамкор-эгалари орасида тақсимланишига;

— хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича тақсимланишида асосан капитал тез айланадиган соҳаларга киритишга мойиллигига;

— хорижий инвесторлар ресурсларни бозор инфратузилмаси яхши ривожланган, аҳолиси тўловга қодир бўлган марказлар ҳамда хомашё минтақаларига жойлашга интилади.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш мураккаблашган шароитда, жамғармаларни тўплашнинг самарали механизмларидан воз кечмаган ҳолда асосий эътиборни давлатнинг инвестиция ролини кучайтириш асосида ички инвестицияларни фаоллаштириш чоралари тизимини ишлаб чиқишга қаратилиши зарур. Бу ҳолда жамғармаларни инвестицияларга жойлаш каби шартни амалга ошириш муҳим ўрин тутди. Иқтисодий субъектларнинг ўз жамғармаларини инвестицияларга жойлашга мойиллиги қўйилаётган маблағларни қайтариб ололмастик хавфи ва инвестициялаш оқибатида олинмаган даромад даражаси билан белгиланади.

Мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган бундай сабабларни бартараф этиш учун қуйидаги муаммоларни ҳал этиш лозим: тез-тез ўзгариб турадиган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари, солиқ тизими; инвестиция ва кредитларга оид таваккалчиликнинг юқори даражадалиги; инвестицияларни муҳофаза қилиш, маҳсулотларни ажра-

тиш механизмининг барқарорлик даражаси; банк тизимидаги айрим нуқсонларнинг мавжудлиги (ички бозорларда пул ресурсларининг танқислиги, улар тузилмаси муддатининг қисқалиги, тўлов ва ҳисоб-китобларнинг йўлга қўйилмаганлиги, банк ходимларининг инвестиция ва кредитларга оид таваккалчилигини баҳолаш тажрибасининг етишмаслиги кабилар.); инфратузилма даражасининг пастлиги (аудит, суғурта, консалтинг, баҳолаш, ҳуқуқий мадад, телекоммуникациялар, транспорт ва меҳмонхона хизмати); фонд бозорининг суст ривожланганлиги, депозит хизматининг номукамаллиги, бозорга тегишли маълумотларнинг етишмаслиги, фонд қимматли буюмларининг паст ликвидлиги; корхоналарда менежментнинг йўлга қўйилмаганлиги; эришилган битимларнинг бажармасликка йўл қўйилиши, инвестиция лойиҳаларини келишиш амалиётининг мураккаблиги, ҳисобга олиш тизимининг бухгалтерия молия ҳисоби ва ҳисоботи стандартларининг халқаро тизимига мувофиқ эмаслиги ва ҳ.к.

Айни вақтда шуни тан олиш керакки, республикада иқтисодиётимизга инвестиция киритиш салоҳиятига эга бўлган чет эллик инвесторлар билан қонунчиликда барча шароитлар яратилган бўлса-да, жойлардаги маҳаллий ҳокимиятлар талаб даражасида иш олиб бормаяпти. Авваламбор улар Ўзбекистондаги сармоя киритиш учун мавжуд бўлган катта имкониятлар, шунингдек, инвесторлар учун яратилган ҳар томонлама кенг, қулай шарт-шароит ва кафолатлар бўйича зарур, керакли ахборот ва маълумотларга эга бўла олмаяпти. Шу маънода Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузурида янги ташкил этилган хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлиги — “Ўзинфоинвест” фаолиятини янада жадаллаштириш мақсадга мувофиқ бўлиб, мазкур агентлик хорижий ишбилармон доираларини республикадаги мавжуд инвестиция муҳити ҳақида атрафлича ахборот билан таъминлаб қолмасдан, уларга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида ҳам ҳар томонлама кўмаклашади.



#### **АННОТАЦИЯ**

*В статье раскрывается роль иностранных инвестиции в развитии экономики. Автор приводит меры, принимаемые для привлечения иностранных инвестиции, а также опыт зарубежных стран в данной области.*

#### **SUMMARY**

*In article is being disclosed role of foreign investment in development of economy. Author cites measures, taking for attracting foreign investment, and experience of foreign states in this sphere.*

## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЭКСПОРТИ ВА ИМПОРТИ

Тобора кенгайиб бораётган капиталлар бозорининг байналмилаллашув жараёни бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар ўртасидаги капитал оқими ҳажмининг ортиб бориши билан ажралиб туради. Халқаро капиталлар оқими бу ишлаб чиқариш омилларидан бирининг ҳаракатидир. Бунда алоҳида товар ва хизматлар бошқа мамлакатлардаги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий афзаллиги туфайли ўша томонга оқиб ўтади. Бу ҳақда бевосита ва портфель инвестициялар ҳажмининг умумий ўсиши, қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ҳажмининг ортиши, евровалюта бозорларидаги операциялар миқёсининг ошиб бориши ва бошқалар дарак беради.

Халқаро капиталлар миграцияси халқаро иқтисодий муносабатларда етакчи ўринлардан бирини эгаллар экан, у ўз навбатида жаҳон ҳўжалиги ривожига сезиларли таъсир ўтказади. Бу таъсир, авваламбор, капиталлар миграциясининг жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатларида ўз аксини топади. Капитал ишлаб чиқаришнинг қулай инвестиция муҳити мавжуд соҳаларини излаб, чегараларни кесиб ўтади. Халқаро инвестициялар кўпчилик реципиент мамлакатлар учун ишлаб чиқаришдаги капитал етишмаслиги муаммосини ҳал этиш, инвестиция салоҳиятини ошириш ва иқтисодий ўсиш суръатларини тезлатиш имконини беради.

Капиталнинг четга чиқиши халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва ривожланишининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Мамлакатлараро капиталлар ҳаракати улар ўртасидаги иқтисодий алоқалар ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди, ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви ва операциялашувини чуқурлаштиради.

Халқаро капиталлар миграцияси жаҳон савдоси ривожини рағбатлантирар экан, у мамлакатлар ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширади, жумладан, халқаро корпорациялар филиаллари ўртасидаги оралиқ маҳсулотлар айирбошланишини тезлаштиради. Молиявий бозорларнинг ўзаро интеграциялашув ва байналмилаллашув шароитида капиталнинг халқаро такрорий ишлаб чиқарилиши таъминланади ҳамда халқаро иқтисодий алоқалар механизмнинг самарадорлиги ошади. Бошқа томондан эса назорат қилинмайдиган капиталлар оқими мамлакат тўлов баланси мувозанатининг бузилишига ва валюта курсининг сезилар-

ли даражада тебранишига олиб келади.

Деярли барча мамлакатлар амалда инвестицияларни ҳам экспорт, ҳам импорт қилади (чунки, БХИлар асосан ТМК орқали амалга оширилади) ёки инвестицияларни етказиб берувчи (қаерда ТМК бош бошқарув бўлими жойлашган бўлса) ҳамда қабул қилувчи (ТМК ўз шохобчалари, бўлимларига эга бўлса, улар БХИлар асосида ҳаракат қилишади) сифатида иштирок этишади.

Халқаро капиталлар миграцияси билан боғлиқ оқибатлар мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий мақсадларини амалга оширишга бевосита таъсир ўтказади. Табиийки, улардан кутиладиган салбий ва ижобий оқибатлар ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар, шунингдек, ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатлар учун турличадир. Аммо ҳар қандай шароитда ҳам салбий оқибатларни четлаб ўтган ҳолда фақатгина ижобий омиллардан фойдаланиш мумкин эмас. Хорижий капитални жалб қилиш билан боғлиқ ўта мураккаб ва зиддиятли жараён бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатида бу борада устувор йўналишларни белгилаб олиш лозим бўлади.

Ҳозирги кунда капиталларни жалб қилиш ва четга чиқариш борасидаги салбий оқибатларга қарамасдан капитални четга олиб чиқиш тенденцияси тобора кучаймоқда. Четга капитал олиб чиқишни фаоллаштирувчи омиллардан бири миллий иқтисодиётлар ўртасида ўсиб бораётган ўзаро боғлиқлик ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви капиталлар халқаро миграциясига катта таъсир ўтказади ва унинг ҳаракатини тезлаштиради. Капитал экспорти айниқса, бевосита инвестициялар шаклида четга олиб чиқилиши ишлаб чиқаришнинг халқаро тус олишига ва халқаро маҳсулот деб аталмиш маҳсулотларнинг яратилишида асосий омил ҳисобланади.

Халқаро капиталлар миграцияси жаҳон ҳўжалигининг ривожланишида рағбатлантирувчи омил сифатида юзага чиқиши билан биргаликда хорижий капитални жалб қилувчи ва экспорт қилувчи мамлакатлар учун турли оқибатларга олиб келувчи таъсир ўтказади.

Капитални экспорт қилувчи мамлакатлар учун капиталлар миграцияси қуйидагича салбий таъсир кўрсатиши мумкин:

— четга чиқарилаётган капитал ўрнини қопловчи хорижий инвестицияларни жалб қилмаслик четга капитал чиқарувчи мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатларини секинлаштириши мумкин;

— капитални экспорт қилувчи мамлакатлар учун капитални четга чиқариш уларда бандлик даражасининг пасайишига олиб келади;

— четга капитал чиқариш мамлакат тўлов балансига салбий таъсир қилади.

Капитални қабул қилувчи мамлакатлар учун эса куйидаги ижобий томонлар хос:

— бошқариладиган капитал импорти мамлакат иқтисодий ўсишига ёрдам беради;

— жалб қилинган капитал кўшимча иш ўринларини яратади;

— хорижий капитал янги технологияларни олиб келади, самарали менежмент эса мамлакатда илмий-техника тараққиёти (ИТТ)ни тезлаштиради;

— капиталнинг кириб келиши реципиент мамлакат тўлов балансининг яшиланишига олиб келади.

Ўз навбатида, капитални жалб қилишнинг салбий оқибатлари ҳам мавжуд:

— хорижий капитал миллий капиталнинг ўрнини эгаллаб, уни фойда нормаси юқори тармоқлардан сиқиб чиқаради, натижада маълум шароитлар таъсирида мамлакат иқтисодиётининг бир томонлама ривожланиши ва унинг иқтисодий ҳолати хавф остида қолиши мумкин;

— капитал импорти кўпинча реципиент мамлакат бозорларида ўз ҳаётий циклини ўтаб бўлган товарларни ўтказиш билан боғлиқ, шунингдек, ишлаб чиқаришдан сифатсизлиги аниқланганлиги боис олиб ташланган товарлар билан боғлиқ бўлади;

— ссуда капитали импорти мамлакат ташқи қарзининг кўпайишига олиб келади;

— молиявий инқирозлар натижасида ва фонд бозорларидан капиталнинг оқиб кетиши мамлакат валютасининг барқарорлигига ва умумий молиявий-иқтисодий ҳолатга жиддий зарар етказиши мумкин. Мисол учун, 1997 йилда Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларида юз берган молиявий инқироз ва унинг жаҳон иқтисодиётига таъсирини келтириш мумкин.

ТМКларнинг кўплаб филиаллари орқали капитал кўйиш ишлаб чиқаришнинг халқаро кооперациялашувига олиб келади. Турли мамлакатларнинг

мустакил юридик компаниялари бир халқаро корпорация доирасида тармоқли, технологик, деталли ихтисослашув орқали яқин алоқада бўлишади. Капитал экспорти эса бу алоқаларни мустаҳкамлайди.

Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши таъминлаш, саноатнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш, бандликни ошириш учун салмоқли ҳажмдаги хорижий капитални жалб этиш билан боғлиқ иқтисодий сиёсатлари ҳам капиталлар миграциясини рағбатлантирувчи омиллардан бири ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатлар эса инвестиция муҳитини эркинлаштириш орқали хорижий капитални жалб этиш ва бу орқали иқтисодий ривожланишга туртки беришга ҳаракат қилишади. Капиталларнинг халқаро ҳаракатини рағбатлантирувчи омиллардан яна бири халқаро молиявий ташкилотлар фаолияти бўлиб, улар капиталлар оқимини тартибга солиб туришади.

Мамлакатлар ўртасида тузилган даромадлар ва капиталларни икки қарра солиққа тортишнинг олдини олиш мақсадидаги халқаро келишувлар ўз навбатида мамлакатлар ўртасидаги савдо, илмий-техник ҳамда инвестицияларни жалб қилиш бора-сидаги алоқаларни мустаҳкамлайди.

Амалда дунёдаги барча мамлакатлар БХИларни фаол қўллаб-қувватлашмоқда. Уларнинг эркин ҳаракати учун қулай муҳит яратишга интилоқда, мавжуд чекланишлар бекор қилинмоқда, экспроприация қилинишдан сақлаш ҳолатлари кучайтирилмоқда, амалдаги бозор рақобати учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистон капитални импорт қилувчи мамлакат сифатида жаҳон майдонига чиққан. Бу борада бир қатор миллий манфаатлар ҳисобга олинади. Кириб келаётган хорижий инвестициялар ҳозирча етишмаётган миллий ресурсларни тўлдириши, замонавий технологиялар, усқуналар, «ноу хау»ни олиб кириш, хорижий мутахассислар, эксперт ва консультантларни жалб қилиш туфайли маҳсулот сифати ва ишчи кучи малакасини ошириши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, кўшимча иш ўринлари яратади, ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий кооперация туфайли мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига ёрдам беради.

## АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается процесс перемещения международных капиталов. Автор раскрывает роль и значение экспорта-импорта иностранных инвестиции в развитии экономики стран, участвующих в данном процессе.

## SUMMARY

In article, is being considered process of movement international capitals. Author discloses role and significance of exporting and importing of foreign investment in development of economy of countries participating in this process.

Хуршид КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг  
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси

## ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИТОРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Республикаимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ бозор муносабатларини жорий этиш мамлакат иқтисодий ривожланишининг асосий ва бош йўналиши қилиб белгиланди. Шу маънода мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳит шакллантирилди, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг кўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими яратилди. Жумладан, 1996 йил Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги, 1998 йил 30 апрелдаги «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунларда чет эллик инвесторлар ҳамда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона тушунчалари ўз ифодасини топди ҳамда чет эл инвесторлари фаолияти ва уларнинг ҳуқуқларининг қонуний кафолатлари мустаҳкамланди.

Давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширувчи чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонунига асосан, чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари; давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар, чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар, чет эл давлати фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикасида чет эллик инвесторлар бўлиши мумкин.

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ўзларига

берилган барча ҳуқуқлар, кафолатлар ва имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар деганда, акцияларининг (улушлари, пайларининг) ёки устав жамғармасининг камида ўттиз фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар тушунилади. Улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатадилар. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қатнашчиларидан бири чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари ёки давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар, шунингдек, чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар мақомига эга бўлган чет эллик инвестор бўлиши шарт.

“Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига асосан: “Қонун ҳужжатлари, шу жумладан идоравий норматив ҳужжатлар, агар уларнинг ижроси чет эллик инвесторга ёки чет эл инвестицияларига зарар етказса, улар орқага қайтиш кучига эга эмас.

Агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиради, унда чет эллик инвесторларга нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўлланилади. Чет эллик инвестор ўз хоҳишига кўра янги қонун ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларини қўллаш ҳуқуқига эгадир”<sup>1</sup> деб мустаҳкамланган.

Чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикасида олган даромадлари чет эллик инвесторнинг хоҳишига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реинвестиция қилиниши ёки бошқа ҳар қандай усул-

да ишлатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонунда чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда, чет эллик инвестор етказилган зарар учун суд тартибида шунга монанд товон олиш ҳуқуқига эга эканлиги, давлат бошқарув органлари ёки давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини камситувчи норматив ҳужжатлар қабул қилинган тақдирда, шунингдек улар чет эллик инвесторларнинг хўжалик фаолиятига ғайриқонуний аралашган ҳолларда етказилган зарар шу органлар томонидан суд тартибида қопланиши мустаҳкамланган.

Албатта, юқоридаги имтиёз ва кафолатларнинг қонунчиликда мустаҳкамланиши натижасида мамлакатимизда хорижий инвестициялар кенг жалб қилинмоқда ҳамда улар иштирокидаги корхоналар сони ортмоқда. Бу эса ўз навбатида, иқтисодийнинг ўсишига хизмат қилмоқда. Жумладан, «Ўтган 2012 йилда иқтисодийтимизга 11 миллиард 700 миллион АҚШ доллари миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир»<sup>2</sup>. Ушбу рақамлар ҳам мамлакатимизда хорижий инвесторлар ва хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида яратилган имконият ва имтиёзларнинг натижасидир.

Таъкидлаш лозимки, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этили-

шини рағбатлантиришни кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2012 йил 10 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Фармонда вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, тижорат банклари томонидан хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ қўшимча талаблар ва чекловлар ўрнатилиши қатъиян тақиқланди. Шунингдек, хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларида кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақлидирлар, деб мустаҳкамланди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, хорижий инвестицияларни иқтисодийтимизга кенг жалб этиш мамлакат ички бозорини рақобатбардош маҳсулотлар билан бойитишга, экспорт ҳажмининг ошишига, валюта барқарорлигини таъминлашга, шунингдек, энг асосийси иқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга олиб келади.

## АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросам правовых гарантии деятельности иностранных инвестиции. Автор приводит нормативно-правовые акты, принятые для защиты прав и интересов, иностранных инвесторов осуществляющих свою деятельность в Узбекистане.

## SUMMARY

The article is devoted to questions of legal guarantees of foreign investment activity. Author cites normative legal acts passed for defense of rights and interests of foreign investors realizing their activity in Uzbekistan.

<sup>1</sup> “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 513-модда.

<sup>2</sup> Ислоҳ Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Халқ сўзи 2013 й. 19 январь. №13 (5687)

Адҳам ОДИНАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг  
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси

## МАЖБУРИЯТ ҲУҚУҚИ СОҲАСИДА НЕУСТОЙКАНИ ҚЎЛЛАШ: ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ ВА ТАҲЛИЛИЙ ХУЛОСАЛАР

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш во-ситаси ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шак-ли бўлган неустойка хусусий ҳуқуқнинг узоқ йил-лар мобайнида шаклланган халқаро институти ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг амал-даги қонун ҳужжатларида норматив мустаҳкамлан-ган ва фуқаролик қонунчилигининг ривожланиш жараёнида муттасил такомиллашиб келаётир. Маз-кур институтни такомиллаштириш икки йўналишда амалга оширилмоқда: биринчи йўналиш — неус-тойка институти қоидаларини Ўзбекистон Респуб-ликасининг ички қонунчилигида бевосита ривож-лантириш; иккинчи йўналиш — неустойка тўғриси-даги айрим қоидаларни бошқа мамлакатларнинг ҳуқуқ нормаларидан, халқаро хусусий ҳуқуқдан ўзлаштириш. Масалан, Ўзбекистон Республикаси-нинг Фуқаролик кодексида назарда тутилган олди-сотди, юк ёки йўловчи ташиш мажбуриятлари, шу-нингдек мазкур мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик чораси Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро қонунчилик, чунончи, БМТнинг 1980 йилги “Халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисида”ги Вена конвенцияси, 1956 йилги “Юкларни автомо-биль транспортида халқаро ташиш шартномалари тўғрисида”ги Женева конвенцияси, 1924 йилги “Ко-носамент тўғрисидаги баъзи бир қоидаларни уни-фикация қилиш ҳақида”ги Брюссель конвенцияси, “Инкотермс” қоидаларининг бирикмасини ўзида ифодалайди.

Неустойка институтини ўрганиш у мажбурият-лар бажарилишини таъминлашнинг айниқса кенг қўлланиладиган ва энг самарали усули ҳисоблани-шини кўрсатади. Неустойка институтининг содда-лиги, қулайлиги ва универсаллиги фуқаролик ҳуқуқида унинг яшовчанлигини кафолатлайди.

Неустойканинг жалб қилувчанлиги, у шартнома мажбуриятларини таъминлаш мақсадида кенг қўлла-ниши энг аввало шу билан изоҳланадики, неустой-ка қарздорлар ўз мажбуриятларини бажармаслик-лари ёки лозим даражада бажармасликлари нати-жасида кредитор кўрган зарарларни соддалашти-рилган тартибда қоплашнинг қулай воситаси ҳисоб-

ланади.

Мажбурият ҳуқуқи соҳасида неустойкага қуйи-даги хусусиятлар хосдир:

— шартнома тузилган пайтда тарафларга маъ-лум бўлган мажбуриятни бузганлик учун жавобгар-лик ҳажмининг олдиндан белгиланганлиги;

— мажбурият бузилганлиги ҳолати учун неус-тойка ундирилиши мумкинлиги, бунда зарар етқа-зилгани ва унинг миқдорини тасдиқловчи далиллар тақдим этиш талаб этилмаслиги;

— тарафлар шартноманинг неустойка тўғриси-даги шартини ўз ихтиёрига кўра таърифлаш (қону-ний неустойка бундан мустасно), шу жумладан, унинг миқдорини белгилаш имкониятига эгаллиги.

Фуқаролик қонунчилигида неустойканинг ўрни ва ролига оид мулоҳаза ва фикрлардан келиб чи-қиб, қуйидагича илмий-назарий ва таҳлилий хуло-салар қилиш мумкин:

**Биринчидан**, неустойка мажбурият бажарили-шини таъминлаш усули, фуқаролик-ҳуқуқий жавоб-гарлик шакли, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш усу-лидир. Мажбурият бажарилишини таъминлаш усу-ли сифатида неустойка шартномани тузиш ва уни бажариш босқичида қарздорни шартнома мажбу-риятини лозим даражада бажаришга рағбатланти-риш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгар-лик шакли сифатида неустойка мажбуриятнинг бу-зилиши босқичида неустойка билан бирга қўлла-нилаётган бошқа ҳимоя чораларига қараб, қарз-дорни мажбуриятни бажаришга рағбатлантириш ёки йўл қўйилган мажбуриятнинг бузилишини тузатиш-га даъват этиш воситаси ёхуд кредиторнинг мулкӣ зарарларини қоплаш воситаси бўлиб хизмат қила-ди. Бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш усули сифатида неустойка ё мажбуриятнинг бузилишини тўхтатиш ва бартараф этиш ё ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш, бузилган ҳуқуқни тиклаш ва кўрилган зарар-ларни қоплаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

**Иккинчидан**, мажбуриятнинг бузилиши босқичи-да неустойка ё мажбуриятни бузувчи учун қўшим-ча жавобгарликни, ё унга янги ёки қўшимча маж-буриятлар юклашни ўзида ифодалаши мумкин.

бўлиб, бу мажбуриятни бузиш хусусияти, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг танланган усули, неустойка тури ва миқдори, неустойканинг зарарлар билан нисбати ва мазкур зарарлар таркиби (бузилган мажбурият суммаси миқдориди; бузилган мажбурият суммаси ва олинмаган даромадлар суммасининг йиғиндиси тарзида) билан белгиланади. Масалан, неустойка қўлланган ва мажбуриятни асп ҳолида бажаришга мажбурлаш амалга оширилганда неустойка ҳуқуқбузар учун салбий мулкый оқибатларга сабаб бўлувчи қўшимча мажбуриятни ўзида ифодалайди (масалан, маҳсулотни тўлиқ етказиб бермаганлик учун неустойка ундирилиши қарздорни фақат шартнома бўйича товарни мазкур шартномада белгиланган миқдорда, ҳажмда ва муддатда топшириш бошланғич мажбуриятини бажаришга рағбатлантиради). Ҳисобга олинадиган, муқобил ёки мутлақ неустойка тарзидаги жавобгарлик, агар уларнинг миқдори кўрилган зарар миқдорига тенг ёки ундан оз бўлса, бошланғич ҳуқуқий муносабатнинг шаклини ўзгартиради ва ҳуқуқбузар учун қўшимча салбий оқибатларга сабаб бўлмайди.

**Учинчидан**, кредитор қарздорни жавобгарликка тортиш учун қонун билан тартибга солинган ҳуқуққа эга. Шу туфайли ҳам тарафлар ўзаро келишувга биноан неустойка тўғрисидаги келишувни шартномани тузиш ва бажариш босқичидагина эмас, балки мажбуриятни бузиш босқичи — “жавобгарлик” босқичида ҳам, агар неустойкани тарафлар шартномани тузиш босқичида келишган бўлмасалар, тузишлари мумкин.

**Тўртинчидан**, бировнинг пул маблағидан фойдаланганлик учун банк фоизларидан фарқли равишда, неустойкага хос бўлган принциплардан бири сифатида тарафлар жавобгарлигининг тенглиги принципи амал қилади. Мазкур принцип тарафлар муқобил мажбуриятларидан ҳар бирининг бутун шартномани бажариш учун муҳимлик даражасига баҳо беришга асосланади.

**Бешинчидан**, неустойкани амалга ошириш принципларини таснифлаш тўрт мезонга мувофиқ амалга оширилиши мумкин: 1) неустойкани амалга оширишнинг фуқаролик ҳуқуқида жавобгарлик юклашнинг умумий асослари билан ўзаро нисбатига кўра (жавобгарликнинг муқаррарлиги ва тарафларнинг тенглиги принципи); 2) неустойкани таъминлаш объектига, яъни таъминланаётган мажбуриятга нисбатан (мажбурият тўлиқ ва амалда бажарилишини таъминлаш принципи); 3) мажбуриятларга доир ҳуқуқий муносабат субъектларига нисбатан (кредиторга нисбатан — унинг неустойканинг қўлланишидан манфаатдорлиги принципи, қарздорга нисбатан — қонунда назарда тутилган ҳолларда неустойка амалга оширилганда ҳуқуқбузарнинг айбдорлиги принципи); 4) неустойканинг ўзига нисбатан (неустойка миқдори ва уни қўллаш асосларини дифференциация қилиш принципи, шунингдек неустойканинг ҳуқуқбузарлик ҳажмига эквивалентлиги принципи).

**Олтинчидан**, “кенг маънода” неустойкани таъминлаш объекти сифатида мулкый неъматлар бир шахсдан бошқа шахсга қонуний ўтиши билан боғлиқ бўлган, ўз шакли ва мазмунига кўра қонунга мувофиқ бўлган шартнома шаклига солинган мулкый, мажбуриятларга доир ҳуқуқий муносабатлар амал қилади. Бунда тарафларнинг улар имзолаган ягона ҳужжат тарзида эмас, балки хатлар, телеграммалар айирбошлаш тарзида тузилган шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлари фақат қонуний неустойкани таъминлаш объекти бўлиши мумкин. Бу шартномавий неустойка тўғрисида ёзма келишувнинг йўқлиги билангина эмас, балки тарафларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларини тўлиқ ҳажмда тартибга солувчи битта ҳужжат тарзидаги шартноманинг йўқлиги билан ҳам белгиланади.

Тарафларнинг оғзаки битим бўйича мажбуриятлари айрим ҳолларда, агар бундай жавобгарлик қонунда белгиланган бўлса, қонуний неустойка билан таъминлаш объекти бўлиши мумкин.

**Еттинчидан**, “тор маънода” неустойкани таъминлаш объекти сифатида ФҚда кўрсатилган мажбуриятларга доир ҳуқуқий муносабатлар, шунингдек қонун билан тўғридан-тўғри тартибга солинмаган, бироқ фуқаролик қонунчилигининг умумий асослари ва маъноси билан мувофиқ келадиган мажбуриятларга доир ҳуқуқий муносабатлар амал қилади. Бундай мажбуриятларга тарафларнинг қонунга мувофиқ ва шартноманинг талаб этилган шаклига риоя этган ҳолда тузилган ҳақ тўлашга асосланган, икки тарафлама ва бир тарафлама, консенсуал ва реал шартномаларига доир мажбуриятлари киради. Ҳақ тўлашга асосланган шартномалар доирасида “айирбошлаш” мажбуриятлари ва “таваккал” мажбуриятлар фарқланадики, улар умумий қоидага биноан, суд йўли билан ҳимоя қилиниши мумкин эмас, бинобарин, неустойкани таъминлаш объекти ҳисобланмайди.

**Саккизинчидан**, ҳақ тўлашга асосланмаган шартномаларда неустойка чекланган тарзда қўлланиши қуйидагилар билан белгиланади: биринчидан, фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш методи билан; иккинчидан, шартнома мажбуриятининг хусусияти ва тури билан (бир тарафлама ёки икки тарафлама шартнома). Неустойка фақат қонун чиқарувчи мазкур муносабатларни тартибга солиш учун диспозитив методдан фойдаланган жойда қўлланиши мумкин. Бир тарафлама шартномага мувофиқ таъминлаш объекти сифатида фақат мажбуриятли тарафнинг мажбуриятлари; икки тарафлама шартномага мувофиқ эса — шартнома қайси тараф манфаатларида тузилган бўлса, шу тараф мажбуриятлари амал қилади.

**Тўққизинчидан**, неустойкани таъминлаш бевосита объектининг юзага келиши ва ҳар бир турдаги шартнома бўйича неустойкани қўллаш имконияти айна шу ҳуқуқий оқибатлар билан, яъни бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг кредитор ҳуқуқининг бўзилиши хусусиятидан келиб чиқиб танлайдиган

усуллари билан белгиланади. Бунда неустойка ё бир қарра қўлланиладиган жарима ёки бошқа қайд этилган пул суммасида (кредитор, агар бу қонун ёки шартномада ижозат этилган бўлса, шартнома-ни бажаришдан бир тарафлама тартибда бош торган ҳолда), ё давомли пеня тарзида (қарздор мажбуриятни бажаришга мажбур қилинганда) ифодаланиши мумкин.

**Ўнчинчидан**, юридик шахслар томонидан фаол қўлланиладиган ва фуқаролик муомаласида аҳамиятга молик бўлган ҳуқуқий муносабатлар — олдисотди (товар етказиб бериш) шартномаси, пудрат шартномаси бўйича, шу жумладан, ишлар (товарлар) сифатидаги бартараф этса бўладиган нуқсонлар учун (ишнинг сифатсизлиги учун 5% жарима), ишларни бажариш муддатларини ва уларни топшириш муддатларини бузганлик учун (0,1% пеня) қонуний неустойкалар тўғрисидаги нормалар белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Ўн биринчидан**, неустойка ўз юридик табиати ва вазифасига кўра ФКда санаб ўтилган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг барча усуллари билан ҳам қўлланилавермайди. Неустойка ҳимоя усули сифатида шартнома бўйича мажбуриятларга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бошқа усуллари билан бирга қўлланиши мумкин ва бу амалда кўпроқ учрайди, чунки неустойка қўлланилганга қадар кредитор асосий мажбурият бўйича қўлланиладиган оқибатлар хусусида бир тўхтамга келиши лозим.

**Ўн иккинчидан**, неустойка ва бировнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг фуқаролик қонунчилигининг жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидаларига бўйсундирилган алоҳида шакллари ҳисобланади. Пул мажбуриятларини бажармаганлик учун йиллик фоизлар тўлашдан неустойканинг фарқи тартибга солинадиган муносабатлар соҳасида (неустойка фақат мажбурият хусусиятига эга бўлган шартномага доир ҳуқуқий муносабатларни таъминлаш воситаси ҳисобланади), неустойканинг таъминлаш объектида, неустойкага мажбурият лозим даражада ва амалда бажарилишини рағбатлантириш хос эканлигида, тарафларнинг тенг жавобгарлиги принципида, неустойка миқдорини аниқлаш, неустойканинг қўлланиш механизмида ва қонуний неустойкани тартибга солиш режимида намоён бўла-

ди.

**Ўн учинчидан**, суднинг неустойкани камайтириш ҳуқуқи тўғрисидаги норма қонунга мутлақо асосли равишда киритилган. Айни пайтда қонунда қуйидагилар назарда тутилса, бизнингча, айни муддао бўлур эди: а) айниқса кўп такрорланадиган мажбуриятларни бузиш ҳоллари бўйича неустойкани камайтириш чегарасини белгилаш учун алоҳида мезонлар; б) неустойкани камайтиришнинг қуйи ва юқори чегараси; в) неустойкани камайтириш мезонлари сифатида (бирон-бир ҳуқуқий юкка эга бўлмаган) “мажбуриятни бузиш оқибатлари” тушунчаси ўрнига бажарилмаган ёки бузилган мажбурият суммаси; мажбуриятни бузиш хусусияти: мажбурият тўлиқ бажарилмаганми (бу ўз оқибатларига кўра қаттиқроқ чоралар қўлланишига сабаб бўлиши лозим) ёки мажбурият қисман ёки бартараф этиш мумкин бўлган нуқсонлар билан бажарилганми; кредитор томонидан йўл қўйилган мажбурият бузилишининг олдини олиш чоралари кўрилиши (бу неустойканинг қарздорни мажбуриятни лозим даражада бажаришга рағбатлантириш чораси сифатидаги табиати билан уйғундир); мажбуриятни бузиш даври ва қарздорнинг мажбурият бузилишининг олдини олиш борасидаги ҳаракатсизлиги каби кўрсаткичларни киритиш; г) қонунда жаримавий неустойкани камайтириш чегараси сифатида ундириш асосли равишда талаб қилинаётган зарар суммаси чегарасидан четга чиқадиган ундирувнинг муайян суммасини (кўрсаткичини) белгилаш.

**Ўн тўртинчидан**, неустойкани ундириш тўғрисидаги низолар даъво предмети ва асоси бўйича мураккаб низолар ҳисобланмайди. Одатда, иш бўйича қарздорлар даъвогарнинг талабларини тан оладилар ва айни пайтда ундирилиши лозим бўлган неустойка миқдорини камайтириш ҳақида илтимос билан арз қилдилар. Тарафлар ўртасидаги келишмовчиликларни тартибга солиш ва ишни ярашув билан яқунлаш учун қонунда берилган ваколатлар судлар томонидан фаол қўлланилади. Амалда суд процессларининг аксарияти ярашув билан тугайди. Бизнингча, неустойка ундириш тўғрисидаги низоларни судга қадар ҳал қилиш ёки уларни судда кўришнинг соддалаштирилган тартиби қонун йўли билан жорий этилса, судда кўриладиган бундай низолар сонини қисқартирган, шунингдек суд қарори тезкорлик билан қабул қилинишига кўмаклашган бўлур эди.



## АННОТАЦИЯ

В статье приведены научно-теоретические и аналитические выводы применения неустойки в области обязательственного права.

## SUMMARY

In article have been cited theoretical and analytic conclusions applying penalty in sphere of obligatory law.

# НОРМАТИВНО — ПРАВОВОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СУБЪЕКТОВ ПРОФИЛАКТИКИ ПРЕСТУПНОСТИ СРЕДИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

За годы независимости в Республике Узбекистан осуществлена последовательная демократизация судебно-правовой системы и либерализация системы уголовного наказания. Реформирован институт адвокатуры, усовершенствована деятельность прокуратуры, приняты ряд других мер, направленные на демократизацию всей судебно-правовой системы, что нашло отражение в совершенствовании нормативно-правовой базы профилактики правонарушений и деятельности правоохранительных органов по предупреждению преступности среди несовершеннолетних.

Важнейшими этапами реформирования судебно-правовой сферы явилось принятие Законов Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в Уголовный, Уголовно-процессуальный кодексы и Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности в связи с либерализацией уголовных наказаний»<sup>1</sup>, «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с совершенствованием законодательства о защите прав несовершеннолетних»<sup>2</sup>, а также Постановлений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О применении в судебной практике закона «О внесении изменений и дополнений в уголовный, уголовно-процессуальный кодексы и кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности в связи с либерализацией уголовных наказаний» «О судебной практике по делам о примирении».

В целях осуществления эффективной профилактики и предупреждения преступности среди

несовершеннолетних были приняты Законы Республики Узбекистан «Об основах государственной молодежной политики, «О гарантиях прав ребенка», «О профилактике безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних», а также Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О судебной практике по делам о преступлениях несовершеннолетних», Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об утверждении положения о центрах социально-правовой помощи несовершеннолетним органов внутренних дел», «О дополнительных мерах по совершенствованию деятельности комиссий по делам несовершеннолетних», «О дополнительных мерах по совершенствованию воспитания детей, формированию здорового и гармонично развитого поколения».

Практика показала, что в результате применения всего комплекса законов и государственных программ за период с 2002 по 2012 гг. в республике наблюдается тенденция снижения преступности среди несовершеннолетних. Этому во многом способствовала эффективная деятельность органов прокуратуры, судов, адвокатуры, органов внутренних дел, комиссий по делам несовершеннолетних, образовательных учреждений, органов самоуправления граждан и других общественных организаций.

В научных исследованиях, посвященных изучению проблем преступности несовершеннолетних и её профилактики, понятие «профилактика преступности несовершеннолетних» рассматривается как: основанная на определенных науч-

ных концепциях, законах, нормативно-правовых актах деятельность государственных и негосударственных институтов, направленная на реализацию целей, задач, форм и методов предупреждения преступности несовершеннолетних с целью защиты граждан, общества, государства от преступных посягательств. Однако следует отметить, что само понятие «преступность несовершеннолетних» не имеет четкого научно обоснованного определения, не сформулировано как юридическая дефиниция в законе, нормативно-правовых актах, источниках по уголовному, уголовно — процессуальному.

В нашем понятии «*преступность несовершеннолетних*» — это негативное социальное и уголовно-правовое явление, имеющее свои причины и особенности, закономерности возникновения и проявления, основу которого составляет совокупность нарушений правовых норм, виновных общественно опасных деяний, совершенных несовершеннолетними, влекущее применение к ним системы наказаний от имени государства, осуществления комплексных мер её предупреждения, профилактики, устранения. Данное определение предполагает рассматривать феномен преступности несовершеннолетних в более широком и комплексном понимании, как негативно-социального (криминологический аспект) и уголовно-правового явления.

С научно-методической точки зрения для комплексной и эффективной организации профилактики преступности среди несовершеннолетних большое значение имеют общие социальные и воспитательные меры; меры специального криминологического предупреждения; меры ранней профилактики; меры собственно предупредительно-воспитательного воздействия, меры профилактики и предупреждения рецидива.

**Общие социальные и воспитательные меры.** Это меры, которые прямо ориентированы на их применение ко всем несовершеннолетним, учащимся образовательных учреждений с целью предупреждения правонарушений и совершения преступлений. А также меры, опосредованно достигающие этой цели, создающие условия для формирования правосознания и законопослушного поведения у несовершеннолетних.<sup>3</sup>

В целях осуществления эффективной профилактики необходимо строгое разграничение воспитательной и профилактической компетенции между государственными и правоохранительными органами, органами самоуправления гражд-

дан и другими общественными организациями при их тесном социальном партнерстве в реализации государственной молодежной политике.

**Меры специального криминологического предупреждения** — это меры, непосредственно направленные на профилактику преступлений среди подростков. Они специально предназначены для воздействия на факторы, детерминирующие преступность, и субъектов, совершивших преступления либо способных совершить их в будущем в силу присущих им личностных особенностей.

Поскольку практика часто показывает примеры ограниченного понимания содержания профилактики, важно подчеркнуть, что мерами воздействия на личность они не исчерпываются. Меры индивидуального предупреждения направлены на профилактику правонарушающего поведения конкретного лица. Соответственно они должны учитывать особенности личности, индивидуальную специфику его жизненных обстоятельств. Успешность индивидуального предупреждения зависит от состояния профилактической деятельности в обществе, регионе, учебных группах школы, колледжа, лица.

Например, неэффективность мер индивидуальной профилактики несовершеннолетнего, совершившего преступление, обуславливается отсутствием коррекционных программ с учетом его индивидуально-психологических личностных особенностей. Хотя в Законе Республики Узбекистан «О профилактике безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних» определено понятие «индивидуальная работа», но меры индивидуально-коррекционной работы по перевоспитанию и исправлению несовершеннолетнего не обозначены.

**Меры ранней профилактики.** К ним относятся меры, направленные на раннее предотвращение, заблаговременное предупреждение действия факторов, отрицательно влияющих на формирование личности и поведение подростков, устранение источников возможных негативных влияний. Например, выявление неблагополучных в воспитательном отношении семей, компенсация недостатков семейного воспитания, помощь в бытовом, трудовом устройстве несовершеннолетних, обеспечение их профессиональной ориентации и позитивной досуговой занятости. На наш взгляд, ранняя профилактика включает ранее выявление неблагополучных семей и создание банка данных о семьях и детях, находя-

щихся в социально опасной ситуации и своевременное осуществление комплекса мер правовой, социально-медицинской, психолого-педагогической помощи семье. Раннее предупреждение должно рассматриваться как самое перспективное, гуманное и экономичное направление профилактики преступности несовершеннолетних, оказывающее влияние и на будущие характеристики преступности в целом. К сожалению, на практике потенциал ранней профилактики оценен еще не полностью, в том числе и правоприменительными органами. При этом усилия субъектов профилактики и предупреждения в основном концентрируются на выявлении криминогенных факторов и их преодолении. Обращение к факторам антикриминогенного свойства, способным упреждать отклонения в поведении, остается существенным резервом ранней профилактики.

**Меры собственно предупредительно — воспитательного воздействия.** Их комплекс составляют мероприятия по целенаправленному воспитательному и перевоспитывающему воздействию на несовершеннолетних, поведение которых уже свидетельствует об опасности совершения преступления в будущем, пресечению действий лиц, отрицательно влияющих на подростков, по устранению факторов, которые привели к нарушению несовершеннолетними моральных и правовых норм. Сюда относятся меры контроля за поведением подростков-правонарушителей со стороны подразделений профилактики правонарушений несовершеннолетних ОВД; меры, применяемые к родителям, отрицательно влияющим на детей или уклоняющимся от выполнения воспитательных обязанностей; принудительные меры воспитательного воздействия, применяемые судами, комиссиями по делам несовершеннолетних к подросткам, совершившим преступление.

**Меры профилактики и предупреждения рецидива.** Их цель — перевоспитывающее воздействие, контроль и социальная помощь несовершеннолетним, совершившим преступление, нейтрализация криминогенных факторов социальной среды, способствовавших совершению преступления. К таким мерам относятся: воспитательная деятельность специализированных учебно — воспитательных учреждений, учреждений исполнения наказания; контроль и помощь в бытовом, трудовом устройстве несовершеннолетним, отбывшим наказание; перевоспитывающее воздействие в отношении осужденных к наказанию без лишения свободы.

Таким образом, предупреждение правонарушающего поведения и преступности среди несовершеннолетних осуществляется широким кругом субъектов. По роли, месту профилактического направления в их деятельности выделяют:

1) субъектов, выполняющих функции предупреждения правонарушающего поведения несовершеннолетних в качестве одного из направлений более широкой социальной деятельности;

2) субъектов, чья деятельность связана с воздействием на преступность, в том числе и преступность несовершеннолетних, включая и профилактическое направление;

3) специализированных субъектов, содержание деятельности которых образует именно предупреждение правонарушающего поведения лиц несовершеннолетнего возраста.

К первой группе субъектов относятся: органы исполнительной власти, образовательные учреждения, учреждения культуры и спорта, организации сферы туризма и СМИ, органы самоуправления граждан и инспектора опорных пунктов милиции, общественные организации (ОДМ «Камолот», РЦСАД, ОДФ «Сен елгиз эмассан», Центры «Духовности и просветительства» и др.); органы по труду и социальной защите, учреждения здравоохранения. Все они в совокупности выполняют функции профилактики безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних в рамках более широкой социальной деятельности. Среди множества субъектов данного уровня особо следует выделить общеобразовательные школы, школы-интернаты, профессиональные колледжи, академические лицеи, осуществляющие предупреждение правонарушений в процессе воспитания и обучения несовершеннолетних детей и подростков.

Ко второй группе следует отнести органы прокуратуры и внутренних дел, суды, адвокатуру, органы по труду и социальной защите, учреждения здравоохранения, которые согласно полномочиям участвуют в профилактике безнадзорности, правонарушений и преступности несовершеннолетних в различных формах и на разных уровнях.

В третью группу — специализированных субъектов профилактики безнадзорности, правонарушений и преступности среди несовершеннолетних, входят комиссии по делам несовершеннолетних, подразделения профилактики правонарушений несовершеннолетних ОВД, специализированные учебно-воспитательные учреждения системы

общего среднего и среднего специального, профессионального образования; учреждения исполнения наказания для несовершеннолетних; органы по труду и социальной защите, учреждения здравоохранения. Их участие в профилактике рецидивов среди несовершеннолетних заключается в организации деятельности по социальной адаптации их в общество

Таким образом, в целях осуществления эффективной профилактики и предупреждения преступности среди несовершеннолетних необходимо активное и согласованное взаимодействие всех заинтересованных ведомств, органов и учреждений, которые образуют систему, направлен-

ную на борьбу с данным негативным явлением. При этом основными принципами межведомственного взаимодействия должны являться:

— координация деятельности, разделение полномочий и повышение ответственности субъектов профилактики всех уровней в решении проблем несовершеннолетних;

— осуществление комплекса мер, обеспечивающих гуманизацию социума, гармоничное развитие личности, профилактику школьной и социальной дезадаптации;

— гласность и открытость в решении проблем несовершеннолетних, обеспечение их прав на образование, социальную и правовую защиту.



#### **АННОТАЦИЯ**

*Мақолада вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олиш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тизимлари ҳамда профилактика субъектларининг фаолияти ташкил этиш масалалари ёритилган.*

#### **SUMMARY**

*The article is devoted to management of active and coordinated cooperation of all departments, agencies and institutions that form the system of child neglect and juvenile delinquency.*

<sup>1</sup> Закон Республики Узбекистан от 29.08.2001 г. «О внесении изменений и дополнений в Уголовный, Уголовно-процессуальный кодексы и Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности в связи с либерализацией уголовных наказаний». //Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2001 г., №9-10, ст.165.

<sup>2</sup> Закон Республики Узбекистан от 10.01.2008 г. «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с совершенствованием законодательства о защите прав несовершеннолетних». //Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2008 г., №16, ст. 117.

<sup>3</sup> Например, в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по совершенствованию воспитания детей, формированию здорового и гармонично развитого поколения» от 14 октября 2011 г. № 280.

## ОИЛА АСОСЛАРИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР СИФАТИДА ОНАНИНГ ЎЗ ЧАҚАЛОҒИНИ ҚАСДДАН ЎЛДИРИШНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

Кўпгина халқаро ҳужжатларда<sup>1</sup> мустаҳкамланган қоидаларга кўра, оила, оналик, болалик жамият ва давлат томонидан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси ҳам бу Конвенцияларга қўшилиб, мазкур қоидаларни ўз қонунчилигига киритган.

Оила ва болаликни давлат томонидан муҳофаза қилиш:

1) оила аъзоларининг ҳуқуқлари ва бурчларини норматив йўл билан тартибга солишни (ЎзР Оила кодексининг 2, 4, 5-бўлимлари);

2) давлат бу ҳуқуқлар ва бурчларни амалга ошириш учун шарт-шароит яратишини;

3) инсон ижтимоийлашувининг муҳим соҳаси бўлган оилага тажовуз қилганлик учун жавобгарликни таъминлашни<sup>2</sup> назарда тутати.

Ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатлар Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган нормалар билан тартибга солинади. Қонун мазкур соҳанинг муҳимлигини ҳисобга олиб, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятларни ЎзР ЖК Махсус қисмининг алоҳида 5-бобида жамлаган.

Криминологик маънода оилага қарши жиноятлар деганда, оиланинг ҳар қандай аъзоси шахси, ҳуқуқлари ва манфаатларига тажовуз қилувчи ҳар қандай ижтимоий хавfli қилмишлар тушунилади. Хуллас, криминологик таъриф анча кенг бўлиб, оила аъзоларига қарши содир этиладиган ҳар қандай жиноятларни қамраб олади.

Оила асосларига қарши жиноятлар қаторига ЎзР ЖК Махсус қисмининг 5-бобидан ўрин олмаган бошқа жиноятлар, масалан, вояга етмаганларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар ҳам киради.

Онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши — оиладаги жиноятларнинг турларидан бири бўлиб, ўзининг хавfliлиги билан одам ўлдиришнинг бошқа турларидан ажралиб туради.

Криминофамиликада сўзнинг кенг маъносидаги ўз чақалоғини ўлдириш деганда, ота ёки

она ёхуд уларнинг иккаласи биргаликда ўз фарзандини ёки улардан бири иккинчисининг фарзандини ўлдириши тушунилади<sup>3</sup>. Хусусан, жиноят қонунида ва суд тиббиётида қўлланиладиган тор маънодаги фарзандқушлик онанинг янги туғилган чақалоғини туғруқ пайтида ёки бевосита туғруқдан кейин ўлдиришини англатади.

Ушбу жиноятнинг қонун томонидан одам ўлдириш таркибига киритилиши “аёлнинг ўз ҳаракат ва ҳаракатсизлигининг ҳақиқий хусусияти ва ижтимоий хавфини тўлиқ равишда англаш ёхуд уларни бошқариш қобилиятини сусайтирувчи”<sup>4</sup> туғиш вақтидаги ёки туғишдан кейинги руҳий ва жисмоний муайян ҳолати билан шартланган.

Ўз чақалоғини ўлдириш нафақат турли тарихий даврларда, балки бир даврнинг ўзида ҳар хил баҳоланган жиноятлардан биридир. Бу жамият ривожланишининг турли босқичларида ушбу қилмишнинг аҳамияти ва ижтимоий хавfliлик даражасига муносабат ҳар хил бўлганлиги билан изоҳланади.

Аёлларнинг тубан хулқ-атворининг энг типик кўринишларидан бири — улар томонидан ўз чақалоғини ўлдириш сабаблари ҳақидаги илмий ишлар ҳам эътиборга лойиқдир. 1928 йили Б.С.Маньковский фарзандқушликнинг кўпайиши сабабларини ўтмишдаги оилавий негизларнинг ижтимоий бўҳронлар ва инқилобий ўзгаришлар таъсирида бузилганлиги, янги турмуш тарзи ҳали яхши мустаҳкамланиб улгурмаганлиги билан тушунтиради. Бунинг натижасида жамиятда оилага енгилтаклик билан қараш кучайди. Бу енгилтаклик, Б.С.Маньковскийнинг фикрича, никоҳсиз ҳомиладорлик ва никоҳсиз туғилган болалар сонининг ўсишига олиб келди. Бу эса, қандай йўл билан бўлмасин, ҳомиласидан ёки янги туғилган чақалоғидан қутулишни истаган аёллар сонининг ортишига сабаб бўлди<sup>5</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигига биноан туғруқ пайтида ёки бевосита туғруқдан кейин ўз боласини ўлдириш имтиёзли

жиноят таркиби ҳисобланади, чунки физиологик туғруқ чоғида аёл алоҳида руҳий-жисмоний ҳолатда бўлади<sup>6</sup>. Мазкур ҳолат туғруқ пайтидаги оғриқлар, қийналиш билан боғлиқ бўлиши, бу аёлда болага нисбатан салбий туйғулар уйғотиши ёки бу номақбул туғруқ (номусга тегиш натижасида ҳомиладорлик ёки туғаётган аёлни унга уйланишни ваъда қилиб алдашган бўлса) бўлиши мумкин. Фарзандкушлик ноқулай оилавий шахсий вазият оқибати бўлади.

Ю.М.Антонян ўз боласини ўлдирган аёлга анча тўлиқ тавсиф берган. Унга кўра, уларнинг аксарияти одатда малака ва маълумот даражаси паст бўлган сўққабош аёллардир. Ўлдирилган бола кўпинча биринчи муваффақиятсиз эркак билан бўлган алоқа билан боғлиқ бўлади. Уларнинг кўпчилиги ота-онали бўлиб, айнан ота-онасининг салбий муносабатидан кўрқиш улар ўз чақалоқларини ўлдиришига туртки беради<sup>7</sup>.

Одатда, бундай қилмишларни жамиятга яхши мослашмаган, оиласиз, уйсиз, моддий жиҳатдан таъминланмаган ёш аёллар содир этади. Айрим ҳолларда бундай жиноятлар ортида эркак туради, яъни бу хавфли жиноятлар эркак, аксарият ҳолларда аёлнинг жазмани ёки ўйнашининг розилиги ёки турткиси билан содир этилади<sup>8</sup>.

Ўз чақалоғини қасддан ўлдириш аёлларга хос бўлган жиноятдир. Фақат янги туққан аёл мазкур жиноят субъекти бўлиши мумкин. Бунда она ўзининг янги туғилган чақалоғини унинг бирон-бир қисми ёки ўзи тўлиқ она қорнидан чиққан пайтда ўлдирган ҳоллардагина жиноят ЎзР ЖКнинг 99-моддаси бўйича тавсифланиши лозим. Агар она ўзининг янги туғилган чақалоғини туғруқдан сўнг орадан маълум вақт ўтгач, яъни унинг туғруқ чоғидаги алоҳида руҳий-жисмоний ҳолати ўтиб кетганидан кейин ўлдирган бўлса, бу қилмиш ЎзР ЖКнинг 97-моддаси билан тавсифланиши лозим.

Айрим аёллар туғруқ пайтида ёки ундан кейин маълум вақт мобайнида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушунмайдиган ва уларни бошқара олмайдиган ҳолатда бўлади. Аёлнинг мазкур руҳий ҳолати бошқа омиллар билан жамулжам ҳолда жиноятга сабаб бўлиши мумкин.

Умуман олганда, фарзандкушлик замирида ҳодисалар бир неча гуруҳининг ўзаро таъсири ётади.

**Биринчи** — аёл ҳаётида жиноят содир этишдан олдинги вазият. У ҳар хил бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда аёл ўз чақалоғини ўлдиришига сабаб бўлади, айрим ҳолларда эса бундай ҳолат юз бермайди. Ю.М.Антонян айрим бўлажак жиноятчи аёллар бир қарашда яхши оилада тарбиялангани, ота-онаси уларга яхши муносабатда бўлганлигини қайд этади<sup>9</sup>.

**Иккинчи** — шахснинг ижтимоий хусусиятлари, манфаатдор шахсларнинг гапига кирмаслик қобилияти.

**Учинчи** — аёлнинг биологик, психологик хусусиятлари, хулқ-атвори. Одатда, аёллар ўта таъсирчан, ҳис-туйғуларга бой бўлади. Бу беқарор руҳий жараёнлар туғруқ жараёнида сезиларли даражада кучаяди, аёлларда неврозлар ва психопатиялар даражаси ҳам анча юқори бўлади. Буларнинг барчаси биргаликда онанинг ўз чақалоғини ўлдиришига сабаб бўлиши мумкин.

Аёлнинг боладан қутулиш нияти уни қасддан ўлдириш жиноятига айланишига имконият яратувчи бир қанча субъектив ва объектив омиллар мавжуд. Булар:

— никоҳсиз бола туққани учун атрофдагиларнинг қоралашидан кўрқиш ҳамда уялиш;

— боланинг отаси, ўз қариндошлари ёки бошқа шахслар онани ўз чақалоғини ўлдиришга оғдириши;

— ота-онасининг салбий муносабатидан кўрқиш;

— ҳомиладорликнинг олдини олиш, ҳомилани даволаш муассасаларида тушириш имкониятига доир махсус тиббий билимларнинг йўқлиги;

— сўққабош она болани тарбиялашда моддий ва маънавий қийинчиликларга дуч келишини тушуниш, ҳомиладор аёллар ва сўққабош оналарга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши ҳақида зарур ҳуқуқий билимларнинг йўқлиги ва ҳоказо.

Янги туққан аёлларнинг руҳий-жисмоний хусусиятларини аниқлаш онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдиришига имконият яратувчи омилларни аниқлаш, объектив жазо чорасини танлаш, бу салбий ҳодисаларнинг олдини олиш ёки уларнинг оқибатларини енгиллаштириш чораларини кўришга ёрдам беради. Мамлакатда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳам фарзандкушликнинг олдини олишда асосий йўналишлардан бирига айланиши лозим.

Ўтган асрнинг йигирманчи йилларига таққослаганда фарзандкушлик ҳолатлари сони уч баравар кўпайган<sup>10</sup>. Россия статистикаси маълумотларига кўра, 1995 йилда 143 онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириш ҳолати аниқланган, одам ўлдириш содир этган ҳар йигирма аёлнинг бири ўзининг янги туғилган чақалоғини ўлдиришда айбланган<sup>11</sup>.

Ўзбекистонда эса аёлларнинг оилавий-ҳуқуқий онги ва маданиятини мунтазам ошириб бориш натижасида баъзи ҳудудларда бундай жиноятлар умуман содир этилмаётганлигини кўришимиз мумкин

Хусусан, 2009-2010 йиллар мобайнида Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳудудида истиқомат қилувчи оналар томонидан **ўз чақалоғини қасддан ўлдириш** жиноятлари бўлмаган, шунингдек, бунга ўхшаш ҳолатлар аниқланмаган.

Ҳарчи онанинг ўз чақалоғини ўлдириши “имтиёзли” жиноят таркиби ҳисобланса-да, у хавф-

лилик жиҳатидан бошқа одам ўлдириш жиноятларидан қолишмайди. “Онанинг ўз чақалоғини ўлдиришидан кўполроқ табиат “қонунлари”ни бузишни тасаввур қилиш мумкин эмас”<sup>12</sup>.

Аёл чақалоқни туққан пайтдан бошлаб онага айлансада,<sup>13</sup> бироқ юридик нуқтаи назардан у она эмас, балки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома-ни бериш пайтидан аёл онага айланади<sup>14</sup>.

Аёлнинг жиноят содир этишдаги муайян ўзгача руҳий-жисмоний ҳолати ҳамда оналикни белгилашнинг ҳуқуқий асосларини ташкил қилувчи атамалар, яъни она ва туғувчи<sup>15</sup> ўртасидаги

фарқни белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этаётганлигидан келиб чиқиб, суд-тергов амалиётида либерал нормани қўллашда вужудга келадиган тўсиқларни бартараф этиш, энг асосийси, она томонидан ўз чақалоғининг қасддан ўлдирилганлик учун жавобгарликка тортишда Жиноят кодекси 99-моддасининг номланишидаги “онанинг ўз чақалоғини” сўзларини ҳамда модданинг диспозиция қисмидаги “онанинг ўз чақалоғини” сўзларини “туғувчининг ўз чақалоғини” сўзлари билан ўзгартириш лозим деб ҳисоблаймиз.



## АННОТАЦИЯ

*В статье дана криминологическая характеристика умышленного убийства матерью новорожденного ребенка. Автор предлагает внести соответствующие изменения в действующее законодательство.*

## SUMMARY

*In article given criminological characteristic of premeditated murder of newborn child by mother. Author offers make appropriate amendments in current legislation.*

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (16-модда); Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт (10, 11-моддалар); Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт (23, 24-моддалар).

<sup>2</sup> Криминология. Учебник под ред. Бурлакова В.Н., Сальникова В.П. – СПб, 1998. –Б. –506.

<sup>3</sup> Криминология. Учебник по ред. В.Н.Бурлакова, И.П.Сальникова. – СПб, 1998. –Б. –511.

<sup>4</sup> Святенюк Н.И., Ответственность за убийство новорождённого ребёнка, совершенное в соучастии с его матерью // Актуальные проблемы борьбы с организованной преступностью: Материалы научно-практической конференции. –Калининград, 1997. – С. –159-161.

<sup>5</sup> Маньковский Б.С. Детоубийство. Убийства и убийцы. М., 1928. С. 261-262.

<sup>6</sup> Рустамбаев М.Х. Преступления против личности. –Тошкент: 1998. –Б. –51.

<sup>7</sup> Антонян Ю.М. Преступность среди женщин. –М.: Право, 1992. –Б. –70.

<sup>8</sup> Криминология. Учебник под ред. Кудрявцева В.Н., Эминова Е.М. –М.: Юрист, 1997. –Б. –301.

<sup>9</sup> Антонян Ю.М. Преступность среди женщин. –М.: Право, 1992. –Б. –70.

<sup>10</sup> Криминология. Учебник под ред. Кудрявцева В.Н., Эминова Е.М. –М.: Юрист, 1997. –Б. –301.

<sup>11</sup> Криминология. Учебник юрид. вузов. Под ред. А.И.Долговой. – М.: Инфра-Норма, 1997. –Б. –670.

<sup>12</sup> Антонян Ю.М. Преступность среди женщин. – М.: Право, 1992. –Б.– 35.

<sup>13</sup> Иванова Н.Г. Убийство суррогатной матерью новорожденного ребенка // Российская юстиция. –М.: 2005. №12. –С. –27.

<sup>14</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси ВМнинг Қарори. 12.04.1999. № 171.

<sup>15</sup> Қаранг: Мусаев М.А. Ҳаётга қарши жиноятлар: назария ва амалий муаммолари. –Тошкент: “Sharq” 2011. –Б. –107-120.

Алишер АЧИЛОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий божхона  
институтини катта ўқитувчиси

## БОЖХОНА ТЕКШИРУВЛАРИ ВА СУРИШТИРУВ СОҲАСИДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 8 июлдаги 1815-сонли Фармони билан ташкил этилиб, унинг олдида Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги 374-сонли қарори билан контрабанда ва божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузилишига, республика божхона чегарасидан наркотик воситалари, психотроп ва портловчи моддалар, қурол-яроғ, валюта қимматликлари, миллий бойлик ҳисобланувчи тарихий-маданий буюмлар, санъат асарлари, археологик топилмалар, интеллектуал мулк объектларини ноқонуний равишда ўтказишга қарши кураш ва бундай жиноятларнинг олдини олишни асосий вазифалар қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 38-моддаси 8-банди ҳамда “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддаси билан божхона органларига суриштирув органи мақоми берилган<sup>1</sup> ва Давлат божхона қўмитаси ўз олдида қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари бўйича жиноят ишларни кўзғатади ва маъмурий ишларни юритади.

Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, “Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни қайд этар эканмиз, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар борлигини ҳам инкор эта олмаймиз...”<sup>2</sup>

Бундай муаммолар жиноят процессининг суриштирув институтида ҳам учрайди. Жиноят-процессуал кодекси талабларига биноан кўзғатилган жиноят ишлари 10 кунлик муддат ичида, кечиктириб бўлмайдиган тезкор-қидирув, суриштирув ва тергов ҳаракатлари ўтказилиб, тегишлиликка кўра тергов органларига юборилади.

Божхона органлари томонидан кўзғатилаётган жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳаракатларини ўтказишда, дастлабки тергов олиб бориш

ваколатлари бўлмаганлиги сабабли қатор муаммолар вужудга келмоқда.

Амалиётда, республика чегараси ҳудудида аниқланаётган қонунбузарликлар, аксарият ҳолларда, чет эл (ҳамдўстлик давлатлари) фуқаролари томонидан содир этилиб, бунда жиноятни бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам чет эл фуқароларини ташкил этмоқда. Қонунбузарликлар товар-моддий бойликларни божхона чегарасидан ўтказишда янгича усуллар ва йўللارни қўллашмоқда. Улар томонидан товарларни ноқонуний ўтказишда уюшган жиноий гуруҳлар ташкил этилиб, доимий ниқобланган, ҳуфиёна каналларни вужудга келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикасида божхона органи ташкил топганидан бери «Божхона ҳуқуқи» бугунги кунда ҳали яхши шаклланмаган ва Олий ҳарбий божхона институтидан ташқари бошқа юридик олийгоҳларида бундай фан ўқув дастурига киритилмаган.

Тергов органи ходимлари «Божхона иши» соҳасида билимга етарли даражада эга бўлмагани сабабли, божхона тизимидаги малакали ходимларни мутахассис сифатида терговга жалб этиш мақсадида, тергов яқунлангунга қадар хизмат сифарига юборилади, лекин бу ҳолат уларга юклатилган функционал вазифаларни бажаришда салбий таъсир кўрсатади.

Божхона органи томонидан кўзғатилган жиноят ишлари тергов органларига ўтказилгандан сўнг, улар томонидан яна ушбу тергов ҳаракатлари (сўрок, юзлаштириш ва ҳ.к.) такрорланиб, қўшимча сарф-ҳаражатларга йўл қўйилмоқда, бу эса фуқароларнинг адолатли норозиликларига сабаб бўлмоқда.

Айни пайтда, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолатлари юзасидан кўзғатилган жиноят ишлари бўйича қисқа муддат ичида, кам сарф-ҳаражатлар орқали, сифатли малакали тергов ҳаракатларини олиб бориш, божхона ти-

зимдаги божхона текширувлари ва суриштирув бошқарма ҳамда бўлимларида мунтазам ишлаб келаётган, божхона иши ва тергов тажрибасига эга бўлган ходимлар мавжуд. Ҳозирги кунда божхона тизими, Олий ҳарбий божхона институти «Божхона ҳуқуқи» йўналиши мутахассис битирувчилари ҳисобидан ўз таркибини тўлдирмоқда.

Ҳозирда божхона ҳақидаги қонунларни бузиш ҳолатлари республиканинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб, хорижий давлатларда ишлаб чиқарилаётган сифатсиз, истеъмолга яроқсиз, товар-моддий бойликларни контрабанда йўли билан олиб кирилиши, аҳоли соғлиғига шикаст етказувчи, онги тафаккурига путур етказадиган контрабанда ашёларини кириб келиши билан боғлиқ содир этилган жиноятларни «изи совумасдан» тезкор равишда суриштирув-тергов олиб бориш, жинойи гуруҳ иштирокчиларини фош этиш, товарларни ноқонуний ўтказиш каналлари, манбаларини аниқлаш, уларнинг ноқонуний ҳаракатларига узил-кесил барҳам бериб, илдизи билан йўқ қилишда уларга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаб, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш, божхона органлари олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб қолди.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва бошқа давлатларнинг бу борадаги амалиёти ўрганилганда, божхона тўғрисидаги қонунларни бузиш ҳолати бўйича қўзғатилган жиноят ишлари юзасидан тергов олиб бориш, айнан божхона органларига юклатилган.

Жумладан, Россия Федерацияси ЖКда божхона тўғрисидаги қонунларни бузиш ва контрабанда жинояти 188-моддада кўрсатилган бўлиб, 1-қисмида божхона чегарасидан товар-моддий бойликларни ноқонуний ўтказиш, 2-қисмида эса, наркотик моддалар, қурол-яроғ, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролларини ўтказиш — контрабанда жиноятини ташкил қилди.

Россия Федерацияси ЖПКнинг 151-моддаси 3-қисми 5-бандига асосан божхона органлари суриштирувчилари томонидан РФ ЖКнинг 188-моддаси 1-қисмида (Контрабанда; божхона чегарасидан ноқонуний равишда товар-моддий бойликларини ўтказиш) ва РФ ЖКнинг 194-моддасида қайд этилган (божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш) жиноят ишлари тааллуқли бўлиб, улар бўйича дастлабки тергов суриштирув шаклида ўтказилиб, судга оширилиши белгилаб қўйилган. Айнан шунга ўхшаш ваколатлар Қозоғистон, Қирғизистон, Грузия ва бошқа МДҲ республикалари божхона органларига ҳам берилган<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессияси, Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакл-

лантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб бериб, суд-ҳуқуқ тизимининг либераллашуви ва демократлашуви, иқтисодий ислохотлар, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш масалалари қўйилганлигини, божхона органида божхона текширувлари ва суриштирув бошқармаси ҳамда бўлимлари шаклландиллигини, таркибида етарли божхона иши, тергов тажрибасига ва олий юридик маълумотга эга ходимлар билан тўлдирилганлигидан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар таклиф этилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси (божхона тўғрисидаги қонунларини бузиш), 184-моддаси (божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш қисми), 185-1-моддаси (рангли металллар, уларнинг парча ва резги чиқиндиларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш, божхонага доир қисми), 186-1-моддаси (этил спирти, алкогольи маҳсулотини ноқонуний равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш, божхонага доир қисми), 186-3-моддаси (дори-дармонлар ноқонуний равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш, божхонага доир қисми) да кўрсатилган жиноят ишлари юзасидан дастлабки терговни суриштирув шаклида олиб бориш ваколатини бериш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 329-моддасида жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби белгиланган бўлиб, мазкур модданинг 2-қисмига биноан "...жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб жиноят иши қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунга қадар ёхуд текширув материалларини ЖПКнинг 587-моддасига мувофиқ прокурорга юборилгунга қадар терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкин. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади."

ЎЗР ЖПКнинг 132-моддаси асосан суриштирувчи, терговчи, суд гумонланувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, гувоҳлар ҳамда жабрланувчиларнинг кўрсатувларини текширилаётган ҳодиса содир бўлган жойда ҳолатларни қайта тиклаш йўли билан текшириб кўришга ҳақлидир.

Амалиётда контрабанда ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятларини аксарияти контрабанда ашёлари, товар ва бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикаси **божхона назоратини четлаб олиб ўтиш** орқали содир этилаётганлигини инобатга олиб, мазкур усулда содир этилган ҳаракатни исботлаш

учун жиноят иши кўзғатилгунга қадар кечиктирмасдан кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатини амалга ошириш зарурати туғилади.

Контрабанда ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятларини фош этишда мазкур тергов ҳаракатини ўтказишнинг аҳамияти катталигини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 329-моддасидаги шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш тергов ҳаракатлари билан бирга кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатини ўтказишни қўшимча қилиб киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 329-моддасидаги жиноят ҳақидаги аризаларни ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш муддатларига 2009 йил 21 декабрь кунги 237-сонли қонун билан ўзгартиришлар киритилган бўлиб, кўриб чиқишнинг 3 кунлик муддати чиқариб ташланган, алоҳида ҳолларда, терговга қадар текширув муддати қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи ёки терговчининг асослантирилган қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин:

1) ўтказиш учун кўп вақт талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви, ҳужжатли тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;

2) олис жойларда бўлган ёки чақирувга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;

3) янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 137-моддаси 2-қисмидаги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жиноят иши кўзғатилишидан олдин ўтказилганида кечи билан 72 (етмиш икки) соатда, алоҳида ҳолларда эса, 10 (ўн) кун ичида жиноят иши кўзғатиш ҳақида ёки кўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши лозимлиги тўғрисидаги талаблар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 329-моддасидаги муддатларга мувофиқлаштирмасдан қолинган. Шу боис Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 137-моддаси 2-қисмидаги процессуал муддатларни ЖПКнинг 329-моддасидаги муддатларга мувофиқлаштирилиши лозим.

Бундан ташқари, божхона органлари маъмурий амалиётида учраётган айрим муаммоларидан бири, Жиноят кодекси нормаларида кўрсатилган жиноятлар учун ЖКнинг 25-моддаси орқали жиноят содир қилишга суиқасд қилганлик учун жавобгарлик белгиланган, лекин МЖТҚда ҳуқуқбузарлик содир қилишга суиқасд қилиш учун

жавобгарлик белгиланмаган. Ҳолбуки, МЖТҚнинг божхона қоидабузилишига боғлиқ бир қатор моддаларида товар-моддий бойликлари ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан ташқарига ўтказиш учун жавобгарликлар белгиланган. Шулари эътиборга олиб, маъмурий амалиётда ҳуқуқбузарликларни содир қилишга суиқасд қилганлик учун жавобгарлик қонун билан мустаҳкамланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунларига кўра, республикамиз ҳудудига ноқонуний йўллар билан олиб келинган товар-моддий бойликлар ваколатли органларнинг қарорларига асосан тегишлилиги бўйича давлат даромадига ўтказилади ёки белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида”ги Низом республика қонунларига мувофиқ давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, ҳисобга олиш, сақлаш, баҳолаш ва сотиш, шунингдек, уни йўқ қилиб ташлаш тартибини белгилайди.

Ҳозирги кунда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сонли қарорининг ижроси бўйича бир қанча муаммолар келиб чиқмоқда. Булар қуйидагилар:

1. Низомнинг 13-бандида мажбурий тарзда йўқ қилиб ташланиши керак бўлган товарлар келтирилган. Булар:

— этил спирти (озиқ-овқат спирти), алкоғолли маҳсулотлар ва пиво;

— тамаки маҳсулотлари;

— доривор воситалар ва тиббиёт буюмлари;

— озиқ-овқатга биологик актив қўшимчалар, озиқ-овқат қўшимчалари;

— экспертиза хулосасига кўра бевосита истеъмол (фойдаланиш) учун яроқсиз деб тан олинган озиқ-овқат товарлари ва бошқа товарлар;

— мажбурий сертификатланиши керак бўлган, сертификатлаш органининг хулосаси билан стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ эмас деб эътироф этилган маҳсулотлар;

— асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхалари, ҳуқуқ эгасининг илтимоси бўйича уларга берилган ҳоллар бундан мустасно, шунингдек контрафакт асарлар ва турдош ҳуқуқлар объектларини тайёрлаш ва такрорлаш учун фойдаланиладиган асбоб-ускуналар.

Бир томондан, ушбу товарлар истеъмолга яроқли бўлса ҳам ёки яроқсиз бўлса ҳам йўқ қилинса, у ҳолда уларга яроқлилиги бўйича экспертиза, баҳолаш бўйича экспертиза тайинлаб пул маблағлари сарфлаш лозимми?

Иккинчи томондан,

а) этил спирти, дори-дармон ва тиббиёт буюмлари агарда истеъмолга яроқли бўлган тақдирда ушбу товарларни беғараз ёрдам сифатида ногирон шахслар ва ногирон болаларни даволаш шифохонасига берилса;

б) алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмолга яроқли бўлса, уларни сотувга чиқариб, пул маблағлари беғараз ёрдам сифатида ногиронларни даволаш шифохонаси, қариялар уйи ёки давлат қарамоғидаги болалар уйига ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2. Маълумки, мамлакатимиз автоиндустриясини қўллаб-қувватлаш мақсадида транспорт воситалари импорт қилинганда, божхона тўловлари жуда юқори бўлиб, амалдаги қонун ҳужжатларига кўра транспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили эски бўлса, божхона тўловлари янада кўп ҳисобланади.

Низомнинг 8-банди 3-қисмида божхона қонун ҳужжатлари бузилганлиги муносабати билан ашъвий далил тариқасида олиб қўйилган автотранспорт воситасини баҳолашда, унинг қиймати божхона қийматидан келиб чиқиб, бироқ «эркин муомала учун чиқариш» (импорт) божхона режимида божхона чегараси орқали ўтганда тўланиши лозим бўлган божхона тўловларидан кам бўлмаган қийматдан келиб чиқиб белгиланади.

Жиноят-процессуал кодексининг 293 ва Божхона кодексининг 179-моддаларига биноан олиб қўйилган мол-мулкни баҳолаш унинг эскириш даражасини ҳисобга олиб бозор нархида баҳоланади дейилган. Ушбу Низомдаги норма ЖПК ва Божхона кодекси талабларига зид келмоқда.

Шундай экан, Низомдаги мазкур нормаларга ўзгартириш киритиш керак бўлади. Чунки, ушбу

омилнинг борлиги натижасида мусодара бўлган автотранспорт воситаларининг нархи бозордаги нархдан қиммат бўлиб кетмоқда ва уларнинг сотилиши қийинлаштирмоқда. Ҳозирги кунда давлат эғалигига ўтказилган 3,3 млрд сўмлик 531 та транспорт воситаси сотилмаганлиги бошқа табиий эскириш натижасида қийматининг ва сифатининг йўқолишига сабаб бўлмоқда ва сотилмай қолдиқ бўлиб турмоқда.

3. Низомнинг 6-банди 7-қисмига асосан қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган, олиб қўйилган, реставрация қилинган заргарлик маҳсулотлари, шунингдек давлат асиллик даражаси тамғаларига эга бўлмаган заргарлик буюмлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат аслик даражасини белгилаш палатасининг ваколатли органи мансабдор шахси томонидан уларнинг аслик даражасини экспертиза қилиш (текшириш) ва давлат асиллик даражаси тамғаларини босиш учун юборилади.

Мазкур талабдан келиб чиқиб, вилоятлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ашъвий далил тариқасида олинган заргарлик маҳсулотларини баҳосини ва сифатини аниқлаш мақсадида экспертизадан ўтказиш учун Тошкент шаҳрига келиб кетишга тўғри келади. Бунинг натижасида экспертиза учун белгиланган Низомда белгиланган 3 кунлик муддат ўтиб кетмоқда. Ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида вилоятларда марказий банклар ҳузурида Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат аслик даражасини белгилаш палатаси ваколатли органнинг мансабдор шахсини жалб қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.



## АННОТАЦИЯ

*В статье предлагается меры по устранению имеющихся проблем при проведении соответствующих проверок и дознания, осуществляемых таможенными органами.*

## SUMMARY

*In article, have been offered measures in liquidation of current problems at conducting appropriate inspection and inquest, realizing by customs organs.*

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. — Т.: “Адолат”, 2000. 57–6.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида. — Т.: “Ўзбекистон”, 2005. 32-б.

<sup>3</sup> Қаранг: Файзиев Ш.Ф. Жиноят процессида суриштирув. Илмий-амалий қўлланма. Юридик фанлари доктори Б.Х.Пўлатовнинг умумий таҳрири остида. — Т.: ТДҶОИ ншриёти, 2006. — Б. 205.

## БЕЗОРИЛИК ЖИНОЯТИ ОБЪЕКТИНИНГ ТУРЛАРИ ВА ПРЕДМЕТИ

ЖК 277-моддасида назарда тутилган қилмиш-ни квалификация қилишнинг зарурий белгиларидан бири жиноят натижасида шахснинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиги, мулкӣ ҳуқуқларидан бирига зарар етазилган бўлиши шартлиги ҳисобланади. Айнан ушбу белги безорилик жиноятини майда безориликдан фарқлаш учун асос бўлиб, бу белги қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини янада оширади.

Ҳозирга қадар мазкур ижтимоий муносабатлар ЖК 277-моддасида назарда тутилган жиноятнинг қўшимча ёки факультатив объекти экани ҳақида ҳам ягона фикр мавжуд эмас. Шунингдек, баъзи олимлар бу ижтимоий муносабатларни бир пайтнинг ўзида безориликнинг қўшимча ва факультатив объектлари<sup>1</sup>, деб ҳисоблайди. Ҳатто юқоридаги ижтимоий муносабатларни безориликнинг альтернатив (муқобил) объекти, деб ҳисобловчилар ҳам мавжуд<sup>2</sup>.

Безорилик ҳаракатларини содир этаётган шахс шахсга ёки унинг мулкӣ ҳуқуқларига таъсир қилиш орқали жамиятга нисбатан беҳурмат муносабатда эканини ифодалайди. Шу сабабли, жамоат тартибини безориликнинг асосий, шахснинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиги ва мулкӣ ҳуқуқларини эса қўшимча объектидеб ҳисоблашади<sup>3</sup>.

Л.Д.Гаухман жамоат тартиби безорилик жиноятининг асосий объекти бўлиб, ўз ичига қўшимча равишда шахснинг соғлиғини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни олишини<sup>4</sup> таъкидлайди. Муаллиф ўзининг бу фикри билан жисмоний дахлсизлик ва мулкӣ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни эътибордан четда қолдиради.

И.Я.Козаченко айтганидек, безорилик, жамиятга ва унинг аъзоларига ҳурматсизликда намоён бўлади. Бу ҳурматсизлик турли шаклларда ифодаланиб, ҳар доим шахсӣ манфаатлар, шу билан бир қаторда, мулкӣ ҳуқуқларга зарар етказиш хавфини туғдиради<sup>5</sup>. С.А.Тарарухиннинг фикрича, безориликда фақат битта объектга – жамоат тартибига зарар етказилади. Безорилик оқибатида зарар етказиладиган бошқа ижтимоий муносабатлар факультатив объект ҳисобла-

нади<sup>6</sup>.

В.М.Шинкурак безориликнинг ўзига хос жиҳатини унинг ҳар доим ҳам зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мулкни нобуд қилиш, унга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилмаслигини таъкидлаб, бу ижтимоий муносабатларни жиноятнинг факультатив объекти сифатида баҳолайди<sup>7</sup>.

В.К.Глистин безориликнинг қўшимча ва факультатив объектларни ажратишни умуман мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди. У безорилик туфайли келиб чиқадиган барча оқибатлар бошқа шахсларни ҳурмат қилиш ва уларга нисбатан дўстона муносабатда бўлишни ўзида ифодаловчи кундалик-маиший муносабатлар билан қамраб олинишини айтади<sup>8</sup>.

Айрим муаллифлар безорилик жинояти содир этилганида иккита асосий объектга таъсир кўрсатишини айтадилар. С.В.Максимов бир вазиятда жамоат тартиби безориликнинг асосий объекти сифатида намоён бўлса, бошқа ҳолатда эса альтернатив(муқобил) объект сифатида шахснинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиги ёки шахсӣ эркинлиги, мулкӣ ҳуқуқлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар намоён бўлишини таъкидлайди<sup>9</sup>. Агар ушбу фикрга қўшиладиган бўлсак, безориликни жамоат тартибига тажовуз қилмасдан туриб ҳам содир этиш мумкин, деган хулоса келиб чиқади. Бундай хулосалар безорилик учун жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий моҳиятини бузади, чунки шахсӣ манфаатлар ва мулкӣ ҳуқуқлар ушбу жиноятда қўшимча объект сифатида намоён бўлади.

Бизнингча, безорилик жиноятида шахснинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиги, мулкӣ ҳуқуқлари мазкур жиноятнинг қўшимча ёки факультатив объектилиги ҳақидаги масалани ҳал қилишда жиноят ҳуқуқи назарияси қоидаларига асосланиш лозим.

А.В.Наумов таъкидлаганидек, айнан қайси объект асосий ёки қўшимча экани, жиноят қонуни билан қўриқланаётган ижтимоий муносабатларнинг муҳимлиги билан эмас, балки унинг турдош объект билан алоқасидан келиб чиқиб аниқ-

ланади<sup>10</sup>. М.Усмоналиев ва П.Бакуновларнинг фикрича, қайси объект асосий ёки қўшимча эканини аниқлашда содир этилган жиноят ЖКнинг қайси бобида жойлашгани ва шахснинг мақсади нимага қаратилгани муҳимдир. Шахснинг мақсади қаратилган ижтимоий муносабат асосий, бунинг натижасида зарар келиб чиқадиган ижтимоий муносабат эса қўшимча объект ҳисобланади<sup>11</sup>. М.Ҳ.Рустамбаев ҳам худди шундай фикр билдириб, уларнинг фарқи асосий ёки қўшимча объектнинг асосийлигига қараб эмас, балки махсус объект билан боғлиқлигига қараб амалга оширилади<sup>12</sup>. Шу сабабли ҳам муаллиф шахснинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиги, шаъни-қадр-қиммати, мулкни безорилик жиноятининг қўшимча объекти деб баҳолайди<sup>13</sup>.

Лекин факультатив объект масаласидаги фикрлар бир хил эмас. Баъзи олимлар факультатив объект жиноят қонуни билан ҳимоя қилинса-да, унга ҳар доим ҳам зарар етказаверилмаслигини айтадилар. Факультатив объект жиноят таркиби тузилишига киритилмайди, лекин унга зарар етказилиши жазо тайинлашда ҳисобга олинаши лозим<sup>14</sup>. Факультатив объект ҳақидаги бу фикрлар унинг мазмунини етарли даража тавсифлаб бермаган.

Бизнингча, факультатив объект жиноят таркибининг зарурий белгиси бўлмай, унга зарар етиши шарт эмас. Факультатив объектга жиноят содирилганда зарар етиши ҳам, етмаслиги ҳам мумкин. Масалан, талончиликда мулккий ҳуқуқлар асосий-бевосита объект бўлиб, шахснинг жисмоний ёки рухий дахлсизлиги факультатив объект ҳисобланади. Чунки, бу ижтимоий муносабатларга зарар етказилмаганда ҳам қилмиш талончилик, деб квалификация қилинаверади.

Демак, факультатив ва қўшимча объектларнинг фарқи шундаки, қўшимча объект ЖК Махсус қисми тегишли нормасида асосий объект билан бирга назарда тутилиб, жиноят натижасида унга ҳам зарар етказилади. Факультатив объект эса ЖК Махсус қисми нормасида қилмишни жиноят деб ҳисоблашнинг зарурий белгиси сифатида назарда тутилмайди, лекин ушбу жиноят содир этилиши натижасида унга ҳам зарар етказилиши мумкин бўлади. Шундай қилиб, ЖК 277-моддасида жамоат тартибини сақлаш билан бир қаторда назарда тутилган шахснинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиги ва мулккий ҳуқуқлари безорилик жиноятининг қўшимча объекти, деган олимларнинг фикри асосли ва тўғридир. Чунки жамоат тартибини бузиш натижасида ушбу ижтимоий муносабатлардан бири зарар кўрмаса, қилмиш ЖК 277-моддаси таркибини ташкил қилмайди ҳамда майда безорилик сифатида МЖТКнинг 183-моддаси билан маъмурий ҳуқуқбузарлик деб баҳоланади.

Бу жиноятнинг қўшимча объекти бўлган шахс-

нинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиги, мулккий ҳуқуқлари безорилик жинояти таркиби билан қамраб олинган бўлса, қилмиш ЖК 277-моддаси билан квалификация қилинади. Безорилик натижасида шахснинг жисмоний дахлсизлигига зарар етказилса (уриш-дўппослашда) ёки баданига енгил ёхуд ўртача оғир шикаст етказилганда, қилмиш ЖК 277-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинади. Агар безорилик оқибатида зарар етказилган ижтимоий муносабат ЖК 277-моддаси билан қамраб олинмаган бўлса, масалан, безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш, баданга оғир шикаст етказиш шахсга қарши жиноят сифатида квалификация қилиниши лозим (ЖК 97-моддаси 2-қисми “г” банди, 104-моддаси 2-қисми “е” банди).

Безорилик жиноятининг навбатдаги қўшимча объекти мулккий ҳуқуқлар бўлиб, агар безорилик оқибатида мулкка зарар етказилса, жиноят предмети объектнинг зарурий белгиси сифатида номоён бўлади. Безориликнинг предмети ўзига хос белгиларга эга. С.В.Борисов мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган безориликнинг предмети, мулкка қарши қаратилган жиноятлар (талон-торож)-нинг предмети билан бир хил, деб ҳисоблайди<sup>15</sup>. Ш.Ё.Абдуқодиров ва У.М.Мирзаевлар: 1) ашёвийлик белгиси; 2) иқтисодий белги 3) ижтимоий белги; 4) мулкнинг фуқаролик муомаласидан чиқарилмаганлик белгиси; 5) ижтимоий-иқтисодий белги; 6) юридик белгига эга мулкларгина талон-торожнинг предмети бўлиши мумкин деб ҳисоблайди<sup>16</sup>. Лекин безорилик натижасида шикаст етказиладиган ёки нобуд қилинадиган мулкларнинг бу каби торайтирилиши тўғри эмас. Бизнингча, безорилик оқибатида муайян рухсатнома асосида фойдаланиш мумкин бўлган мулклар (ўқотар қурол)га шикаст етказиш ёки нобуд қилиш ҳам безорилик сифатида квалификация қилиниши лозим.

Жиноят объекти ва предметининг ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олиб, фуқаролик муомаласидан чиқарилган (гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва шу кабилар) ёки эгасиз мулкларни нобуд қилиш ёки шикаст етказишда мулккий ҳуқуқлар бузмаганлиги тўғриси, ЖК 277-моддасида жавобгарлик белгиланган жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

Безорилик оқибатида шикаст етказилган ёки нобуд қилинган предмет бошқа жиноят таркибининг зарурий белгиси бўлиши ҳам мумкин. Масалан, ЖК 132-моддасида давлат муҳофазасига олинган тарих ёки маданият ёдгорликларини қасддан нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказганлик учун жавобгарлик белгиланган. Агар безорилик оқибатида мазкур предметларга зарар етказилса, қилмиш жиноятлар жами тарзида квалификация қилиниши керак, деб ҳисоблай-

миз.

Шуни айтиш керакки, жамоат тартибини сақлаш давлатнинг ваколатли шахслари томонидан амалга оширади. Агар безорилик жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса (ЖК 277-моддаси 3-қисми “г” банди), жамият ва давлат манфаатларига зарар етказилади. Демак, бошқарув тартиби билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар безориликнинг қўшимча-бевосита объекти сифатида намоён бўлади.

Безорилик жинояти ўқотар қуролни намоиш қилиб, уни қўллаш билан қўрқитиб ёки қўллаб

содир этилганида (ЖК 277-модда 3-қисми “б” банди) жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳамбу жиноятнинг қўшимча-бевосита объекти сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, безорилик қўп объектли жиноят бўлиб, бу жиноятни содир этилишида жамоат тартибининг бузилиши зарурий белги ҳисобланади. Айнан жамоат тартибини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар асосий-бевосита объект, шахсларнинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиги, мулкӣ ҳуқуқлари, жамоат хавфсизлиги, бошқарув тартиби бу жиноятнинг қўшимча-бевосита объекти ҳисобланади.



## АННОТАЦИЯ

Статья посвящена определению объекта хулиганства. Автор приводит мнения различных авторов по поводу объекта данного преступления и дает свою дефиницию объекту хулиганства.

## SUMMARY

The article is devoted to defining object of hooliganism. Author cites opinions of different authors about object of this crime and gives one's own definition to object of hooliganism.

<sup>1</sup>Борисов С.В. Хулиганство: уголовно-правовой и криминологический аспекты: Дис... канд. юрид. наук: 12.00.08. – М.: РГБ, 2005. –С.88.

<sup>2</sup>Лысов М.Д. Логико-структурный анализ понятия и признаков преступления в действующем УК РФ // Государство и право, 1997. –N 12. – С.75.

<sup>3</sup>Кудрявцев С.В. Преступления против общественной безопасности и общественного порядка // Уголовное право. Особенная часть. –М.: 1999. – С. 244; Козаченко И.Я. Уголовное право. Особенная часть. Учебник. –М.: 2008. – С. 388.

<sup>4</sup>Гаухман Л.Д. Объект преступления // Уголовное право. Часть Общая. Часть особенная. – С.94.

<sup>5</sup>Козаченко И.Я. Квалификация хулиганства и отграничение его от смежных преступлений. – С. 17.

<sup>6</sup>Тарарухин С.А. Квалификация преступлений в следственной и судебной практике. – Киев: 1995. – С. 173.

<sup>7</sup>Шинкурак В.М. Ответственность за хулиганство в Российском уголовном праве: Дис... канд. юрид. наук: 2002. – С. 75.

<sup>8</sup>Глистин В.К. Проблема уголовно-правовой охраны общественных отношений: (объект и квалификация преступлений). – С. 111-112.

<sup>9</sup>Максимов с.В. Преступления против общественной безопасности // Уголовное право. Часть Общая. Часть Особенная / Под ред. Л.Д.Гаухмана, Л.Мкалодкина, С.В.Максимова. –М.: 1999. – С. 563.

<sup>10</sup>Науомов А.В. Российское Уголовное право. –М.: Юрид. лит., 2004. –С. 162. (496)

<sup>11</sup>Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). – Тошкент: Насаф, 2010. – Б. 160.

<sup>12</sup>Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. I том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ИLM ЗIYк, 2010. –Б. 143

<sup>13</sup>Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Жиноят ҳуқуқи курси. V том. Махсус қисм. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дасрлик. –Тошкент: ИLM ЗIYк, 2011. –Б. 161.

<sup>14</sup>Российское уголовное право: в 2 т. Т. 1. Общая часть: учеб. / Г.Н.Борзенков, В.С.Комиссаров и др. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – С. 116-117.; Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. I том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ИLM ЗIYк, 2010. –Б. 144.

<sup>15</sup>Борисов С.В. Хулиганство: уголовно-правовой и криминологический аспекты: Дис... канд. юрид. наук: 12.00.08. – М.: РГБ, 2005. –С.93.

<sup>16</sup>Абдуқодиров Ш.Ё., Мирзаев У.М. Ўзгалар мулкисини талон-торож қилиш. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 16.

**Дилрабо КАРИМОВА,**  
**Соискатель отдела по подготовке научно-педагогических**  
**кадров Академии МВД РУз.**

## НЕКОТОРЫЕ ПРОБЛЕМЫ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ СЛЕДОВАТЕЛЯ С ОРГАНАМИ ДОЗНАНИЯ

Одним из основных условий борьбы с преступностью, повышения раскрываемости преступлений является улучшение взаимодействия следователя с органами дознания. Но, к сожалению, как и во всех других сферах, в сфере взаимодействия следователя с органами дознания также имеются проблемы и недостатки. Нередко именно из-за слабой организации взаимодействия преступления остаются нераскрытыми.

Среди проблем, возникающих при взаимодействии следователя с органами дознания, следует отметить следующее:

- недостаточно чёткая регламентация взаимодействия следователя и органа дознания в уголовно-процессуальном законодательстве;

- проблема межличностных отношений между субъектами взаимодействия, где порой следователи и сотрудники органа дознания «забывают», что занимаются одним делом, служат одной цели — борьбы с преступностью, а амбиции только несут вред общему делу.

Вот как описывает проблемы взаимодействия следователя с органами дознания Бородин С.В.: «Дальнейшее исследование проблемы взаимодействия следователя с органами дознания будет способствовать его качественному улучшению, что явится одним из важных условий обеспечения более высокого качества расследования дел».<sup>1</sup> Необходимо заметить, что в настоящее время не только следователь, но и оперативные работники имеют высшее юридическое образование, но в силу высокой текучести следственного аппарата большинство следователей районного уровня имеют опыт работы до 3-х лет, при этом часто уступая по профессиональным качествам сотрудникам ОУР. При изучении уголовных дел, приостановленных за неустановлением лица, подлежащего привлечению в качестве обвиняемого, было выявлено, что большинство протоколов осмотра места происшествия, составленных следователями, содержат суще-

ственные ошибки и недостатки.

Относительно проблем, возникающих при взаимодействии следователя с органами дознания, С.А.Данилюк отмечал, что «необходимость руководящей роль следователя в раскрытии преступлений — дополнительная гарантия соблюдения прав граждан, так как сотрудники ОУР, будучи заинтересованы в результатах раскрытия, могут проводить расследование тенденциозно. Однако здесь следует отметить, что в отличие от прокурора никакими контролирующими полномочиями в отношении дознания следователь не располагает. Напротив, находясь в ведомственном подчинении у начальника ОВД, следователи ОВД зачастую скрывают факты нарушений законности со стороны представителей органа дознания (такие, как случаи незаконного задержания граждан без оформления протокола и даже без возбуждения уголовного дела)<sup>2</sup>.

Следственная практика знает немало случаев, когда плохая организация взаимодействия следователем, недобросовестное выполнение его поручений отдельными сотрудниками органов дознания, желание проявления «независимости» от следователя ведущего предварительное следствие по делу приводили к долгому раскрытию совершенных преступлений, напрасной трате сил и средств.

Другой из проблем взаимодействия является разобщенность, которая выражается в том, что нередко сотрудники органов дознания, проведя по делу неотложные следственные действия, считают, что их работа выполнена, и все остальное должен сделать следователь. Следователь же в свою очередь не всегда пользуется предоставленным ему законом правом поручать органу дознания выполнение розыскных и следственных действий. Вряд ли можно согласиться со В.А.Стремовским, который утверждает, что главной задачей дознания является раскрытие преступлений, а задачей предварительного следствия —

производство следствия»<sup>3</sup>, поскольку быстрое и полное раскрытие преступления должно явиться основной задачей не только органов дознания, но и следователя. В случае, когда преступник не был установлен в десятидневный срок с момента возбуждения дела, органы дознания обязаны выполнить требования закона о направлении дела следователю для дальнейшего расследования, что впрочем, не снимает с них ответственности за раскрытие преступлений. Дальнейшая работа должна протекать в тесном контакте между следователем и органами дознания, и чем раньше осуществится это взаимодействие, тем больше шансов на успех.

В уголовно-процессуальной литературе имеется спорный вопрос, касающийся объёма предоставляемой следователю оперативной информации. Например, С.Д.Долгинов считает, что «право следователя на ознакомление с оперативными материалами нельзя рассматривать как право на обязательное предоставление ему таких материалов. Только оперативный работник вправе решать этот вопрос».<sup>4</sup>

Напротив, Р.А.Базаров убеждён, что полное, максимально-возможное ознакомление следователя с данными ОРД даст возможность следователю сделать всесторонний анализ имеющихся данных для выработки наиболее оптимального плана осуществления следственных действий.<sup>5</sup>

Мнение Р.А.Базарова представляется нам более правильной, так как до тех пор, пока следователь не будет иметь доступа ко всей оперативно-розыскной информации органов дознания, будет существовать возможность осуждения «невинных», и наоборот виновные могут избежать ответственности. Получая информацию, не подтвержденную конкретными документами, следователь рискует получить недостоверную информацию. Ни для кого не секрет, что деятельность некоторых оперативных сотрудников направлена не на установление истинного преступника, а в большинстве случаев на раскрытие преступления для отчетности. Стремясь раскрыть тяжкое преступление любой ценой, никто не должен забывать о судьбе, а порой и о жизни человека, о его правах и интересах.

Мы также считаем правильным утверждение, что «все материалы о результатах оперативно-розыскных мер, проводимых по уголовному делу, должны быть известны следователю. Ведь оперативно-розыскные меры предпринимаются для обнаружения преступлений и лиц, их совершивших, они не самоцель, поскольку им непосредственно не свойственно процессуальное и доказательственное значение. Содержащиеся в них данные, имеющие значение для дела, могут полу-

чить процессуальное закрепление в результате следственных действий. Поэтому следователь, в производстве которого находится уголовное дело, должен знать итоги проводимых по нему оперативно-розыскных мер».<sup>6</sup>

Полагаем, что следователь, допускаемый к ознакомлению с оперативными материалами, должен быть достаточно глубоко знаком с основами оперативно-розыскной деятельности. Это необходимо для того, чтобы он мог критически оценивать поступающие оперативные материалы, умело взаимодействовать с работниками органов дознания, используя результаты проведенных оперативно-розыскных мероприятий, и в то же время не допускать в официальных документах непродуманных ссылок на сведения, полученные негласным путём, не расшифровывать методы и средства оперативно-розыскной деятельности. Поэтому к ознакомлению с материалами оперативно-розыскной деятельности могут быть допущены только следователи, прошедшие специальную подготовку.

Решением данной проблемы должно стать предусмотренное в законе право следователя получать всю оперативную информацию, вплоть до материалов доследственной проверки, находящегося у него в производстве.

Непредставление следователю для ознакомления оперативных материалов нередко является одной из причин возникающих конфликтов, что соответственно отрицательно влияет на правильную и эффективную организацию взаимодействия между следователем и органом дознания.

Взаимный и полный обмен необходимой для расследования информацией, получаемой как следователем, так и оперативным работником органа дознания, даёт возможность успешно координировать следственные действия и оперативно-розыскные мероприятия, своевременно и грамотно выполнять следственные действия, умело используя при этом оперативно-розыскные данные.

Соблюдение данного условия участниками взаимодействия помогает эффективности использования информации, поскольку следователю обычно удается подметить в материалах такие важные для расследования детали, которые оперативному работнику показались бы незначительными или не относящимися к делу.

Следовало бы, поддержать мнение А.Матчина о том, что «...налаженная работа следователя и органов дознания предполагает также исключение любых случаев, связанных с игнорированием интересов службы некоторыми работниками правоохранительных органов».<sup>7</sup> В этой связи Президент нашей страны И.А.Каримов указыва-

ет: «В Узбекистане принимаются меры по выявлению причин преступности, строго наказываются изобличённые коррупционеры. Внутренняя преступность всегда будет объектом пристального внимания со стороны государства. В целях недопущения разгула преступности и вседозволенности коррумпированных чиновников задействован целый комплекс долгосрочных мер, которые определяют стратегию нашей борьбы с преступностью».<sup>8</sup>

Немало разногласий существует по вопросу о соотношении розыскных и оперативно-розыскных действий. Ряд авторов придерживаются мнения, что розыскные действия - понятие родовое и соответственно оперативно-розыскные действия (меры)-разновидность розыскных.

«Но данная позиция, — считает А.Я.Дубинский,-с учетом, того, что закон предоставляет следователю право производить розыскные действия, неизбежно приведёт к выводу, что следователь вправе осуществлять и оперативно-розыскные действия, что нельзя признать правильным».<sup>9</sup>

Е.Г.Мальцев, напротив, утверждает, что понятие «оперативно-розыскные меры» шире понятия «розыскные действия», второе является частью первого.<sup>10</sup>

И те, и другие, как утверждает автор, непроцессуальные и имеют преимущественно негласный характер, отличаясь степенью негласности. Оперативно-розыскные меры настолько секретны,- пишет Е.Г.Мальцев,- что о них должны знать только оперативные работники осуществляющие их. Следователь же лишь уведомляется о результатах оперативно-розыскных мероприятий. Совершенно иначе обстоит дело с розыскными действиями, которые тоже производятся скрытно, секретно, но только от тех лиц, в отношении которых они осуществляются, для других же, в частности, для потерпевших, очевидцев, представителей общественности, они производятся открыто и даже очень часто при их участии. Эти действия в ходе расследования являются секретными до определённого момента».<sup>11</sup>

Общий вывод Е.Г.Мальцева о том, что понятие «оперативно-розыскные меры» шире понятия «розыскные действия», трудно согласовать с общепризнанным положением, согласно которому розыскные действия вправе проводить как орган дознания, так и следователь, а оперативно-розыскные — только орган дознания.

Для следственной практики чрезвычайно важно взаимодействие следователя с органами дознания с первых же мероприятий по расследованию дела. Передачей материала следователю для возбуждения и принятия дела к своему производству, не заканчивается контакт органа доз-

нания со следователем, не отпадает обязанность дознавателя по содействию в его дальнейшем расследовании. Если следователю передано дело, по которому не установлено лицо, совершившее преступление, орган дознания продолжает свои оперативно-розыскные мероприятия для установления преступника. О результатах должен быть информирован следователь.

Следователь по расследуемым им делам вправе давать органам дознания поручения и указания о производстве розыскных и следственных действий, а также требовать от них содействия при производстве отдельных следственных действий (ст. 343 УПК РУз.)

Письменное поручение следователя может касаться одновременно розыскных и следственных действий. Если следователь поручает органу дознания розыскные мероприятия и производство следственных действий, необходимость в которых возникает в результате осуществления розыскных мер, то орган дознания вправе действовать самостоятельно. Например, с помощью розыскных мер орган дознания нередко может получить данные, являющиеся основаниями для производства задержания, обыска, освидетельствования и др. неотложных следственных действий. В таких ситуациях поручение следователя позволяет органу дознания самостоятельно принимать решения и выносить постановления о производстве следственных действий. Это говорит о том, что промедление в производстве неотложных следственных действий может не только осложнить расследование уголовного дела, но иногда и исключить возможность своевременного раскрытия преступления и привлечения к ответственности виновных лиц.

Оперативно-розыскные действия имеет право производить только орган дознания, причём тот, в распоряжении которого имеются специальный аппарат и соответствующие средства. Следователь не имеет право выполнять оперативно-розыскные действия, а также непосредственно контролировать ход выполнения таких действий органом дознания. Уже в первоначальной стадии процесса может осуществляться взаимодействие между следователем и органом дознания. Выражается такое взаимодействие, в частности, в том, что орган дознания представляет следователю материалы, полученные в ходе оперативно-розыскных мероприятий, и они совместно намечают согласованные действия по реализации решения о необходимости начать расследование. Все эти моменты следователю необходимо учитывать при организации взаимодействия с органами дознания.

Нередко на практике встречаются случаи сла-

бого или «формального» реагирования сотрудников органа дознания на поручения следователя. Порой дознаватели просто отписываются от поручений следователя дежурными фразами типа, «продолжается работа по установлению...», «будут устранены причины, способствовавшие совершению данного преступления», «идет оперативно-розыскная работа по выявлению» и т.п. Дознаватели как-бы разделяют поручения следователя на важные, маловажные, и не имеющие значимости. Ссылаясь на нехватку времени, на занятость раскрытием более тяжких преступлений, они оставляют без реагирования поручения по установлению лиц, например, совершивших менее тяжкие преступления. Необходи-

мо более четкое закрепление условий и сроков выполнения дознавателями поручений следователя с учетом тяжести совершенного преступления.

Учитывая вышеизложенное, в целях обеспечения эффективного взаимодействия следователей с органами дознания, координации усилий прокуратура, МВД и другие правоохранительные органы должны систематически обсуждать состояние преступности, и определять конкретные меры по комплексному сочетанию следственных и розыскных действий, направленных на полное раскрытие преступлений, на устранение недостатков в деятельности этих органов и усиление борьбы с преступностью.



## АННОТАЦИЯ

*Мақолада терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлиги фаолиятидаги муаммолар таҳлил қилинган ҳамда айрим олимларнинг фикрлари билан илмий баҳсга киришиб, ўз фикрларини илмий асослаган. Тадқиқотчи соҳадаги муоммаларни ечиш юзасидан фикрлар билдирган.*

## SUMMARY

*In article have discussed problems in cooperation of investigator with investigation organs, also author disputes with opinions of some authors, and scientifically substantiates one` ideas. Author gives his ideas in solving of research problems.*

<sup>1</sup> Бородин С.В. Борьба с преступностью: теоретическая модель комплексной программы.-М., 1990.-С.210

<sup>2</sup> Проблемы предварительного следствия и дознания. Сборник научных трудов. С.А.Данилюк «Организация работы по раскрытию преступлений нуждается в перестройке». М., 1988.-стр.-6.

<sup>3</sup> В.А.Стремовский, цит. Работа. Стр. 68; см. также В.В.Коротенко, Некоторые вопросы подследственности и соотношения компетенции органов следствия и дознания, «Практика применения нового уголовно-процессуального законодательства», М., 1962, стр. 79.

<sup>4</sup> Долгинов С.Д. Некоторые проблемы взаимодействия следствия и оперативных подразделений при раскрытии и расследовании преступлений, совершённых организованными преступными группами // актуальные проблемы теории и практики взаимодействия подразделений органов внутренних дел в борьбе с преступностью : материалы межвуз. Науч.-практ. Конф. Челябинск, 1998.С.110.

<sup>5</sup> См.: Базаров Р.А. Современные тенденции преступности и некоторые проблемы взаимодействия следственных и оперативных подразделений органов внутренних дел в раскрытии преступлений: мат-лы межвуз. Научно-практ. Конф. Челябинск.,1998.С.10-11; Протопопов А.Л.Указ.соч. С.113.

<sup>6</sup> Балашов А.Процессуальное оформление взаимодействия следователей и органов дознания.-Соц. Законность, 1972. с.59., № 8.

<sup>7</sup> См.: А.А.Матчанов Деятельность следователя по розыску скрывшегося обвиняемого.-Т., 2007.-С. 57.

<sup>8</sup> Каримов И.А.Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса// По пути безопасности и стабильного развития. Т.6.-Т., 1998.- С.87.

<sup>9</sup> А.Я.Дубинский «Исполнение процессуальных решений следователя правовые и организационные проблемы».-Киев.-1984.-с.107-108. изд. «Наукова думка».

<sup>10</sup> Е.Г.Мальцев.К вопросу о понятии и месте оперативно-розыскных мероприятий в системе криминалистики.-В кн: Вопросы уголовного права, процесса и криминалистики. Уч.зап.Перм.унив-та,№187,1967. с.69

<sup>11</sup> Там же, с.69-70.

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ СИЁСАТИДА ҚОНУНИЙЛИК ВА НАЗОРАТНИ ТАЪМИНЛАШДА ПРОКУРАТУРАНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Давлатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва унга қатъий амал қилиш амалга ошириладиган ижтимоий ҳимоя сиёсатининг адолатлилиги ва натижаллилигига имкон беради. Адолат таъминлаши асосида амалга ошириладиган ижтимоий ҳимоя ўз навбатида жамиятда барқарорлик ва демократик қадриятлар қарор топишига замин яратади.

Ижтимоий ҳимояга оид давлат сиёсатининг самарали ва одилонга амалга оширилишини таъминлашда прокуратура органларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ижтимоий ҳимояда қонунийликни таъминлаш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан биридир. Зеро, “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг<sup>1</sup> (янги таҳрири) 2-моддасида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари — қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш кўзда тутилган бўлса, ушбу қонуннинг 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш алоҳида қайд этиб ўтилган. Прокуратура зиммасига инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш устидан назорат юритиш вазифалари юклангани шунчаки тасодиф эмас, зеро, амалга ошириладиган барча ислохотларга, жумладан, кучли ижтимоий сиёсатни чинакам таъминлашга фақат қонунлар оғишмай амалга оширилган ҳолдагина эришиш мумкин. Шунингдек, қонунлар ижроси устидан назорат соҳаси бутун

давлат ҳудудида қонунларнинг бир хил ва аниқ бажарилишини таъминлаш билан бирга, жиноий ҳодисалар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш вазифаларини ҳам бажаради.

Бугунги кунда прокуратура органлари ижтимоий ҳимоя соҳасига оид бўлган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари ижросини назорат қилишда, ушбу соҳада қабул қилинаётган ҳуқуқий актларнинг Конституция ва қонунларга мослигини таъминлаш бўйича ўзларининг қонуний вазифаларини самарали равишда бажариб келмоқдалар.

Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари фуқароларнинг қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, кенг кўламда амалга ошириладиган иқтисодий, ижтимоий ислохотларни қонуний ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, ҳар бир фуқаро, жисмоний ва юридик шахс ҳар қандай ҳолатда ўзининг қонун муҳофазасида эканлигини ҳис қилиш муҳитини юзага келтиришга қаратилган.

Ижтимоий ҳимоя соҳасидаги қонунчиликни қўллаш механизмида прокуратура органларининг ўрни фуқаролар, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари, маҳаллий маъмурият, барча назорат органлари, вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги қонунлар талабларига аниқ ва бир хилда риоя этилишини олий даражада назорат қилишда намоён бўлади.

Прокуратура органлари давлат бошқаруви соҳасида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошира бориб, жамият ва давлат олдида турган фуқаролар эҳтиёжларини қондириш, уларнинг моддий таъминотини яхшилаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш каби вазифаларнинг бажарилишига шароит яратади. Бошқача қилиб айтганда, прокурор қонунлар ижроси устидан назорат соҳасида ўз ваколатини амалга ошира бориб, бошқа орган ва ташкилотлар билан биргаликда ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, миллий ва маданий қурилиш

масалаларини ҳал қилади.

Ўтган йиллар мобайнида прокуратура органлари фаолияти янги босқичга кўтарилди. Прокуратура органларининг олдида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш борасида янги вазифалар белгиланди. Эндиликда у нафақат назорат қилувчи ёки текширувчи, балки энг асосийси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида ўзини намойён қилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Х.Қодиров жуда тўғри таъкидлаганидек: «Сўнгги йилларда прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда, ҳуқуқни қўллаш ваколатларига катта эътибор қаратилмоқда. Эндиликда прокуратура ўзининг янги ҳуқуқий мақомида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимоячиси сифатида иш олиб бормоқда».<sup>2</sup>

Бугунги кунда прокуратура органлари ижтимоий ҳимоя соҳасида қонунийликни таъминлаш бўйича қуйидаги йўналишларда фаолият олиб бормоқдалар:

**Биринчидан**, ижтимоий ҳимояга оид бўлган қонунлар ижросини текшириш орқали уларнинг ижросини таъминлаш;

**Иккинчидан**, аҳолининг ижтимоий ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича ўзларига келиб тушган мурожаатларни қонун асосида ҳал қилиш билан фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари амалга ошишини таъминлаш;

**Учинчидан**, прокуратура органлари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасига оид бўлган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасига хулосалар бериш орқали ижтимоий ҳимоя соҳасига оид бўлган қонунларни такомиллаштириш бўйича тегишли ишларни амалга оширмоқда.

Маълумки, ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикасида ихтисослашган минтақавий Орол табиатини муҳофаза қилиш прокуратураси фаолият кўрсатади. Ушбу прокуратура Қорақалпоғистоннинг экологик шароитидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиниб, фаолиятини Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти ҳудудида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 1993 йил 11 октябрь куни тасдиқланган «Орол табиатини муҳофаза қилиш прокуратураси тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, Орол табиатни муҳофаза қилиш прокуратурасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа объектларни режалаштириш, қуриш ва ишга туширишда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қонунбузилишларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш, аҳоли соғлиғига зиён етказувчи, экология талабларига жавоб бермайдиган технология материалларини ҳамда моддаларини ишлаш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этишни барта-

раф этиш, Орол денгизини тиклаш билан шуғулланувчи ташкилот ва корхоналар фаолиятида қонунчиликка итоат этилишини мунтазам назорат қилиб бориш;

2) табиатни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатларининг бир хилда бажарилишини, бу қонунларни бузганлик учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида назорат олиб бориш ва табиатни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорлик қилиш;

3) минтақада табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузишга қарши курашда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, ҳудудий ва бошқа прокуратуралар билан ҳамкорликда иш олиб бориш;

4) Оролбўйи минтақасида ижтимоий-иқтисодий, санитария-эпидемиологик ва экологик аҳволни яхшилашга қаратилган муаммоларни ҳал этишга жалб этилган барча корхона, ташкилот, жамоа ва хўжаликлар фаолиятида қонунларга амал қилинишини, шунингдек, табиатни муҳофаза қилишга мўлжалланган объектлар қуриш ва шу билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш учун ажратилган маблағларнинг мақсадга мувофиқ сарфланишини назорат қилиб бориш;

5) атмосфера ҳавоси, ер ва ер ости, ҳайвонот дунёси, заказниклар, кўриқхоналар, ўрмон ва ўсимликлар дунёси, табиий ёдгорликлар тўғрисидаги, корхона, ташкилотларнинг саноат ва хўжалик чиқиндиларини зарарсизлантириш ёки йўқ қилиш тартибини белгиловчи қонунлар бажарилишининг назорат қилинишини таъминлаш ва бошқалар.

Бугунги кунда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий адолат ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш прокуратура органлари фаолиятининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу борада Қорақалпоғистон прокуратураси органлари томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бир каторда, ижтимоий ҳимояга оид бўлган қонунлар ижроси юзасидан прокурор назоратини амалга оширишда ўз ечимини кутаётган масалалар мавжудлигини ҳам таъкидлаш даркор:

1) Бугунги кунда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зид бўлган бўйруқ ва кўрсатмалар чиқарилиши кўрсаткичининг юқорилиги бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар борлигини кўрсатади.

2) Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича давлат органларида ишлайдиган айрим шахслар томонидан ҳужжатларни қалбакилаштириш орқали маблағларни ўзлаштириш ва қаровсиз шахсларнинг мол-мулкини товламачилик йўли билан ўзлаштириб олиш фактлари бу борада назорат-

нинг етишмаётганини кўрсатади.

3) Ижтимоий нафақаларнинг қонунга зид равишда тарқатилиши ва уларнинг қайта ундирилиши борасидаги суғ ҳаракатлар прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги фаолиятида қийинчиликлар туғдирмоқда.

4) Вақтинчалик бир марта иш бажарувчилар фаолиятига оид ҳуқуқий актларнинг етарли эмаслиги ва кўп ҳолларда унга риоя қилинмаслиги вақтинчалик бир марта иш бажарувчилар(мардикор)нинг ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қийинчиликлар туғдиради.

Прокурор назоратини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган юқоридаги муаммоларни таҳлил қилиш асосида, уларни ҳал қилиш бўйича қўйидагиларни таклиф қилишни лозим, деб топдик:

— Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги томонидан фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зид бўлган буйруқ ва кўрсатмалар чиқарилишининг олдини олиш мақсадида аҳолининг ижтимоий ҳимоясига оид қонунли актлари қабул қилинишида ошкоралик тамойилига риоя қилинишини таъминлаш зарур. Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож қаровсиз шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва бу борадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун

прокурор назоратини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга ошириш лозим;

— Ноқонуний йўл билан ўзлаштириб олинган ижтимоий нафақаларни ундиришда инфляция ҳолати, ижтимоий нафақани қонунан олиш лозим бўлган шахслар томонидан кўрилган зарарлар ва уни ундириш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳисобга олиниши назарда тутилиши керак;

— Конституциянинг 83-моддасидан келиб чиққан ҳолда, прокурор назоратини олиб боришда аниқланган тегишли қонун нормаларининг камчилиги прокуратура органларига тегишли бўлган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш билан бартараф этилиши лозим.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, ҳозирги ривожланиш даврида ижтимоий ҳимоя сиёсатида қонунийликни таъминлаш, инсонларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, қонунбузарликка қарши курашиш ва жамиятда адолатни таъминлаш асосий масала ҳисобланади. Чунки, ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этиш, унда кучли ижтимоий сиёсат тамойилини амалга ошириш соҳасидаги ишлар шахс ҳуқуқлари ва бу ҳуқуқларнинг аниқ кафолатланганлиги ҳамда самарали ҳимояланганлиги билан чамбарчас боғлиқдир.



## АННОТАЦИЯ

*В статье рассматривается роль органов прокуратуры в обеспечении надзора за исполнением законодательства в сфере социальной защиты населения. Автор освещает деятельность органов прокуратуры в различных сферах общественных институтов по социальной защите населения.*

## SUMMARY

*In article, is being considered role of public prosecution bodies in ensuring of supervision of legislative execution in sphere of social defense of population. Author elucidates activity of public prosecution bodies in different spheres of social institutions of social defense of population.*

<sup>1</sup> «Собрание законодательства Республики Узбекистан», 2001 г., N 20

<sup>2</sup> Қодиров Р.Х. Суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим босқичи // Фуқаролик жамияти. – 2006, №1. 24-6.

<sup>3</sup> Манба:Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан 2009 йил 12 ойи давомида амалга оширилган ишлар юзасидан умумлаштириш маълумотларидан

## ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА АШЁВИЙ ДАЛИЛЛАРГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги 17-сонли қарори)

Суд амалиётида жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллаш билан боғлиқ масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан ҳамда судлар томонидан йўл қўйилаётган хатоларни бартараф этиш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларнинг эътибори ҳар бир жиноят иши бўйича ашёвий далилларга оид жиноят-процессуал қонуни нормаларига қатъий риоя этилиши зарурлигига қаратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 203 ва 211-моддалари мазмунига кўра, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлашга хизмат қилиши мумкин бўлган ҳамда физикавий аломатлар ёки белгиларга эга ҳар қандай нарса ашёвий далил деб эътироф этилади.

Ашёвий далил сифатида, жумладан, қуйидагилар эътироф этилади:

а) жиноят қуроллари — жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этиш учун махсус мўлжалланган, тайёрланган ёки мослаштирилган нарсалар ёхуд бевосита жиноят содир этиш жараёнида жинойи мақсадга эришиш учун фойдаланилган нарсалар (масалан, одам ўлдириш қуроллари, қимматликларни талон-торож қилиш ёки эгаллашда восита бўлган нарсалар, ўқотар қурол, браконьерлик қуроллари-қопқонлар, тўрлар, сохта ҳужжат ва ҳ.к.);

б) ўзида жиноят изларини сақлаб қолган нарсалар (масалан, қон излари мавжуд кийим, нарсалар ёки жиноят содир этилиши жараёнида йиртилган кийим, нарсалар, ўқ отилиши ёки портлаш натижасида шикастланган нарсалар, қўлнинг, транспортнинг, бузиш қуролларининг излари ва ҳ.к.);

в) жинойи ҳаракатлар объекти бўлган нарсалар (масалан, олиб қочилган автомобиль, талон-торож қилинган пуллар, қимматли қоғозлар, қурол, гиёҳвандлик воситалари, бошқа моддий қимматликлар, буюмлар ва ҳ.к.);

г) жинойи ҳаракатлар содир этилгандан кейин жинойи йўл билан топилган маблағлар эвзига топилган мол-мулк, пуллар ва бошқа қимматликлар (масалан, ўғирланган пулларга сотиб олинган қимматбаҳо буюмлар, жинойи фаолият натижасида, жумладан, қонунга хилоф равишда тадбиркорлик билан шуғулланишдан топилган нақд пуллар, нодир металллар ва тошлардан иборат хомашё ва буюмлар, бошқа қимматликлар).

3. Шуни назарда тутиш лозимки, ашёвий далилларни олиш усуллари қонунда қатъий белгиланган. ЖПК 205-моддасига кўра, ашёвий далиллар суриштирувчи, терговчи томонидан (ҳодиса содир бўлган жойни, бинони кўздан кечириш, таниб олиш учун кўрсатиш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, кўрсатувни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, олиб қўйиш, тинтув ёки эксперимент ўтказиш

пайтида) олиниши ёнки суриштирувчи, терговчи ёки судга ЖПК 198-202-моддаларида назарда тутилган тартибда ҳимоячи ёхуд бошқа шахслар, (фуқаролар, корхона, муассаса, ташкилотлар мансабдор шахслари) томонидан тақдим этилиши мумкин.

4. Судларга тушунтирилсинки, суриштирув, тергов ҳаракатларини юритиш пайтида топилган, олинган ёки бошқа шахслардан қабул қилинган нарсалар фақат қуйидаги процессуал ҳаракатлар амалга оширилганидан кейин ашёвий далил маъносини касб этади:

иш учун аҳамиятли бўлган нарсани топиш, олиш ёки қабул қилиш факти расмийлаштирилганидан (баённома тузилганидан ёки суд баённомасида акс эттирилганидан);

нарсанинг ишга дахлдорлиги тўғрисида хулосага келиш ва уни индивидуаллаштириш учун зарур белгиларни аниқлаш мақсадида уни ЖПК 135-137, 139 ва 140-моддаларида назарда тутилган қоидаларга биноан дарҳол кўздан кечирилганидан;

нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқарилганидан ва у ашёвий далил сифатида ишга қўшиб қўйилганидан.

Суриштирув ёки дастлабки тергов органлари томонидан белгиланган тартибда олиб қўйилган ҳамда иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли бўлган, бироқ ашёвий далил деб топилмаган нарсалар прокурор ёки суд томонидан ЖПК 207-моддасига мувофиқ ашёвий далил деб эътироф этилиши ва жиноят ишига қўшиб қўйилиши керак.

5. Ашёвий далилларнинг жиноят ишини тўғри ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, суриштирув, дастлабки тергов органлари, прокурор, суд ашёвий далилларнинг йўқотилиши, шикастланиши, бузилиши, бир-бирига қўшилиб ёки аралашиб кетишининг олдини олиш юзасидан ЖПК 208, 209-моддаларида назарда тутилган чораларни кўришга мажбурдирлар.

Бунда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 15 июлда 200-сон билан тасдиқланган “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 29 декабрда 2174-сон билан рўйхатга олинган “Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқномага ҳам қатъий риоя этилиши лозим.

6. Ашёвий далиллар ҳукм қонуний кучга киргунга қадар ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажрим ёки қарор устидан шикоят бериш муддати ўтгунга қадар сақланади. Шу билан бирга, ЖПК 210-моддаси биринчи қисми талабига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зарур процессуал ҳаракатлар амалга оширилгандан сўнгра айрим ашёвий далилларни, жумладан, тез бузилувчи нарсалар, кундалик рўзғорда зарур бўладиган нарсалар, уй хайвонлари, паррандалар ва боқиш лозим бўлган

бошқа ҳайвонларни тегишлилиги бўйича дарҳол қайтариб бериш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт (мазкур модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

7. Судларнинг эътибори ашёвий далилларни синчковлик билан текшириш иш бўйича ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш учун ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигига қаратилсин.

Ашёвий далиллар суд мажлисида иш бўйича бошқа далиллар билан бир қаторда кўздан кечириш йўли билан текширилиши лозим. Ашёвий далиллар процесс иштирокчиларига кўрсатилганда, улар ашёвий далилларни текшириш билан боғлиқ у ёки бу ҳолатларга суднинг эътиборини жалб этишлари мумкин. Ашёвий далилларни кўздан кечириш бўйича суд амалга оширган барча ҳаракатлар суд мажлиси баённомасида акс эттирилиши керак.

8. Ашёвий далиллар иш бўйича бошқа далиллар билан биргаликда, энг аввало, уларни олиш ҳолатлари ва текшириш натижалари қайд этилган ҳужжатлар билан бирга баҳоланиши лозим. Масалан, ўғирланган буюм уни айбланувчидан ёки бошқа шахсдан олиб қўйиш қайд этилган баённома, буюмнинг жабрланувчига тегишлилигини тасдиқлаган шахсларни сўроқ қилиш баённомаси ёхуд мазкур буюм жабрланувчи томонидан таниб олинганлиги тўғрисидаги баённома билан биргаликда далил ҳисобланади. Шу каби, бармоқ ёки оёқ кийими изи фақат уни текшириш натижалари қайд этилган эксперт хулосаси билан биргаликда далил кучига эга ва ҳ.к.

Ашёвий далилларни баҳолашда судлар ЖПК 95-моддасида назарда тутилган талабларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Далиллар мақбуллигига оид жиноят процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қароридан баён этилган тушунтиришларга риоя этишлари лозим.

9. Жиноят-процессуал кодекси 211-моддасига мувофиқ жиноят ишини юритиш тамом бўлганда (ишни тугатиш ёки иш бўйича ҳукм чиқаришда) суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ашёвий далил сифатида ишга қўшиб қўйилган нарсалар ва ҳужжатларнинг тақдирини белгилаши шарт.

Қонунга кўра, ашёвий далилларга оид масала қуйидаги қоидаларга риоя этилган ҳолда ҳал этилади:

жиноят қуроллари, кимга тегишлилигидан қатъий назар, мусодара қилиниши керак ва тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади; муомаладан чиқарилган ашёлар (масалан, гиёҳвандлик воситалари, қурол, портловчи ёки психотроп моддалар) тегишли муассасаларга берилиши лозим ёки йўқ қилиб юборилади;

ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган ашёлар йўқ қилиб юборилади, манфаатдор шахслар ёки муассасалар илтимос қилган ҳолларда эса, уларга берилиши мумкин;

жиноят ёки бошқа ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир қилиниши натижасида қонуний эгаси ва мулкдоридан маҳрум бўлиб қолган пуллар ёки бошқа қимматликлар қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқий ворисларига, шунингдек, меросхўрларига қайтариб берилиши лозим;

жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин жиноят йўли билан топилган маблағлар ҳисобидан орттирилган пуллар ва бошқа қимматликлар суднинг ҳукмига биноан жиноят натижасида етказилган мулккий зарарни қоплашга ўтказилади, мулккий зарар мавжуд бўлмаган ёки тўлиқ қопланган ҳолларда, давлат фойдасига ўтказилади;

асшёвий далил деб эътироф этилган ҳужжатлар, аудио-видео ёзувлар ишни сақлаш буткул муддати давомида асраб турилади ёки манфаатдор шахсларга ёхуд муассасаларга берилади.

Жиноят иши бўйича дастлабки тергов юритилиши даврида олиб қўйилган ёки хатланган, бироқ ашёвий далил деб эътироф этилмаган ва ишга алоқадор бўлмаган нарсалар суриштирув, дастлабки тергов органи ёки суд томонидан тегишлилиги бўйича қайтарилиши керак.

10. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, баъзи ҳолларда айрим қилмишлар, масалан, контрабанда, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ташиш, одам ўғирлаш ва ҳ.к. учун жиноий жавобгарликка тортилган шахслар жиноят содир этишда фойдаланган автомобиллар, мотоцикллар ва бошқа транспорт воситалари жиноят қуроли деб эътироф этилиши мумкин. Бунда шунинг назарда тутиш лозимки, ушбу транспорт воситаларини жиноят қуроли деб эътироф этиш учун транспорт воситасидан, фақат улов сифатида эмас (масалан, айбдор томонидан қонунга хилоф равишда балиқчилик жинояти қармоқлар ва тўрлардан фойдаланилган ҳолда содир этилган бўлиб, автомобилдан фақат улов сифатида фойдаланилган бўлса), балки, қасддан жиноят содир этишда айнан қурол сифатида фойдаланилганлиги сўзсиз аниқланган бўлиши зарур (масалан, талон-торож жиноятини содир этишда ўғирланган катта ҳажмдаги товарлар автомобилда олиб чиқиб кетилган бўлса).

11. Жиноят ишларини кўриш вақтида судлар суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан ашёвий далилларга оид қонунчиликка риоя этилганлигини аниқлашлари лозим. Процессуал қонунчилик нормалари бузилиши аниқланган ҳолларда, судлар унга жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари мансабдор шахсларига нисбатан хусусий ажрим чиқариш орқали муносабат билдиришлари керак.

12. Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштиришлари ва йўл қўйилган қонунбузилишларини ўз вақтида бартараф этишлари лозим.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раиси**

**Пленум котиби,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди судьяси**

**Б.Мустафоев**

**А.Усманов**

## ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИГА ОИД АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги 17-сонли қарори)

Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги ҳамда судлар амалиётида қонунчиликни тўғри ва бир хил қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан қабул қилинган қуйидаги қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. 1993 йил 16 апрелдаги "Судлар томонидан мулкни рўйхат (арест)дан чиқариш ҳақидаги ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланиши тўғрисида"ги 13-сонли қарорининг

а) ўн биринчи банди қуйидаги учинчи ва тўрттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Судлар мулкни рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги даъвони кўришда суд ҳукми ёки ажрими билан мол-мулк жиноий йўл билан қўлга киритилган маблағ эвазига олинган ёки жиноят қуроли деб топилган-топилмаганлигига эътибор қаратишлари лозим. Суд ҳукми ёки ажрими билан мулк жиноий йўл билан орттирилган маблағ эвазига олинган (ЖК 243-моддаси) ёки жиноят қуроли деб (ЖПК 211-моддаси 1-банди) топилганлиги етказилган зарар қопланган-қопланмаганлигидан қатъи назар даъвони рад этиш учун асос бўлади.

Бунда суд ушбу мол-мулкларни рўйхатдан чиқариш ҳақидаги даъвони рад этиш билан бирга, манфаатдор шахсларга жиноят натижасида етказилган зарарни айбдор шахслардан ундириш масаласида умумий тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиради".

2. 2000 йил 28 апрелдаги "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 7-сонли қарорининг

а) биринчи бандига "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 115-моддаси деган сўзлардан кейин "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг 35-моддаси деган сўзлар билан тўлдирилсин.

б) мазкур қарорнинг 12-банди қуйидаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин: "Тадбиркорлик фаолияти субъекти ўз ишчанлик обрўсига путур етказадиган маълумотлар тарқатилганда, бундай маълумотларга раддия

берилиши билан бир қаторда уларнинг тарқатилиши оқибатида етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ва маънавий зарар компенсация қилинишини талаб этишга ҳақли".

3. 2008 йил 12 декабрдаги "Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида"ги 24-сонли қарорининг

а) 4-бандидаги "ФПК 84-моддасининг 5 ва 6-қисмлари" сўзлари "ФПК 841-моддаси" сўзларига алмаштирилсин;

б) 5-банддаги "ФПК 84-моддаси" сўзлари "ФПК 841-моддаси" сўзларига алмаштирилсин;

в) мазкур қарорнинг 14-бандининг 3-хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

"Шу билан бирга ФПКнинг 87-моддаси 2-қисми мазмунидан келиб чиққан ҳолда, эксперт қўйилган саволларни унинг махсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмастлигига ёки унга тақдим этилган текшириш объектларининг ёхуд материалларнинг яроқсизлигига ёки хулоса бериш учун етарли эмаслигига ва уларни тўлдириб бўлмастлигига ёхуд фан ва суд - экспертлик амалиётининг ҳолати қўйилган саволларга жавоб топиш имкониятини бермаслигига ишонч ҳосил қилса, у хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида асосланган ҳужжат тузади ҳамда уни экспертизани тайинлаган судга юборади".

4. 1991 йил 20 декабрдаги "Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 5-сонли Пленум қарорининг

а) 2-банди қуйидаги мазмундаги 9-хатбоши билан тўлдирилсин: "иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, меҳнат фаолияти даврларини"

б) 3-бандида:

"а"-кичик банди чиқарилсин.

"б, в, г, д" кичик бандлари тегишлича "а, б, в, г" кичик бандлар деб ҳисоблансин;

в) 10-бандидаги "Олий суд Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги "Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорининг 4-5-бандлари жумласи Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги "Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисидаги" қарорининг 16-17-бандлари жумласига ўзгартирилсин;

г) 17-банди 4-хатбошидаги "маъмурий тартибда" сўзлари "бошқача тартибда" сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси

Пленум котиби,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди судьяси

Б.Мустафоев

А.Усманов

## ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги 17-сонли қарори)

Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, шунингдек, суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Тиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 1995 йил 27 октябрдаги 21-сонли қарори:

а) ўзбек тилидаги матни 3-банди қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"Ҳукмда жиноий гуруҳ айнан қайси мезонлар бўйича уюшган гуруҳ деб топилганлиги акс эттирилиши лозим";

б) 8-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Қонун мазмунига кўра (ЖК 273-моддасининг тўртинчи қисми), тиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангхона ташкил қилиш ёки сақлаш деганда, айбдор томонидан хоналарни мазкур модда ёки воситаларни истеъмол қилиш мақсадида бир ёки бир неча маротаба бериб турилиши тушунилиши лозим (бунда хонанинг тиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш учун махсус мосланган-мосланмаганлиги ва айбдор ғараз мақсадни кўзда тутган-тутмаганлиги юридик аҳамият касб этмайди). Агар тиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмолчилар томонидан хона бериб турган шахсга билдирмасдан олиб келиб, истеъмол қилинганлиги аниқланса, уни (хона бериб турган шахсни) бангхона ташкил қилиш ёки сақлашда айбдор деб топиш мумкин эмас".

2. "Контрабанда ва божхона қонунларини бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 1996 йил 27 февралдаги 2-сонли қарори:

а) ўзбек тилидаги матни 3- банди "д" кичик бандининг иккинчи хатбошисидаги "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 209 ёки 228-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилади" сўзлари "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182 ёки 246 ва 209 ёки 228-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилади" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Жиноят-процессуал кодекси 211- моддасига мувофиқ контрабанда ашёлари (ЖК 246-моддаси) ёхуд товар ёки бошқа қимматликлар (ЖК 182-моддаси) далилий ашё тариқасида мусодара қилиниши лозим.

Транспорт воситаларини жиноят қуроли деб топиш масаласини ҳал қилишда, судлар Олий суд Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги "Жиноят ишлари бўйича ашёвий

далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорига баён этилган тушунтиришларга риоя қилишлари лозим.

Контрабанда ашёлари айбдор томонидан сотилган бўлса, суд уларнинг қийматини маҳкумдан давлат фойдасига ундириш масаласини муҳокама қилиши керак (ФК 199-моддаси)".

3. "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 1996 йил 20 декабрдаги 36-сонли қарори:

а) 2-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар жумласига давлат кўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар, давлат биосфера резерватлари, давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар қиради";

б) 6-бандининг биринчи хатбошисидаги "24 - 26 - моддалари билан" сўзлари "24, 25 -моддалари билан" сўзлари билан алмаштирилсин.

4. "Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши ҳақида"ги 1996 йил 20 декабрдаги 39 -сонли қарори:

а) рус тилидаги матни 9-бандидаги "а,б,д,р,с ч.2 ст. 97 Уголовного кодекса" сўзлари "а,б,д,ж,р,с ч. 2 ст. 97 Уголовного кодекса" сўзлари билан алмаштирилсин.

5. "Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида"ги 1997 йил 22 августдаги 12 -сонли қарори:

а) рус тилидаги матни 2-бандининг иккинчи жумласидаги "о наличии непогашенной или неснятой судимости" сўзлари "о наличии непогашенной или неснятой судимости в соответствии со статьей 77 Уголовного кодекса" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) рус тилидаги матни 3-бандидаги "что должно бмть отражено в протоколе судебного заседания" сўзлари, "что должно бмть отражено в протоколе судебного заседания (статьи 435-437 УПК)" сўзлари билан алмаштирилсин;

в) рус тилидаги матни 13-банди учинчи хатбошисининг иккинчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Представление суду такой формулировки для государственного обвинителя и защитника является обязательным (статья 450 УПК);

г) 18-бандининг иккинчи жумласидаги: "ёки адвокатлар ҳайъати раёсатига" сўзлари, "ёки Ўзбекистон

Республикаси адвокатлар Палатаси ҳудудий бошқармаси қошидаги малака комиссиясига" сўзлари билан алмаштирилсин.

6. "Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида"ги 1998 йил 11 сентябрдаги 21-сонли қарори:

а) рус тилидаги матни муқаддимаси учинчи хатбошиси биринчи жумласи "не принимают мер к обеспечению гражданского иска" сўзларидан сўнг "не всегда проявляют соответствующее реагирование на случаи несвоевременного наложения ареста на имущество органом предварительного следствия" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

б) 3-банди иккинчи хатбошисининг биринчи жумласи куйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ҳн тўрт ёшдан Ҳн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар етказилган зарар учун умумий асосларда мустақил жавобгар бўладилар";

в) 3-бандининг иккинчи хатбошисининг иккинчи жумласи куйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ҳн тўрт ёшдан Ҳн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахсда зарарни қоплаш учун етарли мол-мулки ёки бошқа даромад манбалари бўлмаган тақдирда, зарар тўлиғича ёки унинг етишмаган қисми вояга етмаганнинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари томонидан тўланиши лозим".

7. "Ўзгалар мулкини ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 1999 йил 30 апрелдаги 6-сонли қарори:

а) муқаддимаси учинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, мазкур тоифадаги ишлар бўйича қонунни тўғри ва аниқ қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми".

8. "Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 1999 йил 24 сентябрдаги 19 -сонли қарори:

а) рус тилидаги матни муқаддимаси биринчи хатбошисидаги биринчи жумла куйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Пленум, заслушав информации председателей Ташкентского городского и Ташкентского областного судов и, обсудив судебную практику по рассмотрению дел о взяточничестве, отмечает, что в основном эта категория дел разрешается правильно в строгом соответствии с законом";

б) рус тилидаги матни 13-бандининг биринчи жумласидаги "ст.23 УК" сўзлари "ст. 33 УК" сўзлари билан алмаштирилсин,

9. "Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 2000 йил 15 сентябрдаги 21- сонли қарори:

а) ўзбек тилидаги матни муқаддимаси иккинчи хатбошисидаги "айрим процессуал ва моддий қонун талабларини бузиш ҳолларига ҳам йўл қўйилмоқда" сўзлари "жиноят ва жиноят -процессуал қонун нормаларига ҳар доим ҳам риоя этмаяптилар" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) ўзбек тилидаги матни муқаддимаси учинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин;

"Жиноят содир этилишига имкон берган сабаб ва

шарт-шароитларни лозим даражада аниқлашга ҳар доим тегишли эътибор берилмаяпти ва уларни бартараф этиш юзасидан қонунда назарда тутилган чоралар кўрилмаяпти";

в) ўзбек тилидаги матни 2-бандининг иккинчи хатбошисидаги "Қамоққа олиш" сўзлари "вояга етмаганнинг қамоққа олиниши" сўзлари билан алмаштирилсин;

г) ўзбек тилидаги матни 3-банди биринчи хатбошисининг иккинчи жумласидаги "содир этган" сўзлари "содир этганликда айбланган" сўзлари билан алмаштирилсин.

10. "Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 2000 йил 15 сентябрдаги 22-сонли қарори:

а) 8-банднинг биринчи хатбошисидаги "МЖтК 21-моддаси ва 310- моддаси иккинчи қисми" сўзлари "МЖтК 21, 3081 - моддаси ва 310 -моддасининг иккинчи қисми" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) ўзбек тилидаги матни 20-бандининг учинчи хатбошисидаги "вақтдан" сўзи "вақтдан (санаси ва соати)" сўзлари билан алмаштирилсин;

в) ўзбек тилидаги матни 21-бандидаги "Низом ёки Қоидалар" сўзларидан кейин "(бланкет диспозициясида)" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

11. "Ҳумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 2003 йил 19 декабрдаги 17 -сонли қарори:

а) 11-банди биринчи хатбошисидаги "ЖПК 49 -моддасининг иккинчи қисмида" сўзлари "ЖПК 49 -моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 11-банди иккинчи хатбошисидаги "ҳумон қилинувчининг, айбланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари ва бошқа шахслар" сўзлари "ҳумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошларидан бири ёки қонуний вакиллари" сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 11-банди олтинчи хатбошиси чиқарилсин.

12. "Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибда кўриш амалиёти тўғрисида"ги 2006 йил 3 февралдаги 2 - сонли қарори:

а) ўзбек тилидаги матни 15-банди биринчи хатбошисидаги "ЖПК 490- моддаси" сўзлари "ЖПК 490 -моддасининг учинчи қисми" сўзлари билан алмаштирилсин.

13. "Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 2007 йил 27 июлдаги 6 - сонли қарори:

а) рус тилидаги матни 7-банди учинчи хатбошисидаги "потерпевшей телесного повреждения" сўзлари "потерпевшей тяжкого телесного повреждения" сўзлари билан алмаштирилсин.

14. "Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 2007 йил 14 ноябрдаги 15-сонли қарори:

а) 12-бандидаги "ЖК 50 -моддаси бешинчи қисми "б,в,г" бандларига мувофиқ" сўзлари "ЖК 50 -моддаси еттинчи қисми "б,в,г" бандларига мувофиқ" сўзлари билан алмаштирилсин.

15. "Судлар томонидан жиноят ишларини назорат тартибда кўриш амалиёти тўғрисида"ги 2008 йил 15

майдаги 12-сонли қарори:

а) ўзбек тилидаги матни 19Гбандининг учинчи хатбошисидаги "(фақат ЖПК 490-моддаси бешинчи қисмида кўрсатилган масалалар бўйича)" сўзлари чиқарилсин.

16. "Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида"ги 2008 йил 15 майдаги 13-сонли қарори:

а) рус тилидаги матни 28-бандининг иккинчи хатбошисидаги "в порядке, установленном статьей 78 УК" сўзлари "в порядке, установленном статьей 79 УК" сўзлари билан алмаштирилсин.

17. "Рухий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 2008 йил 12 ноябрь 23 - сонли қарори:

а) рус тилидаги матни 13-банди қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

"В случае если будет установлено, что лицо заболевшее психической болезнью не причастно к совершенному преступлению, суд, прекратив производство по делу о применении принудительных мер медицинского характера, возвратит дело органу предварительного следствия для установления лица, совершившего преступление".

18. "Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлash ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 2009 йил 10 апрель 7 -сонли қарори:

а) ўзбек тилидаги матни 1-банди учинчи хатбошисидаги: "ЖК 148 -моддаси" сўзлари "ЖК 148 -моддаси биринчи қисми" сўзлари билан алмаштирилсин.

19. "Жиноят ишлари бўйича процессуал чиқимларни ундириш амалиёти тўғрисида"ги 2009 йил 24 ноябрь 13-

сонли қарори:

а) рус тилидаги матни муқаддимаси иккинчи хатбошисининг биринчи жумласидаги "Судом нередко в нарушение закона не принимают необходимых мер к взысканию с осужденных процессуальных издержек, понесенных органами дознания, следствия и судами" сўзлари "Судом нередко в нарушение закона не принимают необходимых мер к взысканию с осужденных понесенных по делу процессуальных издержек" сўзлари билан алмаштирилсин;

б) ўзбек тилидаги матни 4-банди иккинчи хатбошисидаги "иш жойида сақланиб қолувчи ўртача иш ҳақи" сўзлари "иш жойида қонунга кўра сақланиб қолувчи ўртача иш ҳақи" сўзлари билан алмаштирилсин;

в) рус тилидаги матни 6-банди биринчи хатбошисидаги "Разъяснить, что по закону" сўзлари "Разъяснить, что в соответствии с пунктом 3 статьи 471 УПК" сўзлари билан алмаштирилсин;

г) ўзбек тилидаги матни 7-бандининг биринчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

"Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ЖПК 320-моддаси биринчи қисмига мувофиқ жиноят ишини тергов қилиш ва судда кўришда сарф қилинган чиқимлар давлат фойдасига маҳкумлардан (шу жумладан, жазодан озод қилинган ёки жазо тайинланмаган ҳолда айблов ҳукми чиқарилганда ҳам) ундирилади, таржимонга тўланган суммалар, шунингдек ЖПК 320-моддаси олтинчи, еттинчи ва саккизинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно".

20. "Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 2000 йил 15 сентябрдаги 23 - сонли қарори:

а) 1.2-бандидаги "Давлат чегарасини ҳимоя қилиш кўмитаси" сўзлари чиқарилсин.



**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раиси**

**Пленум котиби,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди судьяси**

**Б.Мустафоев**

**А.Усманов**

## ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ўқитувчиси Матчанов Шерзод Комилович муаллифлигида “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа оид текширишларнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби” номли илмий-амалий қўлланма чоп этилди (Т.А.Умаровнинг умумий таҳрири остида, тақризчилар: ю.ф.д., проф. Б.Х.Пўлатов, ю.ф.д., проф. Ф.Ю. Шадманов).

Мазкур илмий-амалий қўлланма тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишнинг ҳуқуқий асослари ва тартибига бағишланган бўлиб, қўлланмада тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш тушунчаси, моҳияти ва тамойиллари, текшириш иштирокчилари ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тад-

биркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш, режадан ташқари ва муқобил текшириш, назорат қилувчи органларнинг кенгаш билан қўшимча келишувисиз амалга ошириладиган назорат функциялари, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини текширишнинг ўзига хос хусусиятлари ва шу каби бошқа масалалар ёритилган.

Ушбу қўлланма тадбиркорлик фаолиятини солиққа оид текширишни амалга оширувчилар, тадбиркорлар ва текширишларнинг қонунийлигини таъминлашда назоратни амалга оширувчилар, шунингдек, мазкур масала бўйича илмий тадқиқот олиб борувчилар, талабалар ҳамда кенг китобхонлар учун мўлжалланган.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг касбий маданиятини юксалтириш масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами (Масъул муҳаррир: ю.ф.д.. Т.А.Умаров, Тақризчилар: юридик фанлар доктори Ф.Х.Рахимов, юридик фанлар доктори М.А. Ахмедшоева) нашр этилди.

Ушбу тўпламда Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг касбий маданиятини шакллантириш, касбий маданиятни юксал-

тиришда ходимларнинг билим ва малакасини ошириш масалалари ёритилган.

Мазкур тўпламда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг касбий маданиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, бу борадаги фаолиятни ташкил этишнинг асосий вазифаларига доир илмий-амалий мақолалар ўрин олган.

Мазкур тўплам ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлирининг талабалари, илмий изланувчилар, профессор-ўқитувчилар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларнинг ходимлари учун мўлжалланган.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ўқув жараёнини методик таъминлаш бўлими бошлиғи А.А.Абдужаббаров ва бўлим бош мутахассиси М.Б.Палвановлар муаллифлигида “Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни квалификация қилиш масалалари” (Тақризчилар: ю.ф.д., проф. Б.Х.Пўлатов, ю.ф.д. Ф.Х.Рахимов) номли илмий-амалий қўлланма чоп этилди.

Илмий-амалий қўлланмада гиёҳвандлик воситалари

ёки психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилишнинг амалий муаммолари кўздан кечирилган, гиёҳвандлик воситалар ёки психотроп моддалар билан боғлиқ асосий тушунчалар ўрганилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидаги нарковазият ва бу иллатга қарши кураш масалалари ёритилган.

Мазкур илмий-амалий қўлланма суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига, ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлирининг ўқитувчиларига, ушбу мавзуга кизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;
- матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
- келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;
- матн ўзбек ва рус тилида, шунингдек, имкониятга қараб инглиз тилидаги таржимаси ҳам тақдим этилиши;
- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
- мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган бўлиши лозим.
- рус тилидаги қисқа аннотация

Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

- статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;
- исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;
- достоверность и корректность приводимой в статье информации;
- к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;
- представление статьи на узбекском и русском языках, по мере возможности на английском языке;
- статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;
- объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;
- на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний и служебный адреса, телефоны автора.
- краткая аннотация статьи на узбекском языке



*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари*